

1-мавзу

Ахлоқшунослик фанининг тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари. Ўрта асрлар мусулмон шарқи, янги давр Европа ахлоқшунослиги.

Режа:

1. Ахлоқшунослик фанининг предмети, тадқиқот доираси.
2. Ахлоқшуносликнинг вазифалари, унинг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ўрни.
3. Ўзбекистон ҳудудида ва Европада қадимий ахлоқий қарашларнинг ривожиди.
4. Ўрта асрлар Ўрта Осиё уйғониш даври ахлоқий қарашлари. Европа уйғониш даври ахлоқий ғоялари.
5. Ҳозирги давр ахлоқи.

Этика асослари фани жуда қадимий фанлар сирасига киради. Айтишларича у Фалсафа фанига пойдевор, яъни асосий манбаа вазифасини бажаради.

“Этика” деган термин “этнос” деган юноча сўздан олинган бўлиб, у урф-одат, одоб деган маънони англатади. Этика терминини биринчи бўлиб фанга қадимги Юнонистоннинг машҳур файласуфи Арасту томонидан у ёзган “Никомах этикаси” деб номланган асарида баён этилган.

“Ахлоқ” эса арабча сўздан олинган бўлиб, хулқ сўзининг кўплик кўринишидир.

“Ахлоқ” инсон феъл-атвори ва хатти-харакатининг кенг қамровли, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган адабий, ахлоқий муносабатларни тартибга солиб турувчи барқарор муайян тушунчалар ва меъёрлар, принципларнинг мажмуаси десак муболаға бўлмайди.

Одоб эса ахлоқ тушунчасига нисбатан торроқ, хулқ эса ахлоқ ва одобдан ҳам кичикроқ тушунчасидир.

Этика асослари фани ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, инсоннинг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади.

Демак, қисқача қилиб хулоса қиладиган бўлсак, этика урф-одатлардан пайдо бўлган ахлоқий тушунчалар ва тамойиллар, меъёрларни ўрганувчи фандир. У қадимда ва ўрта асрларда Фалсафа таркибида ижтимоий онгнинг шакли сифатида тараққий этган бўлса, 1850 йиллардан бошлаб алоҳида ўзининг предмети ва илмий-аппаратига эга бўлган фан сифатида Европа олий ўқув юртларида, 1960-1970 йиллардан бошлаб Ўзбекистон олий ўқув юртларида ўрганила бошланди.

Мустақиллик йилларида этика фанига бўлган муносабат янада кучайди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, келажакда биз қурадиган кучли фуқаролик жамиятида ахлоқ-одобга жуда катта вазифа юкланган.

Этика фанини ўрганадиган асосий муаммолар сирасига унинг тарихи, назарий асослари ва ахлоқий амалиёт, ахлоқий тарбия муҳим аҳамиятга эгадир.

Этика асослари фани бошқача ном билан яъни ахлоқ фалсафаси деб ҳам аталади. У фалсафий фанлар билан айниқса “Эстетика” гўзаллик ҳақидаги фан билан чамбарчас боғланган, у ахлоқий тарбия ва маданиятни шакллантиришда педагогика ва маданиятшунослик асослари фанлари, адабиёт, тарих, психология, диншунослик, социология, сиёсатшунослик, экология билан ҳам чамбарчас боғланган.

Этика асослари фани ҳамма даврларда ҳам юксак аҳамият касб этиб келган. Ислом Каримовнинг куйидаги қимматли фикрларини келтириш жамият ҳаётида ахлоқнинг нечоғли муҳим аҳамияти борлигини исботидир: “Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомалаликдангина иборатдир эмас. Ахлоқ – бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, халоллик дегани!”

Мамлакатимизда олиб борилаётган янгиланиш жараёнида этика фанининг ўз ўрни бор. Унинг олдида яъни демократик ва ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга киришилган. Ватанимиз фуқароларининг, айниқса ёшларнинг ахлоқий даражасига маъсуллик ва ҳар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашга учун улкан вазифалар турибди. Уларни фақат қадимий ва ҳар доим замонавий бўлиб келган ахлоққа янгича ёндашувлар асосидагина амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида ва Европада қадимий ахлоқий қарашлар ривож.

Ахлоқшунослик тарихи ахлоқий тафаккурнинг вужудга келиши ҳамда унинг тараққиёти қонунларини ўрганади, маънавий меросининг улкан қисми бўлмиш ахлоқий таълимотлар, хикमतлар, панд-насиҳатларни замонавий жамият ҳаётига тадбиқ этиш ва тарғиб қилиш йўллари таҳлил этади. Гарчанд ҳар бир ахлоқий концепсия маълум бир мутафаккир мулоҳазалари ва фаолиятининг меваси бўлса-да у, моҳиятан, тарихий давр талабларидан келиб чиқади. Айни пайтда, турли одоб ва этикет қонун-қоидаларни ўз ичига оладиган одобий тарғибот муаммолари, ахлоқий панд-ўғитлар ва меъёрлар талабларини бажариш соҳасига киради. Ҳамда ахлоқшуносликнинг одатда “Амалий ахлоқ” деб аталадиган қисмини ташкил этади.

Қадимги Туронзамин ва Эронзаминдаги ахлоқий тафаккур тараққиёти зардуштийлик динининг вужудга келиши билан боғлиқ. Тахминан бундан XXX аср муқаддам ёйила бошлаган дин қадимги Хоразмда вужудга келган. “Авесто” деб аталган муқаддас китобида асосий ахлоқий фазилатлар ва иллатлар санаб ўтилади, талқин этилади. Унда зардуштийлик илоҳи Ахура Мазда-эзгулик, Аҳриман эса ёвузлик тимсоли сифатида намоён бўлади; эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва мамот ўртасидаги абадий курашнинг ибтидоси акс этади. “Абадий эзгулик”, “Эзгу сўз”, “Эзгу фикр”, “Эзгу амал”, каби эзгу тушунчалар реал маъно касб қилиб, инсоний қиёфадаги маъбудлар сиймоси намоён бўлади, улар Ахурамазда атрофида яхшилик уруғини сепаб юради. Бундай тушунчаларнинг акси эса Аҳриман атрофидаги ёвуз кучларда реаллашади. Ёвуз фикр тажассуми Апа Мана,

сўлиш ва ўлим тимсоли Туарви ҳамда Зарик исмли девлар шулар жумласидандир.

“Авесто”даги талқинлар реал ҳаёти билан боғлиқ эканлигига диққатга сазовордир. Ундаги эзгулик руҳи – яратувчилик, ижодкорлик қуввати, Ёвузлик эса бузиш ва бузғунчилик кучи тарзида намоён бўлади.

Ахура-Мазда қиёфасидаги бу эзгулик – ҳаёт рамзи, ерни инсон, ҳайвонот ва набодот бойитади, инсон уларни соғлиқ, куч-қудрат, бахт, шодлик, умид, ишонч, гўзаллик, фаровонлик ёрдамида мунаввар қилади. Ахриман қиёфасидаги ёвузлик эса қурғоқчилик, очарчилик, касаллик, моллар, қирғинини, жисман ва руҳан ҳалокат сингари офатларни келтириб чиқаради.

“Авесто”да умри давомида эзгулик, яхшилик, поклик ва тозалик тамойиллари билан иш кўрган одам ўлгандан сўнг унинг руҳи роҳат-фароғатда бўлиши, гуноҳкор, фосиқ кишиники эса аксинча: азоб-уқубат ҳамда хунуклик комига маҳкум этилиши айтилади.

Бу ерда руҳ ва вужуд муамоси ифода топганини илғаб олиш қийин эмас. Зеро “Авесто”да жон, руҳ тушунчаси ўта илоҳийлаштирилмайди, маълум маънода “дунёвий”лаштирилади ва ўз эгаси билан мулоқот қилувчи виждон сифатида намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Авесто”да инсон олий жонзод тарзида талқин этилади. Аини пайтда еру кўкдаги барча неъматларни севиш, ардоқлаш инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Озодалиқ, тозалиқ гигиена тушунчаси ахлоқий ва илоҳий тушунча даражасига кўтарилади: сувни, атроф-муҳитни тоза тутиш, жониворларга, хусусан, итга учи ўткир суяк ёки қайноқ овқат бермаслик – уларга нисбатан шафқатни англатади; инсон шафқатли бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси “Авесто”да экологик ахлоқшуносликнинг дастлабки куртаклари ҳам мувжудлигини кўрсатади.

Зардуштийлик дини, унинг муқаддас китоби “Авесто” юқорида айтганимиздек, аждодларимизнинг ахлоқий эстетик қомуси, қадимий урф-одатларимизнинг ўзига хос мажмуи сифатида қимматлидир.

Қадимги Шарқ ахлоқшунослиги

Қадимги Ҳиндистон ахлоқий тафаккури алоҳида ўринга эга. У тарихан ведачилик, йўга, жайнчилик, будҳачилик, “Бхагавадгита” ва “Артхашастра” ҳамда локаята оқимларидан ташкил топган.

Ведачилик ахлоқшунослиги қадимги ҳинд жамиятини тўрт табақа – варнага бўлади; браҳманлар, (коҳинлар), кшатрийлар (харбийлар), вайшийлар (деҳқонлар, косиблар), шудралар (қуллар). Машҳур “Ману қонунлари”да ёзилишича, браҳманнинг машғулоти – таълим бериш, Ведани ўрганиш, қурбонлик қилиш, садақа улашиш ва туҳфалар олиш; кшатрийлар фуқароларни қўриқлайдилар; вайшийлар чорва, тижорат, судхўрлик, ва деҳқончилик билан шуғулланидилар; шудралар эса ана шу уч ижтимоий гуруҳга хизмат қилади. “Хотин, ўғил ва қул – уччаласи хусусий мулк эгаси ҳисобланмайди, улар кимники бўлса, ўшанинг қўлга киритган мулкдир” – дейилади “Ману қонунлари”да. Ведачилик ахлоқиға кўра, браҳманлар туғма

ахлоқий юксак одамлар, шудралар эса туғма тубан ахлоқ эгалари ҳисобланади.

Лекин кейинги оқимларда, йўга, жайнизм, айниқса, буддачилик ахлоқшунослигида, ахлоқий фазилатлар эгаси бўлиш инсоннинг зоти ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг шахсий камолоти билан боғлиқ, деган фикр илгари сурилади. Будда таълимотига кўра, дунё изтиробга тўла ва энг муҳим муаммо ана шу изтироблардан қутулишнинг йўлини топиш. Нақл қилишларича, ўз тенгдошлари билан айшу-ишратда умр кечирган шахзода Сидҳарта Гаутама кунлардан бирида сайр қилиб юриб, касал чолни ва жаноза маросимини кўради. Ҳар бир кишини касаллик, қарилик ва ўлим кутишини эшитиб, ларзага тушади, одамлардан қочиб, тарки дунё қилади ва тўрт эзгу ҳақиқатни англаб етади ҳамда уни одамларга етказди. Унинг қисқача баёни шундай:

1. Бу дунёдаги ҳаёт изтиробларга тўла.
2. Бу изтиробларнинг сабаблари бор.
3. Бу изтиробларга барҳам бериш мумкин.
4. Изтиробларга барҳам беришга олиб борадиган йўллар мавжуд.

Будданинг тўртта ҳақиқати, айниқса, ахлоқшунослик нуқтаи назаридан муҳим. У Будда ўтган ва ҳамманинг ўтиши мумкин бўлган нирванага (эхтирос, нафрат, пушаймон аста-секинлик билан сўниб бўлгандан кейинги ҳолатда) етишиш йўлидир. У саккиз фазилатга эришувдан иборат: 1) тўғри қарашлар; 2) тўғри журъат; 3) тўғри хатти-ҳаракат; 4) тўғри нутқ; 5) тўғри ҳаёт тарзи; 6) тўғри жажд-жадал 7) фикрни тўғри йўналтириш; 8) диққатни тўғри қаратмоқ. Шундай қилиб, саккиз йўл бир-бирини тақазо этувчи уч омил – билиш, хатти-ҳаракат ва диққатнинг бирлигидан иборат. Билим ва ахлоқ бу ўринда яхлитликка эга; фазилат билимдан (иллат эса билимсизликдан) келиб чиқади. Шу сабабдан билимнинг фазилатсиз такомиллаштириш мумкин эмас. Бу ахлоқий комилликка етишишнинг тугалланган концепцияси “Сочларининг фатиласи, сулоласи ёки зоти туфайли брахман бўлмайди. Кимдаки ҳақиқат ва дҳамма бўлса, ўша бахтли ва ўша брахман”, дейилади буддачилик ахлоқий қоидалари жамланган китобда. Шундай қилиб, буддачилик томонидан ведалар обрўси, брахманларнинг истисно ҳолати инкор этилади, жамиятни варналарга бўлиш қораланади. Шубҳасиз, бу ахлоқий тараққиёт кўринишларидан бири эди.

Буддачилик ахлоқшунослиги нафақат Хиндистонда, балки Қадимги Хитойда ҳам ўзига хос мавқе эгаллади. Лекин у ерда яна икки ахлоқшунослик йўналиши катта аҳамиятга ва қамровга эга эди. Улардан бири даочилик.

Даочилик таълимотининг асосчиси Лао-цзи (милоддан аввалги VI-V асрлар) йирик намоёндаси Чжуан-цзи (милоддан аввалги 369-286 йиллар) ҳисобланади. Лао-цзига нисбат бериладиган “Дао дэ цзин” китобида даочиликдаги асосий йўналишдагиларнинг моҳияти акс этган. “Дао – ҳамма нарсадан устун”, “илдиз”, “Ер ва осмоннинг онаси”. “дунёнинг илк асоси”, Шунингдек “дао” йўл маъносини ҳам англатади. “Дао де цзин”ни “фазилат йўли” деб ҳам аташ мумкин.

Инсон мавжуд олам каби дао қонунлар асосида вужудга келган, у табиатнинг бир қисми, унинг вазифаси фазилат (дэ) йўлидан бориш. Ҳар қандай сунъий аралашув, табиатнинг мувофиқлик тартибини ўзлаштиришга интилиш-одамлар учун халокатли, барча ёвузликларнинг, сон-саноксиз бахтсизликларнинг манбаи табиат жорий этган қонунлардан чекинадилар. Шу сабабли Лао-цзи наздида фаолият даога қарши қаратилган ва халққа зарар келтиради, унинг асосий ахлоқий тамойили “увэй” фаолиятсизлик; донишманд кишининг даоси, бу – курашсиз фаолият. Лекин бу курашсиз фаолият аслида табиатга қарши бўлмаган фаол хатти-харакат, фақат даога хос, табиат қонунлари мос фаолият.

Даочиликнинг асосий рақиби хисобланмиш конфуцийчилик эса қора халқдан нодонлиги учун жирканади, уни ахлоқий ҳаётга номуносиб деб билади. Зеро, конфуцийчиликнинг ахлоқий идеали цзуин-цзи ҳимматли жўмард. Унинг юксак фазилатлари – фидоийлик, софдиллик, садоқат, адолат. У муомала бобида мулойим, юксак мартабалиларга хурмат билан мурожаат қилади, халққа нисбатан эса ҳимматли адолатли муносабатда бўлади.

Конфуцийчилик таълимотида асосий ахлоқий қонун, асосий ахлоқий тушунча-жэнь (инсонийлик). “Лунъ юй” (“Ҳикматлар”) китобида шундай дейилади; “Кимки чин дилдан инсонни севишга интилса, у ёвузлик қилмайди”. “Ўзингга эп кўрмаган нарсани ўзгага муносиб кўрма, шунда давлатда ҳам ўзингга нисбатан ёвузлик ҳис қилмайсан”. Демак, жэнь ҳам жамият, ҳам оила аъзолари орасидаги муносабатларни белгилайдиган ахлоқий тамойил. У билан “сяо” – ота-онани, катталарни хурмат қилиш “ли”-урф-одат, маросимларни эъозлаш тушунчалари мустаҳкам боғлиқ. Айни пайтда “ли” тушунчасининг маъноси анча кенг, у давлатга бўлган муносабатни ҳам ўз ичига олади. Ҳоқон (император) – Осмон ўғли, у осмон остидагиларнинг барчасига ота. Осмон остидаги тартиб-қоида эса қуйидагича: “Подшо-подшо, ота-ота, мулозим-мулозим, ўғил-ўғил бўлиши керак.

Конфуций қарашларини унинг издошлари Мэн-цзи, Сюньцзилар давом эттирдилар. Бу таълимот Ханъ давридан (милоддан аввалги II асри) бошлаб то XX асрнинг бошларигача Хитой мафкурасига асос бўлиб хизмат қилиб келди. Бундан ташқари конфуцийчиликка қарши турган Мо-цзи, Хан Фей-цзи, Ван Чун сингари ахлоқшуносларнинг қарашлари ҳам Хитой ахлоқий тафаккури тарихида ўз ўрнига эга.

Қадимги юнон файласуфларининг ахлоқий қарашлари.

Демокрит Қадимги Юнон файласуфлари ичида биринчи бўлиб инсонларнинг ички дунёсига мурожаат қилди. У ниятни (хатти-харакат сабабини) ҳаракатдан ажратади. Айни пайтда; “Номусли ва номуссиз одамни нафақат қилмиши, балки нияти орқали ҳам билиб олса бўлади”, дейди мутафаккир Демокрит ҳаё ва ишончни инсонни қинғир ишлардан қайтариб турувчи куч тарзида таърифлайди. Фақат руҳан заиф ва гумроҳ одамларгина ўз муваффақиятсизликларини маъбудлар, тақдир ва тасодифдан кўрадилар. Нодон ва ёмон одам лаззат, бахт ҳамда ҳаётнинг мақсади ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлгани учун ўзини бахтчиликка мубтало қилади.

Сукрот (милоддан аввалги 470-399) қарашларига келсак, у, Конфуцийга ўхшаб, ахлоқ билан ҳуқуқни бўлинмас яхлитда олиб қарайди: “Нимаики қонуний бўлса, ўша адолатдандир”. Иккала мутафаккир ҳам ҳукмронларнинг яхши ёки ёмон деб баҳоланишини фуқаролар тарбияси билан боғлайди, жасорат ва бетамаъ хизмат намуналарини ўз давлатлари ўтмишидан топади.

Сукротнинг фикрича, полис билан фуқаро ўз ҳуқуқлари жихатидан тенг эмас; улар ота билан ўғилга ўхшайди. Ахлоқнинг асосий моҳияти – ўзгармас ва абадий асл фазилат бўлмиш донишмандлик. У ахлоқий хатти-харакат мезони ҳисобланган илохий ёзмишга мос келадиган бенуқсон фаолиятдир. Ахлоқнинг манбаи эса инсондан ташқарида, илохийдир. Сукрот руҳни (жон, қалб, нафси), вужуддан фарқли равишда, ўлмас ҳисоблайди, лекин ўз қарашларини ривожлантирмайди. Унинг фикрича, бу борадаги ортиқча қизиқувчанлик зарарли. Чунки маъбудларга ўзлари одамларга очишни истамаган нарсаларнинг тадқиқ этилиши ёқмайди.

Сукротдан фарқли ўлароқ, Афлотун (милоддан аввалги 427-347) ахлоқшунослиги учун, аксинча ғоялар ва руҳ ҳақидаги таълимотлар асос бўлиб хизмат қилади. Афлотуннинг ғоялар таълимотига кўра, бизнинг кўриниб турган, биз кўриб турган дунё бор-йўғи соялар ўйини, ҳақиқий дунёни кўриш учун эса инсон ақли ожизлик қилади. Инсон ғор деворига кишанбанд қилиб қўйилган туткунга ўхшайди, у фақат ҳақиқий борлиқнинг ноаниқ сояларини кузатади, ҳақиқий борлиқ эса соялар орқасида кўринмайди. Уни инсон кўрмайди, бироқ ўша асл борлиқни кўра оладиган мангу – ўлмас руҳ мавжуд. У ғоялар дунёсига дахлдор, лекин унинг фақат ақлий қисмигина ана шу дунёга қаратилган, эҳтирос ва хирсли қисми эса доимо гуноҳкор ерга томон тортади. Афлотун руҳнинг бу икки хиллик жихатини аравакаш (ақл) билан кўпирган отлар (эҳтирос ва хирс) орасидаги кураш сифатида тақдим этади. Отлар баланд келганда руҳ (қалб, жон) ғоялар дунёсидан вужудга йиқилади ва инсон туғилади. Инсоннинг туғилиши шундай қилиб, руҳнинг гуноҳга ботиши баробарида воқе бўлади. Барча билимлар хотира натижасидир; руҳ ғоялар дунёсидан билганларининг баъзиларини эслайди ва вужуддаги ҳаётида бирор-бир диққатга сазовор янгиликни ўзига касб этмайди. Шундай қилиб, Афлотуннинг фикрича, ахлоқ, илохий асосга эга ва ахлоқий фазилат инсонга азалдан берилган.

Афлотун донишмандликни олий ахлоқий, руҳдаги ақлий қисмнинг намоён бўлиши деб билади ва давлатни бошқаришга лойиқ ягона тоифа сифатида донишманд-файласуфларни тан олади, ёвқурлик-кўриқчиларга, давлатни ҳимоя қилувчи аскарларга хос. Руҳнинг хирсли қисми билан боғлиқ бўлган мўтадиллик ҳунарманд-қосиблар, деҳқонларга яъни халққа хос. Улар аввалги табақага бўйсиниши шарт. Улардан сўнг қуллар туради. қуллар ахлоқдан ташқари, ҳар қандай фазилатдан йироқ, зотан уларнинг руҳга эгаллиги гумон. Бундан ташқари, Афлотуннинг фикрича, адолат – шахсий фазилат эмас, давлатга хос фазилат. Шу сабабдан у: “Биз табиатига кўра учга бўлинган табақаларнинг ҳар бири фақат ўз юмуши билан шуғулланган давлатнигина тан оламиз”, дейди. Шунингдек, тижорат фуқароларни йўлдан

оздирадиган соҳа бўлгани учун, у билан адолатли давлатда хорижликлар шуғулланиши керак.

Афлотун ахлоқшунослигининг муҳим хусусияти шундаки, унда ахлоқнинг асоси, ахлоқий намуна сифатида илоҳийлик олинади. Файласуфнинг фикрича, кимда-ким Худонинг марҳаматига эришмоқчи экан, унга иқтидо қилмоғи, ундан намуна олмоғи керак; худо барча нарсалар учун мезон; фақат Худога ишонувчи ва таклид қилувчи кишини донишманд бўлиши мумкин. Хуллас, Афлотуннинг ахлоқшунослиги қатъий диний табиатга эга. Айни пайтда у кўп жиҳатдан ведачилик ахлоқшунослигидаги ғояларни ўз ичига олади ва уларни ривожлантиради.

Афлотундан сўнг икки қадимги юнон алломаси – Арасту (милоддан аввалги 384-322 йиллар) ва Эпикурнинг (милоддан аввалги 341-270 йиллар) ахлоқ назариялари диққатга сазовор. Афлотуннинг шогирди Арасту биринчи бўлиб ахлоқшуносликни руҳшунослик билан сиёсатшунослик оралиғидаги алоҳида фалсафий фан сифатида тақдим этди ва унга (кейинчалик Оврўпада қабул қилинган) “Этика” деган номни берди.

Арастунинг ахлоқий қарашлари, асосан ўғлига бағишланган “Никомахнинг ахлоқ китоби” ва “Евдемнинг ахлоқ китоби” ҳамда “Катта ахлоқ китоби” рисолаларида ўз аксини топган. Арасту қадимги Юнон мутафаккирлари ичида биринчи бўлиб ихтиёр эркинлигини ахлоқнинг асоси сифатида олиб қарайди ва ахлоқий фазилатларни Афлотунга қарама-қарши ўлароқ, руҳнинг туғма хусусияти эмас, балки касб этиладиган (хосил қилинадиган) сифат эканини айтади. У барча фазилатларни иккита бўлади: биринчиси, руҳнинг донишмандлик, тажрибакорлик, топқирлик сингари маънавий соҳа билан боғлиқ фазилатлар. Унинг фикрича, асосий фазилат адолатдир. “Фазилат, - дейди Арасту, - маълум маънода ўрталикдир, зеро доимо ўрталikka интилади”. Масалан, мардлик, телбавор жасорат билан кўрқоқлик орасидаги ўрталик ва ҳоказо. Шунингдек, мутафаккир ният катта аҳамият беради ва уни ҳаракатнинг тамойили, бошланиши деб атайди. Лекин у пировард мақсад эмас, ниятнинг тамойили, эса интилиш ва ақл, шу сабабли ният ақлдан. эс-хушдан ва одобдан ташқарида бўлмайди.

Мақсад билан воситани Арасту яхлитликда кўради; мақсад воситани белгилайди, шу сабабли мақсаднинг ахлоқий табиати фақат ахлоқий воситаларгина тан олади ва айниқса, ахлоқсиз мақсад ахлоқсиз воситаларни талаб қилади.

Арасту ақл-идрок фаолиятини ҳаёт ва фаолиятнинг олий шакли, ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайдиган қадрият деб ҳисоблайди. Олий ақл (Худо) тафаккур ҳақидаги Тафаккурдир. Гарчанд инсон ҳеч қачон илоҳий ҳаёт даражасига етиша олмаса-да, лекин унга, идеал сифатида имкон борича интилиш керак; инсон эришган комиллик доимо нисбий бўлади.

Шундай қилиб Арастунинг фикрича, ахлоқли инсон ақлий фазилатлар билан йиғилган кишидир; ақлни инсон эмас, инсонни ақл белгилайди. Аёл зоти эса паст даражали, заиф кўз ёшига эрк берадиган, ўзини тутолмайдиган инсон, уларда ахтирос ақл-идрокдан юксак туради, иллатларга эркакларга нисбатан кўпроқ дучор бўладилар, шунинг учун ҳам донишмандлик уларга

хос эмас; хотин эрга бўйсиниши адолат тамойилини бузмайди. Санъат, сиёсат ва илм фан озод кишилар учун. қул, умуман, ахлоқдан ташқаридаги мавжудот.

Қулларни паст табақали кишилар, ҳатто жонли нарсалар қаторига киритиш Арастунинг инсон моҳиятини ижтимоий-сиёсий мавжудот сифатида тушунишидан келиб чиқади. Унинг учун жамиятдан, қабила, жамоа, давлатдан ташқаридаги олам – ё Худо, ёки ҳайвон. Шу боис ёт қабиладан келган, полис фуқаролиги ҳуқуқига эга бўлмаган қуллар одам ҳисобланмайди. қул фақат озодликка эришгандагина инсонга айланади.

Арасту, юқорида келтирганимиздек, илмни (ақлни) ахлоқдан (виждондан) юксак кўяди ва бу билан мушоҳадакор ҳаётни, назарияга, ижодга бағишланган ҳаётни ахлоқий идеал тарзда талқин этади. Шунга кўра, буюк мутафаккир антик дунё фуқаросининг анъанавий фазилатлари бўлмиш донишмандлик, мардлик, одиллик, дўстликни юксак қадрлайди. Бироқ, унинг инсонга муҳаббати, инсонпарварлиги бизнинг ҳозирги барча бандалар Худонинг олдида баравар, деган тушунчамиздан фарқ қилади. Юқорида кўрганимиздек, унинг наздида одамлар тенг эмас, тенглик тушунчаси Арастуга ёт у фақат одамлар ўртасидаги дўстлик ва ҳайрихоҳликни тан олади.

Эпикур эса ўз қарашларида фалсафанинг амалий мақсадини, ахлоқий мазмунини таъкидлайди: “Инсоннинг бирор бир истиробига даво тополмайдиган файласуфнинг сўзлари маъносиздир. Бадандан касалликни кува олмайдиган табобатдан ҳеч қандай фойда бўлмагани каби, руҳни (қалбни) даволай олмайдиган фалсафадан ҳам фойда йўқ”.

Эпикурнинг фикрига кўра, инсонда танлов ихтиёри бор. У ҳам Демокрит каби эзгулик ҳақидаги таълимотни лаззат ва изтироб муаммосидан бошлайди. Унинг учун энг муҳими руҳий хотиржамлик. Дўстларидан бирига у шундай деб ёзади; “Заррин тўшагу тўкин дастурхонинг бўлиб, беҳаловат яшагандан кўра, похол тўшагу хотиржам ётганинг афзал!” Фазилатлар орасида Эпикур адолат билан донишмандликка алоҳида эътибор билан қарайди. Адолат тушунчасида мутлақлик ва нисбийлик ҳоллари мавжудлигини таъкидлаб ўтади: “Умуман, адолат ҳамма учун бир хил, чунки у одамлараро муносабатлардаги фойдали ходиса: лекин муайян мамлакатларнинг ўзига хослиги нуқтаи назардан ва шунга ўхшаш бошқа шароитларда адолат барча учун бир хилда бўлолмай қолади.” Фазилатларнинг моҳияти инсонни лаззатга олиб боришдан, хотиржамликка ҳамда руҳнинг фаолиятли ҳолатига хизмат қилишдан ибратдир. Бахт эса ахлоқий ва жисмоний соғломликдан юзага келади.

Ўлим қаршисидаги кўрқув борасида гапириб, Эпикур, унинг манбаини руҳнинг ўлмаслиги ва изтиробларнинг абадийлиги ҳақидаги нотўғри тасаввурлар деб ҳисоблайди. Табиатдаги ҳамма нарса атомлар бирикувидан ҳосил бўлган, уларнинг парчаланиши билан руҳ ҳам парчланади. Ўлим хавфидан асосиз эканини исботлаш учун у шундат дейди; “Ёвузликнинг энг даҳшатлиси бўлмиш ўлимнинг бизга ҳеч қандай алоқаси йўқ, чунки биз ҳали мавжуд эканмиз, ўлим келмайди, ўлим келганда эса, биз мавжуд бўлмаймиз.

Шундай қилиб, ўлимнинг тирикларга ҳам, ўликларга ҳам алоқаси йўқ, чунки бирлари учун у мавжуд эмас, бошқаларининг эса ўзлари мавжуд эмас”.

Эпикур изтиробдан қочишни эмас, уни енгиш кераклигини таъкидлайди. Бунинг учун ахлоқий қатъият, фикр ёркинлиги фикр қудрати изтиробга қарши қўйилиши керак. Унинг ахлоқий идеали – ердаги ҳаётга нафрат билан қарамайдиган, аксинча, табиат билан ҳамнафас бўлиб, яъни табиат белгилаб берган ҳаётга мақсадга мувофиқ яшайдиган донишманд, файласуф. Айнан табиатда мувофиқликда, турли бидъат ва алдамчи фикрлардан қутулиб, ўз эҳтиёжларини табиий зарурат билан мослаштирилган ҳолдагина донишманд тафаккур ва ички эркинлик борасида олий даражадаги лаззатга эришади. Донишманд ўз кучи меъёрини билади ва ундан оқилона фойдаланади. Унга бахт манбаи – фақат маънавий эзгуликда, дўстлик билан билимда бўлган нисбатан мустаҳкам ва узоқ муддатли лаззатда экани аён. Эпикур одамларнинг муносабатларида ҳаммасидан аввал тенглик ва ҳамфикрликка асосланган дўстликни қадрлайди. Фалсафа билан шуғулланиш ҳам худди дўстлик сингари рухан хотиржамликка етишишга олиб келади.

Қадимги Шарқ ахлоқшунослиги эришган ютуқларини юксак назарий даражага кўтарган қадимги Юнон ахлоқшунослиги жаҳоншумул аҳамият касб этди. Юнонлик мутафаккирлар илк бор инсон шахсини, инсон хатти-ҳаракатига асосланган ниятни тадқиқ этишга ва ахлоқий қилмиш муаммоларини тушунтиришга уриндилар.

Исломда ахлоқий тарбия

Ислом жаҳонга кенг ёйилган диндир. Унинг таълимотлари Аллоҳ томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи ва салламга нозир этилган – Қуръони Каримда баён этилган.

Қуръони Карим мусулмон ахлини дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, ҳуқуқининг асоси бўлиб, унда илоҳиёт, диний эътиқод масалалари билан бирга, инсонпарварлик, инсонларни қовуштириш, уларнинг ўртасида юзага келадиган зиддият, низоларнинг олдини олиш, улар ўртасида адолат ўрнатиш каби ахлоқий муаммолар ҳам баён этилган.

Ислом дини муқаддас қомуси Қуръони Каримдан кейин мўтабар саналган пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг “ҳадиси” шарифларида мусулмонларнинг моддий ва маънавий жихатдан баркамол бўлишларини орзу қилиб ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, ўзаро ахил бўлиш, меҳр-оқибат, эшон, сабр-тоқат, камтарлик, вафо-садоқат, поклик сингари инсоний сифатлар ҳақидаги насиҳатлари ва яхши фазилатли бўлиш йўллари баён этилган.

Қуръони Каримда таъкидланишича, ота-она билан мулоқотда бўладиган фарзанд беш нарсани билиши керак. Мулоқот чоғида у:

- ота-оналар қаттиқ-қурум гапириб юборганларида ҳам уларга малол келиб “уфф” демасликлари;
- ота-онани хафа қиладиган сўз сўзламасликлари;
- ота-оналарга доимо раҳм-шафқат кўрсатиб, ўзларини уларнинг олдида камтар тутишлари;

- Аллоҳдан ота-оналарига раҳмат тилаб дуо қилишлари лозим эканлиги уқтирилади.

Ота-оналар болани дунёга келтиришга сабаб бўлганликлари учун эмас, балки уни одобли, ҳаёли, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учун олқишга сазовордирлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом: “Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди” – дейдилар.

Ислом динида оналар мўтабар зот сифатида улуғланади ва шарафланади. Пайғамбаримиздан бир саҳоба: “Кимга яхшилик қилай” – деб сўраганда, у улуғ зот: уч марта “Онангга” – деб, тўртинчисида “Отангга” – деб ва яна “Жаннат оналарнинг оёғи остидадир” – дея қўшиб қўйган эканлар.

Она бўлмиш – улуғ бир неъмат ва назирсиз бир шарафдир. Оналик вазифасини тўла адо этган, ўзига иффат, номус либосини кийган, сабр деган улуғ фазилатлар билан зийнатланган, қаноатли, одобли она – бахт-саодатнинг мужассам тимсолидир.

Пайғамбаримиз Расулulloҳ: “Ота-онанинг вафотидан кейин уларнинг дўстларига яхшилик қилиш - ота-онага яхшилик қилишнинг афзалидан ҳисобланади” деб уқтирганлар.

Ислом динида меҳнат қилиш ибодат қилиш билан баробарлиги, меҳнат қилишдан уялмаслик кераклиги айтилади. Зеро, меҳнат-инсон ҳаётининг кўрки, беагаи. Меҳнат инсонга бахт-саодат, фаровонлик бахш этади. Ҳалол меҳнат маънавий ҳаётнинг мезонидир. Меҳнат инсонни уч балодан сақлайди: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтожликдан.

Пайғамбаримиз Расулulloҳ меҳнат ҳақида айган ҳадисларида деҳқончиликни улуғлайдилар. Улар: “Деҳқончилик билан шуғулланишлар. Деҳқончилик муборак касбдир. Унга қўриқчиларни кўпайтиришлар” – дейдилар ва мусулмон аҳлини экин экишга, мевали дарахтлар ўтказишга даъват этадилар, мусулмонларни сидқидилдан меҳнат қилишга чорлайдилар.

Пайғамбаримиз: “Кимки ҳалол ризқ истаб меҳнат қилиб, чарчаб ухласа, шу кеча маърифат қилинган ҳолда ўтказибди” – деганлар.

Қуръонда илмга катта эътибор берилган. Бунга унда “илм” сўзининг 765 марта такрорланиши ёрқин далилдир. Илмларни ўрганиш ҳар бир инсон учун фарздир. Илм ўрганшдан мурод мансаб эмас, аввал ўқиган илмига ўзи амал қилиб, сўнг халқ ва Ватан олдидаги бурчини адо этишдир.

Ислом дини илм талаб қилинишини ибодат даражасига кўтаради, илм талабини ихтиёрий ибодатдан юқори кўяди. Ислом таълимотига кўра, илм олишда эркак ҳам, аёл ҳам тенг ҳуқуқлидир.

Қуръонда ва Муҳаммад Пайғамбаримизнинг ҳадисларида илм инсон камолотининг негизи, эзгулик ва поклик, инсонларнинг турли офатлардан сақловчи восита сифатида изоҳланади.

Илм – улуғ ҳикмат, илм – иймон, эътиқод. Дин асосини, Қуръоннинг мазмуни ва моҳиятини билиш, англаш учун ҳам илмли бўлиш, уни мукамал эгаллаш керак. Муҳаммад Пайғамбаримиз айтадиларки: “Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир”, “Илму-хунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганишлар” деб даъват қиладилар.

Кенг қалбли ҳар бир илм аҳли одамлар ҳурматига сазовордир. У қилган савобли ишлардан инсонлар, барча мавжудот баҳраманд бўлади. Қуръонда “эшон” сўзи “яхшилик” маъносида келган. Яъни, Аллоҳ сенга яхшилик қилиб, сени инсон қилиб яратди, ҳамма аъзоларингни ўз вазифасини бажарадиган қилди. Сенга ақл берди, энди сен ҳам шу эшонлар эвазига унга иймон келтиришинг, унгагина ибодат қилишинг унинг атганини қўлингдан келганича бажариб, қайтарганларидан қайтарилишинг лозим, эшон қилиш инсоннинг табиий вазифасидир.

Умуман, Ислом дини халқимизнинг руҳияти, маслағи, турмуш анъаналари, улуғ боболаримиз маърифатининг мужассамидир. Ёшлар дин – руҳиятимиз тарбиячиси, илм-дунёни билиш воситаси эканини билишлари керак. Зеро, бу тафаккур маданий кадриятлар ҳозирги даврда ҳам инсоннинг иймон ва эътиқодли, гўзал ахлоқ-одобли, маънавият ва тафаккур соҳиби бўлиб етишуви асосий манбаидир. Ислом динининг ахлоқий маданият тарихи ривожда абадий илм манбаи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ўрта аср Ўрта Осиё уйғониш даври ва Европа уйғониш даври, ахлоқий қарашлар ривож.

Ўрта аср Ўрта Осиё уйғониш даври ахлоқшунослиги ҳам турли хил ахлоқий-фалсафий оқимлардан ташкил топган. Лекин бундай оқимлар ёки йўналишларнинг ўзига хослиги шундаки, улар қадимги дунё ахлоқшунослиги сингари нисбатан катъий чегарага эга эмас. Чунончи, Умар Хайём ўзининг табиюнлар йўналишига мансуб деб ҳисобласа-да, аслида унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари кўпроқ таносух ул-арвоҳ (руҳларнинг кўчиб ўтиши) оқимига тааллуқлидир. Ёки маниноййўсинлик оқимининг буюк вакиллари деб тан олинган Фаробий ва Ибн Синонинг ахлоқий қарашлари баъзи жиҳатлари билан тасаввуффий ахлоқшуносликка ҳам тааллуқли экани кўзга ташланиб туради.

Имом Исмоил Ал-Бухорий

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғира ибн Бардибза ал-Бухорий ҳижратнинг бир юз тўқсон тўртинчи йили шаввол ойидан ўн уч кун ўтганда жума намозидан кейин (милоддан ҳисоб билан 809 йил 13 майда) Бухорода таваллуд топди. Отаси Шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб савдо ишлари билан шуғулланар эди.

Ривоятларга кўра, Имом Исмоил ал-Бухорий 16 ёшга қадам қўйганида Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марваздий ва Вакиъ ибн ал-Жарроҳларнинг китобларини батамом ёд олган. У ёд олган ҳадисларнинг матнини далиллари ва ровийларнинг таржимаи ҳоллари билан бирга қўшиб ёд олади...

Имом ал-Бухорий Макка, Мадина, Дамашқ, Қайсария, Хомс, Бағдод, Куфа, Босит, Балх, Нишопур, Асқалон, Марв каби шаҳарларда бир неча йил яшаб, ҳадислар тўплаш, ёзиш ва кўплаб толибларга илм ўргатиш билан шуғулланади. Йигирма ёшидан бошлаб китоб таълиф эта бошлади. Ул зот қаламига мансуб бўлган “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-Муфрад”, “Ат-Тарих ал-кабир”, “Ат-тарихи-с-сағир”, “Ал-Кироати халфа-л-имом”,

“Рафъул-яда이니 фи-с-салоти” каби асарлар ҳозирда республикамиз китоб хазиналарида сақланмоқда.

Имом ал-Бухорий Нишопирдан асл ватани – Бухорога қайтгач, бирмунча ва толиби илмларга ҳадис илмидан дарс берди.

Инсоният маданиятига беназир ҳисса қўшган, замин у замонларда барча авлодларга маънавий озуқа бахш этган Имом ал-Бухорий ахлоқ ва одобга оид ҳадислар мужассамлашган, аҳамиятига кўра Қуръони Каримдан кейинги иккинчи диний манба деб эътироф этилган “Ал-жомеъ ас-Саҳих” китобидан кейин яратган “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) асарида ахлоқий кадриятларни баён этган.

Имом Исмоил ал-Бухорий ушбу асарида ахлоқ, одоб ҳақида сўз юритар экан, одамларни ота-онага ҳурматда бўлишга, онани эъзозлашга, меҳр-оқибатли, пок ва имонли бўлишга даъват этади, яхшилик қилиш инсоннинг муқаддас бурчи эканини таъкидлайди.

“Ал-адаб ал-муфрад”нинг 1-24 боблари фарзандларнинг ота-она ҳурматини жойига қўйишлари, уларни эъзозлаб, дилларига озор етказмай фарзандлик бурчларини адо этишлари зарурлиги каби масалаларга бағишланади. Масалан, асарда шундай ривоят қилинади.

Одам учун энг оғир гуноҳ, бу Аллоҳга ширк келтириш, фарзанднинг ота-онага оқ бўлишидир. Имом Исмоил ал-Бухорий бу ҳақда шундай ривоят қилади: “Халифа Абу Бакр Сиддиқ айтадилар: “Расулуллоҳ саҳобалардан: Мен сизларга гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайми? – деб уч марта сўрадилар. Улар: “Эй Расулуллоҳ айтиб беринг,” – дейишди. Шунда Расулуллоҳ “У – Аллоҳга ширк келтиришдек ва ота-онага оқ бўлиш, - деб жавоб бердилар”.

Имом Исмоил ал-Бухорий болаларнинг солиҳ-қобил бўлишлари Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан бўлади, аммо уларга одоб-ахлоқ ўргатиш оталарнинг вазифаси дейди.

Имом Исмоил ал-Бухорий қариндош-уруғларга яхшилик қилишни, уларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлиш ва улар билан муттасил борди-келди қилиб туришни таъкидлайди. “Анас ибн Молик” (розияллоҳу анҳу) айтадилар: “Ризқи кенг ва фаровон бўлишни ва ҳаёти узоққа боришни яхши кўрадиган киши қариндошларидан ўзини узмасин дедилар”. Исмоил ал-Бухорий раҳм-шафқат хусусида қилган насиҳатларида, айниқса, беморлар ҳолидан хабар олишни, етим болаларга отасидек марҳаматли бўлишни, ҳар бир одам ўз боласига қандай бўлса, қўлидаги етимга ҳам шундай қараш кераклигини уқтиради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, мусулмон кишининг ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразлаб, гина сақлаб, гапирмай ва сўрашмай юриши дуруст эмасдур. Улардан бири биринчи саломлашса, ўшаниси яхшироқдир.

Улуғ мутафаккир меҳр-шафқат ҳақидаги қарашларида одамларни ахилликка, ўзаро ҳурмат-эҳтиромда бўлишга ундаб, кимки Аллоҳга ва оҳиратга иймони бўлса, у зинҳор, қўшнисига озор бермаслиги, Аллоҳга ва оҳиратга ишочи бўлса, меҳмоннинг ҳурматини ўрнига қўйиши, Аллоҳга ва

охират кунига ишончи бўлса, фақат яхши гаплардан гапириб, ёхуд сукут сақлаш лозимлигини айтади.

Ислом оламининг буюк мутафаккири, ҳадис илмининг султони Имом Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йилдагига бағишланган тантанали маросимда президент Ислом Каримов дейдики: *“Имом Исмоил ал-Бухорий хазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахрифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънода илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода сўнмас эътиқод тимсолидир.”*...

Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий-мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи – энг ишончли ҳадислар тўплами “Ал-Жоми ас-Сахиқ” ислом динида Қуръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир.

Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда.

Яратганимизга шукурлар бўлсинки, озодлигимиз шарофати билан ал-Бухорий улуғ аждодларимиз эл-юрти бағрига қайтмоқда. Алломани ўлмас мероси ҳар бир юртдошимиз хонодонига кириб, онгу тафаккуримизни равшан этмоқда, қалбимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан мусаффо этмоқда.

Ўрта Осиё уйғониш даври ахлоқи ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк олим, файласуф, Муаллим соний, шарқ Аристотели Туркистонлик комусий аллома Абу Наср ал-Фаробий (870-950) ҳисобланади.

Арасту изидан бириб, Фаробий ҳам фалсафани иккига – назарий ва амалийга бўлади ҳамда ахлоқшуносликни амалий фалсафа таркибига киритади. Ахлоқий муаммолар унинг “Бахтга эришув йўлини кўрсатувчи китоб”, “Бахтга эришув ҳақида”, “Давлат арбобининг ҳикматлари”, “Фозил одамлар шаҳри” сингари асарларида кўтарилган. Уларда инсон бахти энг асосий муаммо сифатида ўртага ташланади. “Бахт бир инсон интиладиган мақсад, зеро у муайян комиллик ҳисобланади” дейди Фаробий. Айни пайтда аллома ўз қарашларида фазилатларга ҳам жуда катта ўрин беради. Чунки, унинг фикрига кўра, кимда-ким фазилат нималигини билсагина, ҳақиқий бахтга эриша олади. Арастуга ўхшаб, у ҳам фазилатларни икки қисмга фазоиلى нутқия (ақл-идроқка асосланган фазилатлар) ва фазоиلى хулқия (хулқий фазилатлар)га ажратади ҳамда уларнинг ўрталик хусусиятларини таъкидлаб ўтади.

Фаробий, ҳаёт ва мамот муаммосига ҳам батафсил тўхталади. Унинг фикрига кўра, фазилатли киши ўлим туфайли бахтни орттирувчи хатти-ҳаракатларни кўпроқ амалга ошириш имкониятларидан маҳрум бўлади. Шунинг учун унинг ўлимдан қўрқиши бошқаларникидан бутунлай ўзгача: у ўлим туфайли улкан бир ёвузлик қурбони бўлаётганидан эмас, балки яхшиликни камроқ қилишга маҳрум эканидан чўчийди. Фазилатли одам ўлган эмас, балки ундан ажраб қолган ҳамшаҳарларининг ҳолига йиғлаш керак бўлади.

Буюк ватандошимиз фикр қилишича, инсонга уни гўзал аъмоллар қилиш учун йўналтирадиган одат машули бўлмиш етук хулқ лозим. Хулқнинг яхшилиги хатти-ҳаракатларда меъёр қай даражада сақлангани билан боғланади. Одобни эса мутафаккир бадавлатнинг давлатини безайдиган ва камбағаллигини ўғирлайдиган ахлоқий ҳодиса сифатида таърифлайди.

Фаробий, баъзилар ўта лаззатга берилиш, ейиш-ичиш ва аёлга ружу кўйиш туфайли жуда бўшашиб кетади, иродаси заифлашади, унда рисоладаги нафрат ҳамда ғазаб ҳисси йўқолади, дейди. Бутун кучини ўз нафсига сарфлайдиган кишида улуғворлик тубанликка хизмат қила бошлайди, яъни фикрлаш қобилияти ғазаб ва эҳтирос кучлари хизматида бўлади, бу кучларнинг ҳаракати эса ейиш-ичиш ҳамда шахвоний нафсни кондиришга бағишланади. Файласуф бундай кишиларни араб ва турк зодагонлар орасида кўпроқ учрашини айтади. Бундай кишилар шахвоний истаклари кутқуси билан, аёллар олдида мақтанишни хуш кўрадилар, фойдали меҳнатдан четда турадилар, улар нима деса шуни қиладилар. Натижада аёл уйнинг ҳақиқий ҳокими бўлиб олади, турли тантикликларни одатга айлантиради. Демак, Фаробий оила бахтини эҳтиросларни йўлга сола олишда деб билади, аёл кишини безакларга кўмиб ташланган кўғирчоқ бўлишига қарши туради.

Буюк“Шайхур-раис”,

Фаробийнинг шогирди Ибн Синодир. Ибн Синонинг ахлоқий қарашлари асосан “Ахлоқ илмига доир рисола”, “Бурч тўғрисида рисола”, “Нафсни покиза тутиш тадбирлари” сингари асарларида ва замондошлари билан олиб борган мунозара-ёзишмаларида ўз аксини топган.

Аввало, Ибн Сино ахлоқ илмини амалий фалсафа таркибидаги ўрнини аниқлаб олишга интилади. “Ҳақимларнинг, - деб ёзади аллома шогирди Баҳманёр ал-Озарбойжоний” билан мунозара-ёзишмасида, - фалсафа назарий ва амалий бўлади, деганини фалсафа амалий-ахлоқий бўлади, деб тушунмаслик керак. Чунки амалий ахлоқнинг бундай намоён бўлиш ҳолати фалсафа дегани эмас, зеро қиёсий малака ахлоқий малакадан мутлақо ўзгадир... Фалсафа амалий ва назарий қисмларга бўлинар экан, демак, уни (амалий фалсафани) ахлоқ билан айлантирилмайди. Шунинг учун (уни) ахлоқ илми деган маъқул”. Кўришиб турибдики, Ибн Сино ахлоқшуносликни амалий фалсафа, яъни назарий эканини таъкидлайди ва ахлоқни тадқиқот сифатида таърифлайди.

Ибн Сино ўз асрларида бир қанча ахлоқий фазилатларга таъриф беради. Чунончи, иффат, ҳикмат, шижоат, адолат, саҳийлик, қаноат, қатъият, садоқат, ҳаё, камтарлик ва бошқалар шулар жумласидандир. Шуниндек, аллома уларнинг акси бўлган – ўғирлик, алдамчилик, фисқу-фасод, нафрат, рашк, адоват, бўхтон, иродасизлик, такаббурлик, нодонлик каби иллатларни ҳам тафсифлайди; ҳар икки турдаги мазкур тушунчаларнинг бир-бирига ўтиб туришини ва бундай боғланиш ижобий ҳол эканини таъкидлайди. Демак, ахлоқшунослик илмида фақат фазилатлар эмас, балки иллатлар ҳам ўрнатилиши зарур. Айни пайтда, Ибн Сино устозлари анъаналарини давом

эттириб, ҳар бир ахлоқий фазилат икки нуксон оралиғида бўлади, яъни ўрталик ҳусусиятига эга, дейди.

Аллома тасаввуф фалсафаси ва тасаввуф ахлоқшунослигига доир ҳам кўплаб асарлар яратди. Зеро, у бежиз Шайх ур-Раис яъни шайхларнинг раиси деган номни олган эмас. Бу борада унинг машҳур “Ишқ рисоласи” диққатга сазовордир. Ундаги асосий муаммо – комил инсон масаласи. Ибн Сино фикрига кўра, Яратганга муҳаббат одамни инсон зоти қобил бўлган комиллик даражасига олиб чиқади. Яъни руҳнинг қуйи кучлари ва қисмлари унинг улуғвор ва олийжаноб кучлари ҳамда интилишлари билан яқинликда бўлиб, улар таъсирига тушиши натижасида фазилат касб этади. Бу фикр, Оллоҳга муҳаббат фақат таркидунёчилик орқалигина эмас, балки расмона инсоний ҳаётда ҳам рўёбга чиқиши мумкинлигини англатади. Шу боис “Ишқ рисоласи”даги бу каби ўринларни Нақшбандия тариқатининг вужудга келишида назарий асос, умуман тасаввуф фалсафаси ва ахлоқшунослигига илк назарий пойдевор бўлди дейиш мумкин.

Ибн Сино тақдир масаласида ҳам ўзига ҳос тасаввуфий ёндашади. У Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида Худога етишган шайхлардан бири сифатида тасвирланган Абу Саид ибн Абул Хайр Меҳаний билан мунозара-ёзишмасида Оллоҳ ҳеч қачон бирон-бир кимсага ёмонлик, ёмон тақдир истамаслигини, кимнинг тақдири ёмон бўлса, бунга унинг ўзи сабабчилигини, яъни инсоннинг қилмишлари, кимнинг тақдири ёмон бўлса унинг ўзи сабабчилигини, яъни инсонни қилмишлари унинг тақдири эканини айтиб, шундай дейди: “Асл Ал-ҳаким (яъни Оллоҳ) иноятига кўра, оламда мавжуд бўлган ёмонлик – оламнинг мақсади эмас. Оламнинг асл муроиди яхшиликдир, ёмонлик эмас!”. Буюк ватандошимиз савоб ва ақоб (жазо) масаласида ҳам моҳиятан тасаввуфий йўналишда фикр юритади.

Ўрта асрларнинг то муғуллар босқинига қадар бўлган даврларида биз юқорида кўриб ўтган қомусий алломалардан ташқари Аз-Замахшарий, Ал-Буруний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро сингари ўнлаб мутафаккирлар ахлоқ илмининг назарий ёки амалий соҳаларида фаолият кўрсатдилар. Лекин муғуллар босқини мусулмон Шарқида маданий ҳаётни издан чиқариб юборди. Фақат Соҳибқирон Амир Темур давридагина илм-фан ва санъат тараққиётини яна ўз йўлига тушди.

Соҳибқироннинг “Куч – адолатда” деган тамойили шунчаки гап эмасди. Амир Темур амалда ҳақиқат ва адолат тарафдори эди. Шу сабабли хатто Темур ўзининг шахсий душмани деб билган тарихчи Ибн Арабшоҳ, агар ноҳақлик юз берсаю, ноҳақлик қилган киши Темурга ота ёки фарзанд мақомида бўлса ҳам, у киши жуда каттиқ жазога маҳкум этиларди, деб ёзиб қолдирган буюк бобокалонларимизнинг сайъи ҳаракатлари беҳуда кетмади. Натижада Темур ва Темурийлар даври илм-фан ва маданият тараққиётининг олтин даври сифатида ҳанузгача жаҳонни ҳайратга солиб келмоқда. Бу даврда юзлаб қомусий олимлар буюк шоирлар ва санъаткорлар етишиб чиқди. Улар орасида улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий алоҳида аҳамиятга

молик. Нафақат унинг асарларидаги юксак бадий, балки фалсафий-ахлоқий қарашлар ҳам ҳанузгача ўз оҳорини йўқотган эмас.

Маълумки, Навоий шеърлари ва дostonларида илгари сурилган ахлоқий тамойиллар ҳамда ижобий қаҳрамонлар қиёфасида тажассум топган адолат, садоқат, бурч, муҳаббат раҳм-шафқат, мардлик, камтарлик сингари фазилатлар ҳақида кўп ёзилган. Айни пайтда, Навоий сўфийликнинг Нақшбандия сулукига мансуб йирик шахс – мутасаввуф сифатида ҳам ахлоқшунослик назарияси ҳамда амалияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган мутафаккирдир.

Аҳмад Яссавийнинг ахлоқий қарашлари

Инсон камолоти ҳақида сўз юритган Яссавийнинг фикрича, инсон ҳаёти нечоғлик ўткинчи, кулфат ва машаққатларга тўла бўлмасин, у комилликка интилиши шарт. Камолот йўлига тушган инсонни виждон руҳий оғриқларга гирифтор этиб, амалга юзма-юз қилиб қўяди, юракни кўрқув ва гуноҳ, шубҳа ва ишонч оралаб ўтади. Уйғоқ виждон энг охири чегараларгача одамни ёлғизлантиради. Шундан бошлаб ўлим чекланади. Абадиятга чинакам ишонч шундан туғилади. Бу виждоннинг ахлоқ билан алоқаси йўқ. қонун қоидалардан йироқ. У эркин руҳ билан яшаш сирларини очади, ақлий толиқишларини енгиб, мутелик занжирларини синдиради. Бу – виждонни энг ноилож, энг кулфатли вазиятларда ҳам йўлсизликдан халос этади. Бу шахснинг ўз виждонига бориш йўлидир. Шу йўлни топган одамгина Худо томонга талпинади. Талпинган сари эса, ўзига нисбатан муросасизликлари ортади:

Ҳақиқатни дарёсидин кечғоқ киши,
Ўзи мунглиғ, кўнгли синук, кўзда ёши,
Хорлик, зорлуқ, машаққатдур доим иши,
Дийдорини талаб қилиб топар, дўстлар.

дейди шоир.

Аҳмад Яссавий нодонликни ақлнинг кулфати ҳисоблайди. Нодонлик ўзига хос ёвузликдир. Нодон – ақл жаллоди. Мана шунинг учун Яссавий “Дуо қилинг, нодонларнинг юзин кўрмай”, дея ёлворган ва ўнлаб ҳикматларни нодонликдан шикоятга бағишланган.

Аҳмад Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш нафсни таслим этишга хизмат қиладиган курашдир. Нафсга мағлуб шох – кул, нафсга устунликка эришган ғариб шохдир.

Унинг таърифига биноан, нафс “ябон қушдек қўлга қўнмас” бир нарса. Бу “қуш” ўз хоҳишича парвоз этаверса, одамни кундан-кун тўғрилиқдан оздираверади.

Оқибатда эса:

Нафс йўлига киргон киши расво бўлур,
Йўлдин озиб, тойиб тўзиб гумроҳ бўлур.
Ётса-турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур,
Нафсни тебкил, нафсни тебкил, эй бадкирдор!

Шоир нафс бандаларига қарата: “Нафсни тебкил, нафсни тебкил, эй бадкирдор”, - деб мурожаат этади.

Яссавий “Аллоҳ дарди”ни ишқ ўтларида дилни ёқмоқ, покланиш изтиробларим тамаъ, ёлғон, макр, мансаб ва бойлик хирсларига кул бўлмаслик деб тушунган.

Кўзум намлик, дилим ғамлик, ман аламлик,
Нечук илож айларимни билмом дўстлар.
Бу хастарда, надоматда ёшим оқиб,
Қаю тараф кетаримни билмом, дўстлар.

Инсон ҳақиқат қаршисида оёққа тура билиши, Аллоҳ олдида юзни ёруф этгандек, ўзлиги қаршисида ҳам қоматини букмаслиги шарт.

„Алло“ демакдан асосий мурод гуноҳ ва ёмонликни рағбатлантирувчи „шайтон“дан қутилишдир. Манманлик, калтабинлик, кибр, „ҳойи-хаввас“ ҳисларини туб илдизлари билан суғуриб ташлаш лозим.

Яссавий “зоти билим либосидин маҳрум”, калтабин ва худпараст кимсаларнигина нодон санамаган. Балки у „золимман – деб китоб ўқиб „маъни укмаслар“ фикрсизлик зулматидан руҳи симсиёҳ амалдорларни ҳам ашаддий нодонлар сафига қўшади. Унингча, „улуғ кичик ёронлардан адаб“нинг кетиши ҳам аввало нодонлик тазйиқидан. Шоир ҳалол ҳаромнинг фарқига бора олмайдиган нафспараст халойиқ учун „малоикдин“ шарм қилади. У „Оқил эрсанг, эранларга хизмат қилгил“ деганида „Муҳаббат майдонида жавлон“ қилиб, „Ҳақиқатнинг дарёсидин гавҳар олғон“ мард кишиларни эътироф тутаяди. Бироқ ўзи шундай одамларни озлай-излай, охири мана бундай ҳолатга этади:

Ер остига қочиб кирдим нодонлардин
Илким очиб дуотилаб мардонлардин.
Ғариб жоним юз тасаддуқ донолардин,
Доно топмай ер остига кирдим мано.

Аҳмад Яссавий донолик тўғрисидаги тушунчаси – идеал тушунча. Шунинг учун доно, у, олимларнинг хушомади – ҳалимдек, хушомад орқали олимликка эришмоқ – илм аҳлининг ихтиёрий равишда зулмкорлар сафига қўшилувдир деб билган.

Аҳмад Яссавий учун саодат ва ҳақиқат ашёвий нарсаларга эга бўлиш эмас. Булар ҳатто мақсад ҳам эмас. Унинг фикрича, ҳақиқат юракда, ҳақиқат – руҳ; борлик; олам билан уйғунликка киришиш – олий саодат; саодат – маърифат нурларидан онг ва дилни тиниқлаштиришдир. Шоир ўз мавжудлигини руҳ ва руҳий ҳаётдаги ўзгаришлар, тўлғанишлар, юксалишлар орқали идрок қилмоқни хоҳлайди. У инсондаги ички бойликларни муқаддас билган. Шунинг учун у, ташқи бойликларни, гуноҳ ва мутелик “нархи”ни оширувчи ҳисоблаб уларнинг ҳар қандай туридан ҳазар қилади.

Дунёдирлар молин кўриб ҳаво килур,
Манманликда у даъвои худо килур.

Шоир ижодига “Қуръон”дан ўтган ғоя ва образлар сезиларли мавқега эга. Яссавий наздида тупроқ Аллоҳнинг мунаввар нури, сувнинг ёруғ ҳаёти, ҳаво – буюклиги, олов – унинг ғазоби тимсоли.

Туфроқ – Ватан. Туфроқ неча асрлардан бери буюк фарзандларини ўз кучоғига босиб келаётган мушфиқ замин. Шунинг учун биз уни эъзозлаб Она Ватан деймиз. Шу сабабли ҳам Аҳмад Яссавий:

Бошим туфроқ, ўзим туфроқ,
Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ.

дейди ва инсонларни Ватан билан уйғунлашишга чорлайди. Инсон Ватан билан уйғунлашса, у нафақат ўз элининг, балки олам эҳтиромога сазовор бўлади. Бундай кишини эл тушунади, дунё танийди, улуғлайди.

Инсоний фазилат, ахлоқ-одоб, саховат, етимларга мурувват, эзгулик, Ватан ҳақида Аҳмад Яссавий баён этган диний-фалсафий фикрлар ҳозирги мустақиллик даврида ёш авлодни иймон-еътиқодли қилиб камол топтиришга хизмат қилади.

Аз-Замаҳшарий.

Замаҳшарий ўз қарашларида ахлоқ-одоб тарбиясига алоҳида эътибор беради. У одамларни тўғрилиққа, ҳақ йўлидан боришга даъват этади. Унинг фикрича, тўғрилиқ кучи маҳобатдир. “Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқдир”.

Замаҳшарий аҳилликни ҳам улуғлаб, одамларни, қавм-қариндошларни ўзаро дўст, ҳамдард, хайру эшонли бўлишга, бир-бирларига эзгулик кўрсатишга чорлайди. Аҳиллик жамият тинчлиги, халқ фаровонлиги учун ғоят муҳимлигини таъкидлайди. Инсон ифбатли, гўзал хулқли бўлмоғи лозим.

Замаҳшарий ҳалоллик-покизалиқни шарафлайди, бу сифатларни одамларни ҳалокатдан сақловчи улуғ фазилат ҳисоблайди. “Ҳалол, покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнатга ёмонлик қиладиган киши эса, ҳалокатга гирифтор” – дейди Замаҳшарий.

Замаҳшарий ҳасислик, такаббурлик, манманликни қоралайди, одамларни бу иллатлардан йироқ бўлишга ундайди, гўзал фазилатли бўлишга чорлайди. У дейди: “Гўзал сифат ва ҳусни хулқ сийратли безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркама қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айбдан фориг бўлмас”.

Аз-Замаҳшарийнинг инсонларни яхшилик, инсоний яхши фазилатларни эгаллаш, ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрлари, панд-насихатлари ўз даврида кишилар, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этди, ахлоқий фикр ривожига муносиб ҳисса бўлди, ҳозир ҳам таълим-тарбияда ўзига хос ўринда бўлиши шубҳасиздир.

Маҳмуд Қошғарий XI асрда Марказий Осиёда Яшаб ижод этган у ўзининг бебаҳо “Девону луғатит турк” (“Турк девони”да) ахлоқий қарашларини баён этган.

Маҳмуд Қошғарий “Девон”ида босиқлик, ҳалимлик, ота-онага, катталарга ҳурмат билан бирга, меҳмон ва меҳмондорчилик ҳақида ҳам ўз фикрини билдиради. У меҳмонга имконият доирасида ҳурмат кўрсатиш,

унинг кўнглини хушнуд этиш кераклигини айтади. “Ануқ ўтру тутса, йўққа сўнмас” – меҳмонга бор таом тақдим қилинган, кўрмадим демайди. Бу ўринда Маҳмуд Қошғарий, уй эгаси бор нарсасини меҳмонга терс қарашни унинг бетига иссиқ сочиш билан баробар ҳисоблайди.

Темурийлар даври ахлоқшунослигида Навоийнинг назари тушган аллома, унинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (1440-1505) сиймоси алоҳида диққатга сазовор. Хондамирнинг таърифига кўра, у “маъқул ва махсус илмларнинг барчасидан тўла нафланган ва баҳраманддир”. Кошифийнинг ахлоқшуносликка доир энг машҳур асари “Ахлоқли Мушиний”дир. Ҳусайн Байқаронинг ўғли, Марв ҳокими шахзода Мушин Мирзога бағишланган бу китобда Кошифий ахлоқшуносликнинг жуда кўп тушунчаларига шарҳ беради, уларни жонли, ҳаётий мисоллар, шунингдек, қадимги ҳикоялар асосида талқин этади. У яхшилик ва ёмонлик ҳақида фикр юритар экан, яхшиликни асосан эзгулик маъносида тушунади. эзгуликнинг ибтидосини Кошифий хушхулқликда кўради. Инсоний фазилатларни у тарбия, билим, тажриба орқали таркиб топади деб ҳисоблайди. Ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик селгари ахлоқий меъёрларни ва тамойилларни эзгуликнинг пойдевори сефатида олиб қарайди.

Кошифий адолат тушунчасига, айниқса, батафсил тўхталади ва уни ўзига хос шарҳлайди. Мутафаккир адолатни инсоннинг энг яхши фазилатли, адолатсизликни эса ёмон одамлардаги энг ёмон иллат тарзида тақдим қилади. Шунингдек, Кошифий адолатнинг ижтимоийлик хусусиятини ҳам назардан қочирмайди: “Адл натижаси, - деб ёзади у, - мулк боқи-ю, мамлакат васиғ ва ҳазона маъмур, кентлару шаҳарлар обод бўлмоқдур ва зулм самараси мамлакат завол топмоғи эрур”. Кошифийнинг фикрига кўра, жамият табақалари бир-бирлари билан мустаҳкам ижтимоий боғлиқликка эга; агар жамиятда адолат ҳукм сурмаса, заифлар йўқолади, заифларсиз эса зўравонларнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Яъни, адолатсиз жамият таназзулга учрайди. Адолат – инсоний жамиятни бахт саодатга олиб боровчи йўл.

Буюк ахлоқшуноснинг бурч ҳақидаги қарашлари ҳам эътирофга моликдир. У бурчни Тангри олдидаги ўз қарзини бажариш, илоҳий масъулият деб тушунади. Лекин бу масъулият, айна пайтда, муҳтожларга хайр-эшонни, Яратган ва банда олдидаги покизаликни ҳам ўз ичига олади. Бурчни англаб этиш эса, фақат билим (билиш) орқали рўй беради. Шунингдек, Кошифий, анъанавий шарқона фазилатларга бафуржа тўхталади. Сабр, ҳаё, авф, саҳийлик, ростгўйлик, фаросат, тавозеъ сингари фазилатларнинг моҳиятини очиб беради, уларни насрий ва шеърий мисоллар билан исботлайди. Айна пайтда, уларнинг зидди бўлмиш иллатлар ҳам мутафаккирнинг диққат марказидан четда қолмайди.

Алишер Навоийнинг ахлоқий қарашлари..

Ўзбек халқининг улуғ мутафаккири Алишер Навоий жаҳон адабиёти, маданиятига буюк ҳисса қўшган, инсонлар бахт-саодати, халқ фаровонлиги, мамлакат ободонлиги учун курашган санъаткорлардандир.

Алишер Навоий саройда мухрдорлик, сўнгра вазирлик вазифаларини адо этади, шахарнинг ободончилигига, фуқаролар тинчлиги, фаровонлигига алоҳида эътибор беради, ижодий ишини давом эттиради: “Хамса”, “Лисон-ут-тайр” (“Қуш тили”), “Махбуб-ул-қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”), “Мажолис-ул-нафоис” (“Тўзаллар мажлиси”), “Хазойин-ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) ва бошқа асарларини ёзади. У ўз асарларида тарихий-маърифий, ижтимоий-тарбиявий, инсонпарварлик, халқлар, дўстлиги, тинчлик ҳақидаги ғояларини ифодалайди.

Жамиятнинг аъзоси бўлган ҳар бир одам ўз халқига хизмат қилиши, ёрдам бериши, фойда келтириши, халқ манфаатини ўз манфаатинидан юқори қўймоғи – халқ учун, Ватан учун фойда эканлигини унутмаслиги керак.

Наф етурмакка шоир айладинг,

Ўзингга ул нафни ёр айладинг.

Нафинг агар халққа бешак дерур

Билки, бу наф ўзинингга кўпрак дурур.

Алишер Навоий халққа иш билан сўз билан ҳам, кўнгил билан ҳам фойда келтириш кераклигини айтади, халқ манфаатини ўйлайдиган, халқнинг бахт-саодати учун курашадиган кишиларни ҳақиқий одам деб билади:

Одамий эрсанг демагил одами,

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Алишер Навоийнинг инсонга муҳаббати ватанга муҳаббати билан боғланган. Навоий эл-юртнинг обод, фаровон, мустақил бўлишини ва унда инсонларнинг дўст-ёр аҳил, хур яшашини истади. Навоий одамларни ватанни севишга даъват этади.

“Карам, - дейди Навоий, - бир жабрланганнинг каттиқчилик юкини кўтармоқ ва уни қийинчиликлардан қутқармоқдир. Карам – биров машаққат тиканининг оғирлигини кўтармоқ ва тикан учидангулдек очилмоқ ва ўша қилган қайтиб тилга келтирмаслик, оғизга олмаслик, ишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмасликдир”, - дейди. Ҳимматли кишилар халқ орасида обрўга сазовордир, Навоий одамларни инсофга, саҳоватли ва адолатли бўлишга, бир-бирлари билан аҳил бўлишни, алоҳида уқтиради. Улуғ мутафаккир эшонни улуғлаб шундай дейди: “Эшон деган сифатни абадий саодат бил... Кишилик боғининг кўнглига ёқар дарахти эшондир. Барча мақул сифатлар ва маъқул ҳолатлар эшонга қарашлардир, бу сифат ва ҳолатларни у ўз ичига олган ҳамда шунинг ўзига воқедир. У барча яхшиликларни ўзида тўплаган ва бари яхшиликлар ҳақиқатан унга тегишлидир”.

Мутафаккирнинг фикрича, яхшиликни ўзига мақсад қилиб олган одам бахтли бўлади. Бундай одамлар саҳий ва ҳимматли бўладилар. “Саҳийлик кишилар боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир, одамгарчилик ўлкасини тўлқинли дарёси, балки у тўлқинли дарёни асл гавҳаридир”.

Мутафаккирнинг фикрича, яхшиликни ўзига мақсад қилиб олган одам бахтли бўлади. Бундай одамлар саҳий ва ҳимматли бўладилар. “Саҳийлик

кишилар боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир, одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқинли дарёни асл гавҳаридир”.

Алишер Навоий саҳийликни халққа, давлатга фақат мол-мулк билан эмас. Балки ўзида бўлган куч, билим билан маънавий ёрдам бериш кераклигини айтади. Шоир саҳийлик ҳимматли бўлиш билан боғлиқлигини уқтириб: “Саҳийлик одамнинг баданидир, ҳиммат унинг жони: ҳимматлардан дунёга юз минг кушойиш бўлар, ҳимматсиз киши эр сонидан эмас, жонсиз баданни киши тирик демас”.

Алишер Навоий ўз фаолияти давомида халқ ва ватан осойишталиги, маданият ва маърифат ривожини учун курашди. Унинг ижодий мероси тарихий-тарбиявий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга.

Ижод этган барча асарларида Навоий инсонпарварлик, эл-юрт фаровонлиги ғояларини ифодалади, таълим-тарбияга оид фикрларини баён этди. Унинг бу ғоялари баркамол авлодни етиштиришга хизмат қилади, буюк аллома изҳор этган беназир ғоялар ахлоқий фикрлар тарзида алоҳида ўринда туради.

Европа уйғониш даври ахлоқий қарашлари ривожини.

Ўрта асрлар Оврўпа ахлоқшунослигининг йирик вакили Августин Блаженный – Илоҳий Августин (354-43) “тазарру” ҳамда “Эзгулик ва эркин ихтиёр ҳақида” деган асарларида қатор муаммоларни ўртага ташлади ва ҳал қилишга уринди. Унинг фикрига кўра, Худо барча гўзалликлар манбаи ва энг олий гўзалликдир. Худонинг иродаси – муайян, мазмундан қатъий назар, эзгулик, неъмат, ягона олий неъмат, ҳамма нарса Худодан бўлгани учун, эзгу; “Нимаики мавжуд экан, ҳаммаси эзгу”, дейди – Августин. Борлик – қадриятларнинг тартибли босқичларидан иборат. Борлик ичидаги энг муҳим фарқ Худо билан олам, Яратган билан яратилмиш ораси фарқидир, мана шу фарқ ахлоқнинг асоси ҳисобланади. Ҳар қандай хатти-ҳаракат фақат борлик тартибини акс эттириши ва Худога интилиш билан бошқа интилишларни фарқлаши, яъни олий интилишни тубан интилишлардан қатъий ажратиб олиши орқали баҳолади. “Тартиб шундай нарсаки, - дейди Августин агар биз ҳаётимизда унга суянсак, у бизни Худога етиштиради, унга суянмасак, Худога етиша олмаймиз”. Шу сабабли инсон фаолиятида икки хил муносабатни фарқламоқ лозим – лаззат ва фойдага интилиш. Лаззат – фақат биргина Худодан; қолган ҳамма фойдаланиш объекти ҳисобланади. Ердаги неъматлар фақат ердан ташқаридаги неъматларни тарғиб қилиш учун воситадир. Худодан қувонч туйгун-у, лекин ундан фойдаланма, ердаги неъматлардан фойдалан-у, лекин улардан қувонч туйма. Августин ахлоқий таълимоти ана шу талабдан келиб чиқади.

Худо, Августин нуктаи назаридан, инсонни – Одам Атони эркин, гуноҳ қилмаслик имкониятига эга зот қилиб яратди. Айни пайтда у ихтиёр эркинлиги фаолиятининг аниқ йўналишини белгилаб берди. Лекин, Одам Ато, нима қилиш кераклигини ўзим биламан, деган кибр билан Худонинг кўрсатмасини бузди; инсон ихтиёр эркинлигини ножоиз қўллагани учун

гуноҳга ботди. Одам Ато қандай бўлса, ундан пайдо бўлган бошқа одамлар ҳам худди шундай. Биринчи одам қилган гуноҳ учун ҳамма одам жавобгар, ҳар бир одам ўз тишида Одам Ато еган олмадан қолган қамашни ҳис этиб туради, демак ҳамма нарса, барча эзгулик Худодан; ёвузлик-эзгуликнинг йўқлиги, эзгуликдан юз бериш, нуқс, хато. У инсон ихтиёрининг хусусияти, ихтиёрнинг тубанликка қаратилишидир; у – Худо кўрсатмаларидан чекиниш, гуноҳ.

Шуни таъкидлаш жоизки, Августин таълимотини маълум маънода муҳаббат ахлоқи ҳам дейиш мумкин. Файласуф-илоҳиётчи муҳаббатни ҳар бир нарсани ўз табиий, қонуний ўрнини эгаллаш учун интилишга мажбур қилувчи фазовий қудрат сифатида талқин этади. Муҳаббат – тугаликка, оромга интилиш. Инсон нафақат севади, Аини пайтда у муҳаббатни ўз муносабатларининг объекти ҳам деб билади; инсон муҳаббатнинг ўзини севиш ё севмаслик қобилиятига эга. Ахлоқий вазифа мана шу муҳаббатни инсон табиатига ўхшаш объектга йўналтиришидир. Бу объект эса – Худо. Муҳаббатнинг сезги аъзоларига ҳеч қандай алоқаси йўқ, у руҳнинг сирли қаъридан, руҳ пайдо бўладиган макондан иборат.

Шу тарзда Августиннинг ахлоқий таълимоти жаҳон ахлоқшунослиги тарихида муҳаббат масалаларини биринчи бўлиб ўртага ташлади ва бу таълимот кейинги давр мутафаккирлари қарашларига катта таъсир кўрсатди. Лекин, умуман олганда, Ўрта асрлар Оврўпа ахлоқшунослиги у қадар юксак даражада кўтарила олмади. Шу боис, бу давр ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш шарт эмас.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқи ахлоқий таълимотлари қадимги дунё мумтоз ахлоқшунослигининг тадрижий ривож сифатида кейинги даврлар Оврўпа ахлоқ илми тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Шарқ алломалари илгари сурган ғоялар, ўртага ташланган муаммолар Оврўпа ахлоқшунослигида янги қарашлар ва хатто, оқимларнинг вужудга келишига туртки бўлди. Оврўпа тарихида “Буюк таржималар даври” деб аталадиган XI-XIII асрларда нафақат Фаробий, Ибн Сино, Ғаззолий, Оврўпага қайтадан кашф этиб берган Афлотун, Арасту сингари қадимги Юнон мутафаккирларининг асарлари ҳам араб ва сурёний тилларидан лотинчага таржима қилинди, Ғарбнинг дастлабки университетларида ўқитилди. Зотан Гегелнинг: “Ғаззолий ўта нозиктабъ файласуф”, “Қойилмақом Жалолиддин Румий”, Э. Ренаннинг “Ғаззолдан кейин Ҳюмга айтадиган гап қолган эмас”, деган сўзлари бежиз айтилмаган. Шунингдек, Ибн Рушднинг моҳият билан мавжудлик муносабатларида яқка жавҳарларда (субстанцияларда мавжудлик моҳиятдан олдин) келиши ва улар онтологик жиҳатдан яхлитликни ташкил этиши ҳақида ғояси кейинчалик Ғарбда катта амалий аҳамият касб этган – Оврўпа халқлари менталитетига сингиб кетган фалсафий- ахлоқий оқимининг пайдо бўлишига олиб келди ва ҳоказо.

Янги давр ахлоқий қарашлари ривож

Ўрта асрлар мусулмон Шарқида ўртага ташланган кўпгина ахлоқий муаммолар Оврўпа Уйғониш даврида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Лекин энди уларга кўпроқ – инсонпарварлик, инсонни улуғлаш, инсоннинг ақлий

кудратига ишонч сингари янгича нуқтаи назардан ёндошилди. Уйғониш даври ўрта асрлардан янги даврга ўтиш босқичи сифатида намоён бўлди

Лоренсо Валланинг ахлоқий қарашларига келадиган бўлсак, у одамлар аро бўладиган барча алоқалар ва муносабатларда манфаатни четга суриб қўймайди, ҳатто Худога муносабатни ҳам ана шу манфаат билан боғлайди. Инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабатида бир-биридан фойдаланиш мақсади ётади; манфаат, шахсий фаровонлик барча инсоний қилмишларни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Бундан, шахсият ва ижтимоийлик бир-бири билан ажралмайдиган даражада боғлиқдир, деган фикр келиб чиқади. Валланинг бу ва бунга ўхшаш фикрлари кейинчалик Спиноза, Гоббс, Локк сингари маърифатпарварлар таълимотларига туртки бўлди.

Уйғониш даври ахлоқшунослигидан кейинги даврлар учун ҳам характерли бўлган икки йўналиш кўзга ташланади. Биринчиси – инсон табиати ибтидодан эзгу, иккинчиси – ибтидодан ёвуз, деган ғоя. Лекин иккала йўналиш ҳам, реал тажрибадаги инсон худбин мавжудот, деган фикрда тўхталади. Фарқи шундаки, биринчи йўналишдаги ахлоқшунослар худбинликни тарихий шароитдан, жамиятнинг оқилона ташкил этилмаганидан, тенгсизликдан келиб чиққан деб билсалар, иккинчи йўналишдагилар уни инсон табиатининг ихтиёри сифатида талқин этадилар. Ана шу йўналишлардан биринчисига мойиллик Лоренцо Валла қарашларида кўрган бўлсак, иккинчи йўналишнинг йирик вакили бошқа бир италиялик мутафаккир Николло Макиавеллидир (1469-1527).

Макиавелли деганда, дарҳол ҳаёлимизга “макиавелличилик” ибораси келади. Маълумки, “макиавелличилик” деганда, ўз мақсадига эришиш йўлида (асосан сиёсат борасида) ҳар қандай ахлоқсизликдан ҳазар қилмайдиган ҳаракат тарзида даъват этувчи йўналиш тушунилади. “Мақсад воситасини оқлайди”, деган тамойил бу йўналишнинг асосини ташкил этадил бундан ахлоқ ва сиёсат бир-бири билан чиқишмайди, деган хулоса, келиб чиқади, Николло Макиавелли илгари сурган ахлоқшунослик ва сиёсатшунослик борасидаги ғоялар бу йўналишнинг асоси сифатида қабул қилинади ҳамда неча асрлардан буён Италиялик файласуф-ахлоқшунос кўпчиликка танқид бўлиб келади. Хўш, ҳақиқатан ҳам шундайми? Макиавеллининг ахлоқий қарашлари асосан унинг “Хукмдор” (1513) асарида ўз аксини топган. Унда мутафаккир саҳийликда тежамкорлик шафқат ва шафқатсизлик, муҳаббат ва нафрат сингари тушунчаларга батафсил тўхталади. Лекин уларга файласуф Ўрта асрлардагига нисбатан янгича мазмун ва маъно беради. У шафқат ва шафқатсизлик ҳақида фикр юритиб, хукмдор фуқароларни маҳкум тутиб туриш йўлида ўзини шафқатсизликда айблашларидан қўрқмаслиги керак, дейди. Унинг бир қадар шафқатсизлиги тартибсизликларни келтириб чиқарадиган давомли қотилликни туғдирадиган бундай тартибсизликлардан, янги хукмдорларни нисбатан маъқул кўрди. Унинг фикрига кўра, янги хукмдорни бошқа хукмдорларга нисбатан шафқатсизликда камроқ айблайдилар. Чунки янги давлатга жуда кўп хавф-ҳатар таҳдид солади.

Макиавелли ўз асарларида хусусан, “хукмдор” рисоласида илгари сурган ахлоқий таълимот, давлат раҳбари ахлоқий фаолиятидаги фазилат ва

иллатнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига ўтиб туриши, баъзан эса, бири иккинчисини келтириб чиқариши ҳақида янгича фикрлари ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Уйғониш даври ахлоқий таълимотлари ахлоқшунослик тарихида, шубҳасиз, олға ташланган қадам бўлди. Зеро бу давр мутафаккирлари қадимги дунё ахлоқшунослари илгари сурган назария ва ғоялар ўрта асрлар мусулмон Шарқи ахлоқшунослари тафаккури призмасидан ўтказиб, ҳулосалар чиқаришга интилди, муайян маънода уларни Оврўпа ахлоқ илмида синтезлаштириш жараёнини бошлаб бердилар.

Тарихда олмон мумтоз фалсафаси деб ном олган тафаккур ўзининг миқёсийлиги ва теранлиги билан ҳануз фикрловчи кишиларни ҳайратга солади. Олмон мумтоз файласуфлари инглиз, француз файласуфларидан фарқли ўлароқ, ўз асарарини кенг китобхон оммасига эмас, балки тор доирадаги ўқувчиларга, фалсафани мутахассислик деб билган олимларга ва талабаларга мўлжаллаб битилган. Шу боис уларни кўпчилик китоблари, хусусан, ахлоқшуносликка оид асарлари ҳам қуруқ илмий академик тилда ёзилган ва тушунилиши оғир. Лекин улар ўз асарларида жаҳон фалсафий тафаккури XIX асрнинг биринчи ярмигача эришган барча ютуқларни илмий тизимларда умумлаштирганлари ва улардан ниҳоятда чуқур илмий ҳулосалар чиқарганликлари билан ажралиб турдилар.

Олмон мумтоз фалсафасининг асосчиси Иммануал Кант (1724-1804) ҳисобланади. Унинг “Ахлоқий метафизиканинг асослари” (1785), “Амалий ақлнинг танқиди” (1788) ва “Хулқлар метафизикаси” (1797) асарлари асосан ахлоқшунослик ва ахлоқий муаммоларга бағишланган.

Ахлоқшуносликни объектив қонунлар ҳақидаги фан сифатида, Кант, математика билан тенглаштиради; геометрик қатъий қоидаларни, инсон уларга ўзи тўла амал қилиш-қилмаслиги билан ҳисоблашмагани ҳолда шакллантиргани каби, ахлоқшунослик ҳам инсоннинг имкониятлари билан ҳисоблашмайдиган, балки нима ахлоқий эканни кўрсатадиган қоидалар тақдим этмоғи лозим. Шу боис файласуф ҳуқуқ ва ахлоқ ҳақидаги фанларни ақлнинг шак келтириб бўлмайдиган ёки қатъий талабларга асосланган назариялар сифатида олиб қарайди. “Шундай қилиб, - дейди Кант, - амр (императив), бу шундай қоидаки, у ҳақдаки тасаввур субъектив тасодифий хатти-ҳаракатни зарурий қилиб қўяди...” қатъий амр энг аввало, шунинг учун олий ва пировард ахлоқий қонунки, у инсонни фақат мақсад сифатида мавжуд деб ҳисоблайди ва инсонга восита деб қарайди, айниқса, ундан шунчаки восита тарзида фойдаланишни ман этади.

Инсонни ахлоқий бурчга мувофиқ хатти-ҳаракатлар қилиш қобилятини Кант фазилат деб атайди.

Ахлоқий бурчнинг ўзини ҳам файласуф иккига бўлади: инсоннинг ўз олдидаги бурчи ва бошқаларга нисбатан, уларнинг айбдорлиги ёки ҳурматга муносиблигига қаратилган бурч. Ўзига нисбатан бурч, аввало, инсондан ўз-ўзига ҳурматни талаб этади. Унинг зидди – ўз ҳаётига қасд қилиш, соғлиғига путур етказиш, ёлғончилик, очкўзлик ва сохта итоаткорлик ҳушомадгўйлик. Ўзгаларга нисбатан бурч эса, аввало, бошқа одамларни ҳурмат қилишни

талаб этади. У – Кант, “Дунёнинг буюк ахлоқий беағи”, деб атаган хайр-эшонга, миннатдорчиликда, қувончу ғамни баҳам кўришда, умуман, инсонга муҳаббат акс этади. Уларнинг зидди – манманлик, дилозорлик, ҳасад, кўрнамаклик ва ичқоралик. Хатти-ҳаракатнинг мақсади ҳам, унинг самараси ҳам эмас, балки унинг нияти, яъни ахлоқий амрга мувофиқлиги ахлоқий ҳисобланади. Ана шу мезон, ахлоқий бурч инсондан хатти-ҳаракатнинг эзгу ихтиёр билан қилинишини талаб этади. “Бирор ерда, бу дунёда ҳам, хатто ундан ташқарида ҳам, фақат биргина эзгу ихтиёрдан бошқа нарсани чекланмаган даражада эзгулик дейиш мумкинлигини ҳаёлга келтириб бўлмайди,” – дейди Кант.

Кант ахлоқшунослигининг чўққиси – абадий тинчлик ғояси: “ҳеч қандай урушга йўл йўқ: на мен билан сенинг орангдаги табиий ҳолатдаги урушга, на орамиздаги давлатлар сифатидаги урушга йўл йўқ... уруш ҳар ким ўз Ҳуқуқини қўлга киритиши учун зарур бўлган усул эмас.” Айни пайтда, инсоният учун ахлоқий комилликка эришувнинг фаол воситасини мутафаккир маърифатда кўради. Маърифат учун эса фақат эркинлик, эркинлик бўлганда ҳам жуда зарарсиз, ҳар бир ҳолатда ўз ақлидан ошқора фойдаланадиган эркинлик зарур. Эркин, хайратланиб, ихлос билан яшаш лозим. Кант ахлоқшунос сифатида ҳам шундай яшаб ўтди: “Икки нарса ҳақида қанча кўп, қанча узоқ ўйлаганинг сари қалбинг тобора янги, тобора кучайиб боровчи хайрат ва ихлос билан тўлиб тошаверади, булар – бошим устидаги юлдузли осмон ва менинг ботинимдаги ахлоқий қонун.”

Бу даврнинг машҳур ахлоқшуносларидан яна бири буюк мутафаккир Георг Вильгелм Фридрих Гегелдир (1170-1831), “Рух феноменологияси” (1807), “Фалсафий фанлар қомуси” (1817), “Ҳуқуқ фалсафаси” (1821), сингари асарларида акс этган. Гегель ахлоқшунослигининг ўзга хос хусусияти, энг аввало, шундаки, у хулқийлик билан ахлоқийликни икки хил тушунча сифатида тақдим этади. “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида у шундай деб ёзади; “Одатда аҳамиятига кўра, бир хил деб ҳисобланадиган хулқийлик ва ахлоқийлик бу ерда бир-биридан жиддий фарқ қиладиган маъноларда олинади.” Гегель ўзининг мураккаб фалсафий тизимидан келиб чиқиб, хулқийликка шундай таъриф беради: “Хулқийлик нуқтаи назари эркиннинг нафақат ўзида, балки ўзини учун ҳам чексиз бўлган даражадаги нуқтаи назардир. Бу ихтиёр рефлексияси ўзида ва унинг ўзи учун ҳақиқий айнанлиги ўзида-борлиқлигига ҳамда бевоситалигига ва унда ривожланаётган муайянлик қарама-қарши қиёфаси субъект сифатида белгилайди.” Содда қилиб айтадиган бўлсак, Гегель тушунчасидаги хулқийлик доираси инсонлардаги шахсий ва хусусий ўзаро муносабатларни, субъектив фикрдаги мажбурликни, идеални, ижтимоий-тарихий ҳодисаларга нисбатан танқидий кайфиятларни ўз ичига олади.

Ахлоқийликни эса Гегель мана бундай таърифлайди: “Ахлоқийлик худди ахлоқий борликда ўзининг ўзида ва ўзи учун ҳақиқий асосига ва характерга келтирадиган мақсадига эга бўлган ўзини англаш каби, ўзидаги ўзини англашда ўз воқелигига эга жонли эзгулик каби, эркинлик ғоясидир ахлоқийлик ўзини англашнинг мавжуд дунёси ва табиати бўлган эркинлик

тушунчасидир... Умуман олганда, ахлоқийликда ҳам объектив, ҳам субъектив жиҳатдан бор, бироқ, улар ахлоқийлик шаклининг моҳияти холос. эзгулик – бу ерда субстанция, яъни, объективлик субъективлик билан тўлдиришидир.” Гегель ахлоқийлик деганда, одамнинг тарихан ахлоқдан олдин пайдо бўлган урф-одатлар ва расм-русумларга, иккинчи томондан, давлат, табақалар, оила олдидаги ахлоқ билан боғлиқ муайян мажбуриятига муносабатини назарда туради.

Гегель хулқийликка қасд ва айб, ният ва эзгулик, эзгулик ва виждон, жуфтлик тушунчаларини киритади; ахлоқийликка эса оила, фуқаролар жамияти, давлат тушунчаларини тааллуқли деб билади ва уларни батафсил таҳлил этади. эзгулик – эрк даражасига кўтарилган ихтиёр; амалга оширилган эркинлик, оламнинг мутлақ сўнгги мақсади. Ёвузлик – зарурият, бироқ у рўй бермаслиги керак. Ахлоқий бўлиш ёвузликнинг зиддига етишиш, акс ҳолда эса эзгулик жўн табиий ҳолатдир. Агар ёвуз қилмишдан қандайдир яхлитликнинг жиҳати сифатидаги ижобий томонни топиб, уни эзгулик деб талқин этилса, у қисман ўзига, қисман бошқаларга қилинган мунофиқликдир. Виждон эса муқаддас, қўл етмас нарса, инсонни ўз-ўзига пок ишончи; у эзгуликни билишдир.

Ахлоқийлик борасида Гегель қониқиш тушунчасини ўртага ташлайди. Бу борада файласуф қуйидагича фикрлайди. Хатто арзимас бир фаолиятдан қониқишим шундай бўладики, мен ўз рўпарамда тураман; ана шу манга қониқиш беради. Мен ўзимда оламини ҳис қиламан. Инсон ниманики бажарса, ҳаммасида иштирок этади, зеро ихтиёр эркинлиги ҳам шундан иборатдир. Инсон, аввало, қай мақсадидан қониқиши керак, ўшанда унинг амалга ошувидан ҳам қониқиш ҳосил қилади. Оқил, одам, аввало, ўзини қониқтириши керак, кўп ҳолларда айнан шунинг учун ҳаракат қилади, у ўз тушунчаси, ўзидаги ғоясини қониқтиради бошқаларникини эмас, бошқалар қониқиши ҳам, қониқмаслиги ҳам мумкин, у ўз тушунчасини, ўз ақлини тадбиқ этиши лозим. Инсон манфаатдан маҳрум бўлсин, деган талаб бўлмағур гап. Улуғ одамлар кўпинча ўзларини ўзлари қониқтирганлар, агар улар бу ҳақда аввал бошқалардан сўраганларида эди, уларнинг ишлари, шубҳасиз, арзимас нарса бўларди.

Гегель муҳаббат, никоҳ, оила, фуқаролар жамияти ва давлат ҳақида ҳам ўзига хос фикрлар баён қилади. Севгини файласуф бошқа билан бирлашишни англаб етиш, ўзининг бошқа билан, бошқанинг ўзи билан бирлашишни англаб етиш, ўзининг бошқа билан, бошқанинг ўзи билан бирлашишини билиш орқали ўзидан кечиш тарзида талқин этади. Севги - ҳиссиёт, бошқача қилиб, айтганда, шаклга тушган табиатдаги ахлоқийлик; давлатда севги бўлмайди; унда бирлик қонун сифатида англанади.

Хуллас, Гегель ҳам Кант каби инсонга ниҳоятда катта масъулият юклайди. Унинг хулосаси қатъий: “қонун ҳаракат қилмайди, фақат инсон ҳаракат қилади.”

Олмон мумтоз ахлоқшунослигида бизга русча матнлар орқали Людвиг Фейербах номи билан таниш бўлган мутафаккирнинг қарашлари ўзига хос ўрин эгаллайди.

Фейербах янги фалсафани яратиш кераклиги ҳақидаги ғояни илгари суради; бу фалсафанинг марказида табиатдан узилмаган инсон туради. Шунинг учун уни фалсафийлаштирилган инсоншунослик ҳам дейиш мумкин. “Ҳақиқий фалсафа, - деб ёзади Фейербах – китоб ёзишдан эмас, одамларни яратишдан иборат... Янги фалсафанинг илдизи муҳаббатнинг ҳақиқийлигида”. Бу фикрлардан келиб чиқиш, шуни айтишимиз, мумкинки, Фейербах фалсафаси, маълум маънода, ахлоқшуносликка бориб такалади. Ахлоқ масалалари, айниқса, унинг “ўлмаслик ҳақидаги масалага инсоншунослик (антропологик) нуқтаи назардан қараш” (1846-1866), “Спиритуалчилик ва моддиятчилик ҳамда ихтиёр эркинлигига улар муносабатининг ўзига хослиги ҳақида” (Эвдеймончилик) (1867-1869) деган асарларида, кундалик ва хатларида кўтарилган. Файласуфнинг ўзидан аввалги мумтозчилардан яна бир фарқи шундаки, у муаммоларга моддиятчилик нуқтаи назаридан ёндашади ва ақли эмас, ҳиссиётни биринчи ўринга қўяди. Унинг ахлоқий таълимоти асосан ихтиёр эркинлиги ва бахт тушунчасига йўналтирилган.

Фейербах таълимотини баъзилар муҳаббат ахлоқшунослиги деб ҳам аташади. Бу бежиз эмас. У ҳаёт муҳаббатдан иборат, ўз хусусий Менининг қобиғида худбинларча бурканиб ётганидан кўра, жуда ҳам арзимас, ғоят номуносиб нарсани севган авлод. Зеро фақат битта ёвузлик мавжуд. У ҳам бўлса – худбинлик, фақат битта эзгулик бор, у ҳам бўлса – муҳаббат. Инсонни билиш учун уни севиш керак. Фейербахни том маънода даҳрий дейиш ножоиз. Тўғри у Худони тан олмайди, черковдан нафратланади, лекин одамга сиғинишни таклиф этади. “Исо, - деб ёзади файласуф, - одам эди, ҳаммага ўхшаган одам. Исога эътиқод инсонга эътиқоддир... Инсон инсон учун Худо ... инсонга муҳаббат инсоннинг энг олий, энг биринчи қонуни бўлиши керак.” Шу боис Фейербахга замондош файласуфлардан бири Штирнер; “Фейербах динни ахлоқшуносликка, ахлоқликни динга айлантириб юборади”, деганида маълум маънода ҳақ эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, олмон мумтоз ахлоқшунослари инсоният жамияти тараққиётига, унинг ахлоқий юксалишига, шубҳасиз, қиёслаб бўлмайдиган даражада улкан хисса қўшдилар. Лекин, бу – уларнинг назариялари, илгари сурган ғоялари ва ахлоқий қарашлари ҳар қандай нуқсондан ҳоли, деган гап эмас. Чунончи, Кант ахлоқийликни асосан бурч тушунчасига олиб бориб такаб қўяди, бурчнинг бажаришида хатти-харакатларни мавжуд шарт-шароитдан устун қўяди, идеал одамга қаратилган меъёрга айланиб қолади; Фихтей ва Шеллинг ахлоқнинг моҳиятини фақат инсоннинг транденциал покликка интилишда кўрадилар; Гегель ахлоқий жавобгарлигини бир четга суриб қўяди, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай ҳолатда ҳам устун қўяди. Фейербах эса ахлоқий муносабатларда инсон ҳиссиётига ноҳиятда ортиқча баҳо бериб юборади ва аксинча, ақлга ўрин қолдирмайди.

Мумтоз тафаккурининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, муайян тарихий даврда маънавият соҳасидаги эришган ютуқларни тизимли тарзда бойитиб, уларни янгича қарашлар ва йўналишлар воситасида навбатдаги

юқори босқичга олиб чиқади. Олмонлардан сўнгра ана шундай мумтоз тафаккур XIX аср охири XX аср бошларида русларда воқе бўлди.

Бу даврда рус мутафаккирлари маънавиятнинг барча соҳаларида жаҳонда етакчи мавқеини эгалладилар. Л.Толстой, Ф.Достоевский, И.Тургенев, Н.Некресов, Н.Чернишевский, Вл. Соловьёв, Н.Лосский, Н.Бердяев, С.Булгаков, С.Франк, П.Флоренский, В. Розанов, А. Чехов, А.Ахматова, И.Бунин, С.Есенин, М.Горький. В.Набоков, Б.Вишеславцев, Г.Шпет, В.Вернадский, А.Лосев сингари буюк номларнинг баъзилари ана шу даврда бутун куч-қувватлари билан ўз фаолиятларини чет элларда давом эттирдилар. Баъзилари ижодида бадиий тафаккур борасида реалистик йўналиш биринчи даражали ўрин эгаллаган бўлса, бошқалари фалсафий-ахлоқий тафаккурни мумтозлик даражасига кўтаришда муҳим касб этади. Мазкур йўналишнинг вужудга келиши ва тараққий топишида буюк файласуф Владимир Соловьёвнинг (1853-1900) хизматлари катта.

Владимир Соловьёвнинг ахлоқий қарашлари унинг қатор асарларида ифода топган. Улар орасида “Эзгуликни оқлаш. Ахлоқ фалсафаси” (1897-1893) китоби алоҳида аҳамиятга эга. Унинг биринчи қисмида уят, шафқат ёки ачиниш ва художўйликдан икборат ахлоқий тушунчалар учлиги асосий ўринни эгаллайди. Хўш, уят нима? Нисбатан тубанликка ва нокомилликка тушиб қолган, лекин бундай ҳолатни ўзи учун нолойиқ деб билгани учун табиий бўлса ҳам, ахлоқийлик қошида ўзининг очиқ кўринишда амалга ошув ҳуқуқини йўқотди, яъни, ахлоққа бўйсинади.

Соловьёв, Декартнинг тафаккур моҳияти ҳақидаги машҳур иборасини ахлоқийликка нисбатан қўлланганида мақсадга мувофиқ бўлур эди, деган мулоҳазани билдиради: “Мен уятманми, демак, мавжудман на фақат жисман, балки ахлоқан ҳам мавжудман, - мен ўз ҳайвонийлигимдан уялмаяпманми, демак, мен ҳали ҳам одам сифатида мавжудман”.

Умуман олганда, Соловьёв одамларни яхши ва ёмонга, шафиқ ва ёвузга ажратишни илмий нуқтаи назардан хато, инсонийлик нуқтаи назаридан эса ноҳақлик деб билади; инсонни яхлит ва биратўласи ахлоқий баҳолаш мумкин эмас, унинг феъл-атвориға, қилмишиға қараб баҳо бериш лозимлигини таъкидлайди: “...Мен икки нарсани табиатда учратмадим: аниқ-мукаммал ҳалол одамни аниқ-мукаммал ёвуз одамни”, дейди файласуф.

Владимир Соловьёвнинг ахлоқий таълимоти, теран фикрлари ахлоқ фалсафаси билан шуғулланган мутафаккирларнинг бир неча авлодига дастуриламал бўлди, ҳозир ҳам донишмандликнинг юксак намунаси сифатида тафаккур ахлининг диққат марказидадир.

Эзгулик ва ёвузлик пайдо бўлиши, уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни, ёвузликка қарши курашишнинг йўллари сингари доимий долзарб муаммолар рус мумтоз ахлоқшунослигининг бошқа вакиллари учун ҳам муҳим эди. Бу борада йирик ишлар қилган мутафаккирлардан бири экзистенциячи файласуф Николай Александривич Бердяевдир (1874-1948). Унинг айниқса, “Инсоннинг вазифаси ҳақида” (1931), “Ўз-ўзини англаш” (1949) “Илоҳийлик ва инсонийликнинг экзистенциал диалектикаси” (1952) каби асарлари шу жиҳатдан диққатга сазовордир.

Николай Бердяев фалсафий-ахлоқий қарашларининг яққол ажралиб турадиган ўзига хос хусусияти шундаки, унинг асосий ғояси – эркинлик. Нима учун ўз табиатига кўра эркин ва ижодкор мавжудот бўлган инсон Худо берган бу неъматлардан ўрнига қўйиб фойдалана олмайди; нимага инсоннинг ўйлаган нарсаси ўрнига тарихда бутунлай бошқача ҳолат рўй беради, нима учун илмий салоҳиятни одам боласи ўзига ўхшаганларни эзиш учун, яни ёвузлик йўлида ишлатади; нега истеъдодли одам кўпинча ёлғизликка маҳкум. Эркинлик, - дейди буюк рус мутафаккири, - менинг мустақиллигим ва ўз шахсимни ишдан белгиловчи мурувватдир.

Жадидларнинг ахлоқий қарашлари.

Абдурауф Фитрат 1886 йилда Бухорода савдогар оиласида таваллуд топади. Отаси Абдурахимбой ўқимишли, дунёвий воқеалардан хабардор киши бўлган.

Фитрат бошланғич билимини Бухорода эски мактабда олди, кейин Мир Араб мадрасасида ўқиди. Сўнгра Бухоро “Хайрия жамияти” йўлланмаси билан 1909-1913 йилларда Истамбул дорилфунунида ташил олади. Истамбулда у форсий тилда “Мунозара” (1911 й), “Сайҳа” (1911 й), “Сайх хинди” (1912 й) асарларини ёзади.

Абдурауф Фитрат Ватанни севди, Ватанни бизнинг валенеъматимиз деб билди.

Фитрат ўз асрларида Ватан гўзаллигини завқ билан тасвирлаб дейди:

Қардошларим, мана, сизга бир ўлка –

Ким топилмас ер юзида сингари.

Ҳар ёнидан кенг, ям-яшил учмоҳлар,

Жон сувидан етишгандир гуллари...

Фитрат ўз ватандошларини азиз диёри Туркистонни севишга, уни асрашга чорлади. У ёшларга хитоб қилиб уларни шу Ватан миллат саодати, бахти, равнақи учун фидоийлик кўрсатишга, жасоратли бўлишга даъват этди.

Оғир йигит, сенинг гўзал, нурли кўзингда

Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқидим.

Ўйлашингда, турмушингда ҳамда ўзингда

Бу юрт учун қутулишнинг борлигин кўрдим.

Турма-югур, тинма-тириш, букилма-юксал,

Ҳуркма-кураш, кўркма-ёпиш, йўрилма-кўзғал.

Фитрат илм-маърифатнинг жамият тараққиёти ва инсон камолоти, маданият ривожига муҳим аҳамиятга моликлигини юқори баҳолади.

У инсон камолотида оила, жамоа муҳим ўринни эгаллаши ва ақлнинг комил бўлиши, ахлоқий поклик ғояларини олға суриб, донишмандлик, шижоаткорлик, адолатлик каби инсоний фазилатларни улуғлади, инсон ақлий қувватининг натижасиз, ақлнинг раҳбарлигисиз саодатга эриша олмаслигини айтди. Бу соҳада ўқитувчилар раҳнамолик қилишлари кераклигини айтиб, ўқитувчиларга мурожаат қилди, уларни турк элига тўғри йўлларни кўрсатишга чорлайди.

Туркистон маърифатпарварлари орасида яна бир мутафаккир таълимшунос, педагог ва ахлоқшунос Абдулла Авлонийдир (1887-1934). Унинг XX аср бошларида Туркистонда машхур бўлган “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” (1913) асари ахлоқий муаммоларга жадиличлик нуқтаи-назаридан ёндошиши, кўпчиликка тушунарли тилда ёзилгани билан ажралиб туради. Агар Анбар Отиннинг “Қаролар фалсафаси” рисоласида долзарб ахлоқий муаммоларга мажозий-фалсафийлик, илмий, назарий хулосалар орқали ёритилса, Авлоний асарида фазилатлар ва иллатларга кўпроқ таъриф бериш, уларни шарҳлаш йўли билан ёндошилади.

Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида анъанавий-фалсафий ёндашув бўлмиш антропологик нуқтаи-назар бўртиб кўзга ташланади. Аммо бу ёндошувнинг янгиланган моҳияти шунда эдики, тадқиқот объекти сифатида макон ва замондаги, миллий озодликка, янгича ҳаёт тарзига интилишни ўз олдига ният қилиб қўйган Туркистон фуқароси олинади. Ана шу янги инсон тарбияси бош масала тарзида ўртага ташланади.

Файласуф педагог, аввало, миллатни тарбиялашни ўз устига олган тарбиячи муаммосига тўхталади, оталар – тўйчи, улоқчи, базмчи, илм кадрили билмаган, муаллимлар – ўзлари тарбияга муҳтож, дорилмуаллиминни тугатиши керак бўлган, мударрислар эса – дарслари беимтиҳон ислоҳ яқинига йўламайдиган кишилар. Шу боис миллат ёшлари тарбиясини усули жади д тарафдорлари таълим-тарбия тизимини замонавийлаштириш, ислоҳ қилишга интилаётган зиёлилар кўлга олиши керак. Абдулла Авлоний Россия ҳукумати у ер-бу ерда янгича мактаблар очгани – шунчаки жаҳон жамоатчилигини чалғитиш эканини, очиқ бўлмаса ҳам, қуйидаги ишора билан айтиб ўтади: “... ҳукумат ҳаммининг отасидир. Ўз фуқаросининг болаларини тарбия қилмак лозим. Шунинг учун бизнинг Русия ҳукуматимиз ўгай бўлса ҳам, ҳар ерда бизлар учун мактаблар очуб, болаларини текин ўқитур”. Авлоний ана шу “Ўгай тарбиядан” кўра миллий тарбиямиз усулларини янгилашни афзал билади ва ўз даврини “Тарбиянинг замони – тарбияни айни вақти деб атайди. Унинг бу борадаги қарашлари ҳануз ўз кучини йўқотмаганлигини, тарбия – ҳозир ҳам жамият учун долзарб муаммо эканини Президент Каримов машхур нутқларидан бирида (1995 йил 23 февраль) Авлонийдан мана бундай деб кўчирма келтиради: “Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек, “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”.

Ҳозирги давр ахлоқи ҳақида гап борадиган бўлса, Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ахлоққа, ахлоқий тарбияга жуда катта эътибор берилди бошлади. Республикамизнинг доно етакчиси, юртбошимиз бир неча бор таъкидлаганларидек, биз келажакда курадиган кучли фуқаролик жамиятида яшайдиган комил инсонни тарбиялашда ахлоқ жуда катта роль ўйнаши лозим. Ҳуқуқий, адолатли жамиятда онгли, одобли шахс шаклланиши катта муаммолардан биридир. Лекин жамиятимизда Ғарб сингари ахлоқий деградация кузатиляптими? Бор қисман, Ғарбга сажда қилиш, унга кийинишдаги таклид, эстрада санъатидаги таклид аммо бу дегани, бизни одамларимиз ахлоқсизланмоқда деб талвасага тушишга сабаб

бўла олмайди. Бизни ахлоқимиз ўзига хос шарқона ахлоқ, демак, биз олдимизга ахлоқий тарбия, ахлоқий маданият муаммоларини ҳам юртбошимиз раҳбарлиги ва раҳнамолигида албатта амалга оширажакмиз.

Таянч тушунчалар:

Этика, ахлоқ, одоб, хулқ, эзгулик, ёвузлик, фазилат, иллат, изтироб, донишмандлик, дўстлик, тасаввуф, ҳаёт ва мамот.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов.И.А. Ҳалоллик ва фидоийлик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
3. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очериклари. Т. 1976
4. Гусейнов А.А. Апресян В.Г. Этика. М., 1999.
5. Абдулла Шеър. Ахлоқшунослик. Ўқув қўлланмаси. Т., 2003.
6. Фалсафа. Қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004 йил.

3-мавзу: Ахлоқнинг асосий (катогориялари) тушунчалари, тамойиллари ва меъёрлари. 2 соат)

Режа:

- 1. Ахлоқий онг, ахлоқий муносабатлар, ахлоқий амалиёт**
- 2. Ахлоқнинг асосий категориялари (тушунчалари)**
- 3. Ахлоқнинг асосий таможиллари (принциплари)**
- 4. Ахлоқнинг асосий меъёрлари (меъёрлари)**

Ахлоқ ўзгарувчан мураккаб ижтимоий ҳодиса. Ахлоқнинг моҳияти ва табиатини тушуниш учун унинг таркибий тузилиши ва шаклланиши ҳамда қарор топиши қонуниятларини билиш лозим. Ижтимоий онг сингари ахлоқ тузилишини ҳам ижтимоий муносабатлар белгилайди. Ахлоқ – киши ва жамият ўртасидаги объектив ўзаро боғланишнинг мафкуравий ва рухий ифодаси, умумий ва индивидуал манфаатларни мувофиқлаш заруриятининг намоён бўлишидир. Шунингдек, у шахс билан жамият ўртасида вужудга келадиган зиддиятларни бартараф этишнинг асосий шакллари билан бирдир. Ахлоқни ҳуқуқ сингари ижтимоий қонун-қоидалари ҳам субъектив кўрсатмаларга ҳам киритиб бўлмайди, чунки ахлоқ индивидуалликда ижтимоийликнинг қарор топиши усуллари билан бирдир. Шу сабабли ахлоқнинг фақат ахлоқий онгдагидагина иборат деб қараб бўлмайди. У ахлоқий онг, ахлоқий муносабатлардан барча конкрет шаклларнинг айрим томонларидир, холос. Уларни “соф” ҳолда фақат назарий жиҳатдан ажратиб олиш мумкин, чунки ижтимоий ҳаётда соф ахлоқий ҳодисалар йўқ. Ахлоқнинг барча элементлари бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ бўлса-да, нисбий мустақилдирлар. Умуман бошқа мафкуравий соҳаларда бўлгани каби ахлоқ соҳасида ҳам онг энг фаол элемент ҳисобланади.

Ахлоқий онг ахлоқий талабларни, вожиблик (лузумийлик), адолат ҳақидаги тасавурларни шакллантирадиган курашлар, ғоялар, назариялар. Умуман, онг сингари ахлоқий онг ҳам мавжуд ижтимоий борлиқнинг инъикосидир. Аммо ахлоқий онгда – умуман, мавжуд ижтимоий борлиқ эмас, балки кишиларнинг жамиятдаги ҳуқуқи, яъни воқеликнинг вожиблик, ривожланадиган шаклидаги томонлари ўз ифодасини топади.

Инсоннинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари онг орқали амалга ошади, аммо инсон онги ҳуқуқнинг бир қанча кўринишларидан фақат жамият алоҳида манфаатдор бўлганларинигина юзага чиқаради. Етакчи ахлоқий онгнинг ижтимоий аҳамият ҳам худди ана шундадир. Ахлоқий онгда воқелик қонунлар сифатида эмас, балки бирор-бир типдаги жуда кўп хатти-ҳаракатларга қўйиладиган у ижтимоий тартиб талаблари ўз аксини топган маълум бир мақсадлар, ҳуқуқ меъёрлари шаклида акс эттирилади ҳамда қайд этилади. Ахлоқнинг тузилиши ижтимоий ва индивидуал онгга бўлинади. Шу сабабли, умуман, ахлоқий онг бир томондан – муайян жамият ёки синфнинг талаблари, иккинчи томондан – шу талабларни англашнинг индивидуал, шахсий шакли ва уларни амалда намоён қилиш шаклидир.

Ижтимоий ва индивидуал онгнинг теран бирлиги кишининг амалий-моддий фаолияти дастурини ташкил этадиган ҳуқуқ меъёрлари орқали боғланади, меъёрлар ҳақида қуйикроқда тўхталиб ўтамиз.

Ахлоқий онгнинг ҳаракатида меъёрлардан ташқари одатлар ва анъаналар муҳим ўрин тутди. Одат ва анъаналар хулқ қоидалари бўлиб, турмушга мустақкам сингиб кетган ва жуда турғун характердаги бир хил хатти-ҳаракатларга жуда конкрет (киши қандай, қачон қайси тартибда ҳаракат қилмоғи керак ва х.к.) йўл-йўриқлар кўрсатади. Маросимни расмий ҳаракатларнинг муайян тизими сифатида уларнинг кўринишларидан бири дейиш мумкин. Одатлар ёки анъаналар бирор ижтимоий умумийликнинг тажрибаларини тўплаб, малака, одатлари – бир хилда такрорланадиган ҳаракатларни шакллантиради, улар автоматизм характерида бўлиб, маълум даражада кишилар учун зарурдир, чунки бу нарса хатти-ҳаракатларни танлаш жараёнида онгни ортиқча чалғитадиган ишлардан халос қилади. Аммо ҳозирги шароитда одатлар ва анъаналар қадимги даврлардаги сингари “қотиб қолган”, ҳамма ерда “ҳозир у нозир” бўлмай, аксарияти ўзича эмас, балки тартиботнинг бошқа шакллари билан ҳамкорликда таъсир кўрсатади.

Тарихий тажрибалар сифатида сайқал топган одатлар, анъаналарда халқ руҳи, миллатларнинг психик хусусиятлари, даврнинг белгилари ўз ифодасини топади. Улар ҳаётий эҳтиёжлар таъсирида ва уларни қондириш мақсадларида пайдо бўлади ва шаклланади, афкор омма кучи билан қўллаб-қувватланади.

Улар борлиқни акс эттириш ва хулқ мотивининг турли даражалари тарзида доим диалектик боғлангандир. Ахлоқий ҳиссиётлар бўлмаса, шахслар ўртасида чин маънодаги ахлоқий муносабатларнинг бўлиши мумкин эмас. Туйғулар ва ҳиссиётлар инсоннинг ахлоқий ҳаётини тўлақонли қилади, ахлоқий онга ёрқинлик ва турғунлик беради. Ахлоқий туйғулар ва ҳиссиётлар инсондаги ижтимоийликни ички вакиллари дир. Бунда туйғулар – психологик ва физиологик механизмларнинг бирлиги сифатида талқин қилинади. Ахлоқий ҳиссиёт – ижтимоий маъно аниқ кўринадиган, кимгадир ва нимагадир манфаатдорлик муносабати ифодаланган ҳамда фақат инсонгагина хос бўлган турғун субъектив-руҳий кечинмалар дир.

Ахлоқий ҳиссиёт, киши хулқига шунчаки руҳий кўриниш бермайди, балки у табиий “ҳаракат майдони” бўлиб, кишини тажрибада синалган ҳаракатларга, киши иродасини фаоллаштириб ёки сусайтириб, ижтимоий аҳамиятли хулқ йўналишларига отлантиради, хатти-ҳаракатларни маъқуллаш ёки қоралаш ахлоқий мамнуният ёки норозиликни, конкрет фактни қабул қилиш салбий турларга бўлинади (масалан: самимият, раҳмдиллик, ҳамдардлик ва уларга зид бўлган мунофиқлик, хасад, бахиллик, ичқоралик кабилар).

Ахлоқий ҳиссиётлар ўз мазмунига кўра ижтимоий борлиқ, жамият турмушининг инъикосидир. Киши ҳиссиётлари, туйғулари биологик асосларда ташкил топади ва туғма деб қарайдиган нотўғри қарашлар ҳам бор. Маълум ҳиссиётларнинг (масалан, очлик, тўқлик ҳиссиёти кабилар) биологик асослар борлигини эътироф этган ҳолда, биз “иккиламчи” ҳиссиётлар – мутлақ жамият муҳитида шаклландиган ижтимоий ҳиссиётлар мавжудлигини ҳам тан оламиз. Меҳнатдан қониқиш, тежамкорлик,

масъулият ҳисси, ватанпарварлик, жамоачилик, байналминаллик бурч ана шундай ҳиссиётларга мисол бўла олади.

Киши ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, бошқа одамга ёрдам бераётганида, сувга чўкаётган одамни қутқараётганида, ёнаётган уйдан болани олиб чиқиш пайтида ижтимоий проблемалар ҳақида ўйламайди, бирор-бир нарсани мўлжалламайди, мулоҳаза қилиб ўтирмайди. Бундай шароитда одам тезлик билан туйғу ва ҳиссиётлар таъсирида ҳаракат қилади. Унинг психикасида тўпланган тажриба автоматик ҳолда активлашади, бу тажриба туйғу ва ҳиссиётларда кишини фаолиятга ундайдиган куч сифатида намоён бўлади. Киши ҳаётида туйғу ва ҳиссиётларнинг аҳамияти жуда буюк. Биз бошимиздан кечирган, хис қилган ҳамма нарса қалбимизда из қолдиради. Киши руҳининг ажралмас қисми бўлиб қолади. Маълум бир руҳий кўтаринкилик, хис-туйғуларсиз фаолият, ижод қаҳрамонона ишларининг бўлиши мумкин эмас. Гегель айганидек, оламда бирор-бир улуғворлик эхтироссиз воқе бўлган эмас. Инсоний хис-туйғуларсиз ҳақиқатни инсоний излаш ҳеч қачон бўлган эмас, бўлмайди ва бўлиши мумкин эмас. Демак, туйғуларсиз ҳақиқий ахлоқий улуғворлик ҳам йўқ ва бўлмайди.

Аммо хис-туйғулар маълум даражада хатти-ҳаракатнинг аҳамиятини белгилагани билан, ҳамиша ҳам хулқнинг доимий сабабчиси бўла олмайди. Гарчи киши ижтимоий ҳаётдаги қатор ходисаларнинг бевосита таъсиридан тўғри хатти-ҳаракат қилишга, масалан, ижтимоий манфаатларни шахсий манфаатлардан юқори қўйишга тайёр туришга олиб келиши мумкин, албатта лекин у бутун шароитни таҳлил қилиб кўрмаган бўлса, унда **қатъий маслак, ишонч бўлмаса**, унинг бу хатти-ҳаракатини ғайри тасидифий жўшқинлик демасдан бўлмайди. Шу сабабли ахлоқий онгнинг марказий элементи кишида маълум ҳаёт шароитлари ва тарбия таъсирида қарор топган қатъий билимлар ва ахлоқий тартиб-қоидаларга нисбатан барқарор эмоционал муносабатдан иборат бўлган ишончдир. Ишонч хулқ меъёрсини субъектив қабул қилиш далили экалигини назарда тутиб, киши намуна оладиган ахлоқ тўғрилиги ва адолатли эканлигига амин бўлишликка таянади.

Ахлоқий ишонч ўзига рационал ва эмоционал томонларни ифодалаб, ҳарактерга турғунлик беради, шахснинг ахлоқан “зангламаслигига” кафолатни, киши ҳар қандай қийин шароитларда ҳам ўз принципларидан қайтмаслигига ишонишни яратади.

Ахлоқий онгнинг ўзига хос ва айни пайтда энг муҳим элементи **шахснинг ахлоқий сифатларидир**, антик даврда бу сифатлар “фазилатлар” (ижобий сифатлар ва “нуқсонлар” (салбий сифатлар)га бўлинади. Ахлоқий сифатлар – кишининг жамият бойлигига онгли, ихтиёрий муносабатини кўрсатадиган турғун хусусият (белги)ларидир. Бу ахлоқий қиёфадаги шундай белгиларки, улар истак ва ниятларни амалга оширишнинг, эҳтиёжларни қондиришнинг ахлоққа оид усуллари белгилайди. Ижобий ахлоқий сифатлар (масалан, меҳнатсеварлик, камтарлик, хушмуомалалик, эзгулик, самимият, инсоф, андиша сингарилар) шахснинг буюк бойлиги ҳисобланса, салбий сифатлар (хоинлик, ҳасад, дағаллик, иродасизлик, мунофиқлик) унинг нуқсонлари ҳисобланади. “Соф” ахлоқий шунингдек, “соф” ахлоқсиз

сифатлар мутлақо йўқдир. Ўзининг объектив аҳамиятига кўра, ижтимоий баҳолов туйғайли ахлоқли ёки ахлоқсиз, яъни фазилат ва нуқсон деб ҳисобланадиган ахлоқий сифатлар бор холос.

Шундай қилиб, юқорида кўрганимиздек, ахлоқий онг жуда серқиррадир. У ўзида ижтимоий ҳаёт амалиётсида шаклланган меъёрларни, одоб қоидаларини, одатларни, анъаналарни, ахлоқий хис-туйғуларни, ахлоқий ишонччи, шахс ва маълум ижтимоий группа учун типиклашган сифатларни, ҳаётнинг маъноси ва мақсадига кишиларнинг қарашларини, идеалларни, ахлоқий бойликлар ҳақидаги мулоҳазаларни ифодалайди. қисқача, ахлоқий онг, умуман, онг сингари, ўзига ижтимоий психологияни ва идеологияни қамраб олгандир. Бунда ахлоқий қарашлар, кишининг тушунча ва тасаввурлари, яъни ахлоқнинг этикавий-фалсафий томонлари биринчи ўринда туради. Акс холда ахлоқ инсоният тараққиётининг илк босқичларида юз бергани каби стихияли юз берадиган ижтимоий инстинктларнинг зиддиятли комплексидан иборат бўлиб қолган бўларди.

Ахлоқнинг мазмуни ақлий ва ҳиссий моментлардан, яъни ахлоқий онгдангина иборат эмас. Ахлоқий онг кишиларнинг кундалик хатти-ҳаракатларида, уларнинг хулқида, кишиларнинг амалий ҳаётида намоён бўлади. Шу сабабли ахлоқнинг иккинчи элементи – ахлоқий амалиётдир. Ахлоқий амалиёт – ахлоқий онг ходисалари (мотивлар, ниятлар, дунёқараш, ахлоқий қадр-қиммат, эдеаллар ва ҳоказолар)да намоён бўладиган, амалга ошадиган хулқни, сон-саноксиз хатти-ҳаракатлар, алоқа-муносабатларни ахлоқий мақсадларга онгли бўйсундиришдир; кишининг ижтимоий ҳаётнинг турли томонларига: меҳнатга, жамоага, оилага, қариндошларга, дўст-биродарларга муносабати, фан, санъат, маданият соҳасидаги фаолияти, шунингдек, кишининг ўзи гувоҳ бўлган ёки қатнашаётган кундалик ҳаёт воқеаларига муносабатигина эмас, балки жамиятнинг шахсга, шунингдек шахснинг табиатга ва ўз-ўзига муносабати ҳам ўз ифодасини топади.

Ахлоқлилиқ, хулқ – ахлоқий амалиётга қараганда торроқ тушунча. Хулқ – кишининг онги ва иродаси билан белгиланадиган ахлоқий хатти-ҳаракатларнинг йиғиндиси, ахлоқий тизимдир. Кишиларнинг ахлоқий муҳитини яратишда катта роль ўйнайди. Хулқнинг бирлиги, биринчи элементи – *хатти-ҳаракатдир*. Хатти-ҳаракат, мотив, кишининг ижобий ёки салбий қимматга эга бўлган муайян ижтимоий аҳамиятли натижага олиб келадиган конкрет фаолиятдир. Жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий талабларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий кўринишлари хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Ахлоқ, онг ва фаолият бирлиги тарзида, яхшилиқ ва ёмонликнинг, адолат ёки адолатсизликнинг, виждонлилиқ ёки виждонсизлик ва шу қабиларнинг охириги натижалари тарзида кўринадиган хужайра-бу хатти-ҳаракатдир.

Хатти-ҳаракатлар тўғридан-тўғри фаолият қилишдангина иборат эмас. Улар фаолиятсиз-сукут, пассивлик, лоқайдлик ёки бўлмаса имо-ишора, қилиқ, қараш, оҳанг тарзидаги муносабатларда ҳам ифодаланиши мумкин.

Хулқда кишининг хатти-ҳаракатларида унинг ички маънавий дунёси, фикри, туйғуси, интилишлари, одатлари акс этади. Шу сабабли хулқ ва

хатти-харакатларга қараб биз ўз мулоҳазаларимизни билдира оламиз. Маълумки, бир ҳаракатнинг ўзи яхшилик, ҳам ёмонлик тариқасида баҳоланиши мумкин. Албатта бундай ҳолда иккала баҳо ҳам тўғри бўлавермайди. Ахлоқий баҳолаш нотўғри, субъектив бўлмаслиги учун муайян жамиятда фақат бирдан-бир мумкин бўлган ахлоқий муносабатларнинг объектив мезонига таянмоқ керак.

Бошқа кишилар манфаатларига дахлсиз бўлган, **“мен”**нинг ижтимоий негизига ҳам тегмайдиган “соф индивидуал” фаолият ахлоқий жиҳатдан “бетараф”дир. Айтайлик, киши балконда ўсаётган гулларга сув қуйди. Бу ҳаракат ахлоқий ҳам эмас, ахлоқсизлик ҳам эмас. Мабодо бу киши бемор ётган, гуллари қаровсиз қолган қўшнисининг гулларини суғурса, тамоман бошқа гап. “Бетараф” хатти-харакатлар бошқа кишининг, жамиятнинг, манфаатлари билан дахлдор бўлган чоғда ахлоқан баҳоланадиган маънога эга бўлади. Кишиларнинг хатти-харакатлари, ўз-ўзидан эмас, балки ижтимоий ҳаётининг бир бўлаги учун яхшилик ёки ёмонликдан иборат бўлади. У ёки бу фаолиятни ахлоқ соҳасига киритиш учун шу фаолиятни ниманинг ҳаққи-хурмати учун амалга оширилганлигини кўрсатадиган, яъни кишининг ўз ҳаракатларига субъектив муносабатини ифодалайдиган **ахлоқий мотив** бевосита мавжуд бўлиши керак. Хулқнинг мотивлари ижобий бўлиши ҳам, салбий-бўлиши ҳам мумкин ёки нуфузга эришиш, хизмат вазифаларига кўтарилиш ниятлари ва бошқа шу каби факторлар уни бу ишга отлантирган мотив бўлиши мумкин...

Сиртдан қараганда тўғри иш қиладиган бўлиб кўринса-да, аммо бу ўзининг шухрати, обрўси, фойдасини кўзлаб қилинаётган ҳаракатдир.

Бундай хатти-харакатларини ахлоқий деб бўлмайди. Биз таркибида эгоистик мотивлар бўлган ҳар қандай хатти-харакатларни, гарчи у объектив жиҳатдан ижобий натижалар берган бўлса-да қоралаймиз. Бирор-бир ҳаракат юксак ахлоқий мақсадлар ва ҳар қандай эгоистик мўлжаллар (мен бундан нима наф кўраман)дан холи амалга оширилса, бу ҳаракат ахлоқий бўлиш билан бирга гўзал ҳамдир.

Хатти-харакатларнинг ахлоқийлик даражаси ҳамиша **онглилик даражасига** боғлиқ. Гипноз таъсирида, ҳуши ўзида бўлмаган (ақлдан озган) ҳолатда қилинган ҳаракатларни ахлоқий деб бўлмайди. Бахт саодатга, адолатга, мўлжалланган мақсадга онгли интилишдан маҳрум бўлган ва бу мақсадга етиш учун иродани ишга солишни назарда тутмайдиган хулқни биз чин ахлоқийлик деб тамомила ихтиёрий (яъни киши юксак ахлоқий ҳаракатларни қандайдир бир сиқув, мажбурият таъсирида ёки ўз эркига зид ҳолда бўлмаган ва ўз-ўзини мажбур этиш натижасида эмас, балки бошқачасига ҳаракат қилишни истамагани учун эркин бўлиб) юзага чиққан хулқина ахлоқий қийматга эгадир.

Ахлоқий хулқ фақат *эркин танлаш учун шароит* бўлган, индивид ўзини мустақил шахс тариқасида намоён қиладиган, онгли равишда ўз олдига мақсад кўядиган ва ўз хатти-харакатларининг оқибатларини олдиндан кўра оладиган ҳолатдагина намоён бўлиши мумкин. Фақат мана шундай хатти-харакат учунгина киши ахлоқан жавобгар бўла олади. Мажбур қилувчи

кучлар таъсиз кўрсатадиган, кишининг эркинлиги ҳеч нарсага – нолга тенглаштирадиган шароитларда кишиларнинг ахлоқий фаолиятига ўрин бўлмайди.

Шахснинг хулқида унинг ўз-ўзини ахлоқий англаши, унинг мавжуд ижтимоий муҳитнинг ахлоқий талаблари ҳақидаги тасаввурлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Аммо хулқ меъёрлари ҳақидаги тасаввурлар, билимлар билангина кишилар хуш ахлоқли бўлиб қолавермайди.

Шундай қилиб, ҳар қандай хатти-ҳаракат, хулқ ва фаолият ахлоқий бўлавермайди. Ахлоқий амалиёт деганимизда шахснинг бошқа кишиларга муайян муносабати ифода қилинадиган хатти-ҳаракатлар ва хулқ кўзда тутилади, бунда, албатта, шахс ижтимоий манфаатларини жамиятга онгли муносабатда бўлиши, хулқида албатта ахлоқий мотив мавжудлиги ва ниҳоят, ахлоқий заминда маълум даражада эркинлик, ҳеч бўлмаса хатти-ҳаракатни танлаш эркинлиги бўлиши лозим. Қисқача *ахлоқий онглилик, ижтимоийлик ва фуқароликнинг энг олий ифода мезонидир*. Бу талаблар бўлмаса, ахлоқий хулқни, ахлоқий хатти-ҳаракатларни ижтимоий ҳаётнинг мураккаб соҳалари мажмуидан ва уни бошқариш усулларида ажратиб олиш мумкин эмас. Бу талаблар бўлмаса, умуман ахлоқий амалиётнинг бўлиши мумкин эмас.

Ахлоқнинг учинчи структура элементи ахлоқий муносабатдир. Ахлоқий муносабатлар – усткурма тартибдаги ҳодиса ва Ижтимоий муносабатдаги таркибий қисмдир. Ижтимоий муносабатларнинг ҳар қандай тури сингари, ахлоқий муносабатлар ҳам ахлоқ меъёрлари билан чекланган кишилар, гуруҳлар, шахс ва жамият ўртасидаги муайян боғланишлар системаси терзида мавжуд. Шунга асосан, ахлоқий муносабатлар ўз шаклига кўра эпизодик (маълум бир шароитда кишилар ўртасида пайдо бўладиган, масалан, фалокатга учраган одамга ёрдам кўрсатиш) ва турғун (жамоа), жамиятнинг ҳақиқий ахлоқий ҳолатини кўрсатадиган муҳим белгидан иборат турларга бўлинади. Аммо ахлоқий муносабатлар – бу фақат боғланишлардангина иборат бўлмай, айти пайтда меъёрий асосга эга бўлган ўзаро таъсирни, шунингдек кишининг, умуман, бошқа одамлар, жамият олдидаги бурчларини ҳам ўз ичига олади. Ахлоқий муносабатлар, одатда дастлаб стихияли моддий муносабатлар асосида шакллана бошлайди, сўнгра эса тараққий қилган сайин моддий муносабатлардан ҳосила тариқасида англана бориб, мафкуравий муносабатлар соҳасига киритилади. Ахлоқий муносабатлар кишиларнинг иродасидан ташқари пайдо бўлиб, ахлоқ меъёрларининг қарор топиши, афкор омманинг қўллаб-қувватлаши жараёнида, албатта кишилар онги орқали ўтади.

Ахлоқий муносабатлар ўз мазмунига кўра ё *бошқарув* (регулятив) ёки қўриқлов вазифаларини бажаради. Бошқарувчи ахлоқий муносабатлар муайян жамиятнинг меъёрлари талабларига мувофиқ ҳолда юзага келади улар мажбурият-вазифаларга дахлдордир. қўриқловчи ахлоқий муносабатлар шу меъёрларни бузувчи хатти-ҳаракатлар юз бериши натижасида пайдо ва ижтимоий таъсир чораларини амалга оширишни таъминлайди. Демак, ахлоқий муносабатларнинг субъекти якка шахслар, группалар, синфлар партиялар, давлатлар ва ҳ.к. бўлсин, бари бир ҳамиша одамлардир. Фақат

одамлар ва ижтимоий ходисаларгина эмас, балки табиат ва унинг элементлари ҳам ахлоқий муносабатларнинг объекти бўла олади.

Ижтимоий муносабатларнинг бошқа турларидан фарқ қилиб, ахлоқий муносабатларда ҳамиша ва ҳамма жойда ахлоқий меъёрлар ёки баҳолар таъсири кўриниб туради. Улар ахлоқий фаолият, хулқ, хатти-ҳаракатларда, атрофдаги ижтимоий борлиққа нисбатан ахлоқий таъсир кўрсатишда юзага чиқади. Ахлоқий муносабатлар миллий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа муносабатлардан фарқ қилиб, фақат, танҳо ўзи қўлланиладиган соҳага эга эмас. Чунки ахлоқий муносабатлар, одатда ижтимоий муносабатлардаги, кўринишлардан алоҳида томонлари сифатида юзага чиқади. Бошқача қилиб айтганда, улар кишилар ижтимоий фаолиятини ҳар қандай кўринишларига у ёки бу даражада “киритилган”, улар хозиру, аммо ижтимоий фаолиятга сингиб кетмайди. Ахлоқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг муайян бир томони бўлиши уларнинг ўзига хослиги, юқорида таъкидлаганимиздек, киши фаолиятини ўзига хос усулда белгилаб, хатти-ҳаракатларни лузумий қилиб, ўзининг ахлоқий баҳони ифодалашдан иборат хусусиятини йўққа чиқармайди. Ахлоқий баҳо бўлган жойда зарурий тарзда кишининг у ёки бу ходисаларга ахлоқий муносабатлари ҳам бўлади. Ахлоқий муносабатларнинг баҳоловчи характери билан бирга императив, йўналтирувчи характерга эгаллиги ҳам унинг ўзига хос белгисидир. Ахлоқий муносабатларда кишиларнинг фаолияти ва хатти-ҳаракатлари, улар муносабатларининг ахлоқий-амалий ифодаси сифатида асосий ўрин тутаяди. Айни пайтда ахлоқий муносабатлар бошқа ҳамма мафкуравий муносабатлар сингари мустақилдир.

Шундай қилиб, ахлоқий муносабатлар ахлоқнинг элементи сифатида, биринчидан, ижтимоий муносабатларнинг бошқа турлари билан, иккинчидан, мураккаб бир бутунликни ташкил этадиган ахлоқнинг бошқа элементлари билан чамбарчас боғлиқ. Ахлоқнинг ҳаётбахш кучининг мезони ахлоқий муносабатлардир. Ахлоқ меъёрлари ахлоқий муносабатларнинг ифодасидир, агар ахлоқ меъёрлари ўз натижалари – ахлоқий муносабатлардан ташқари мавжуд бўлганда эди, ўзининг ижтимоий ахамиятини йўқотган бўлар эди. Шундай қилиб, ахлоқнинг барча томонлари бир-бирини тақозо этади ва бир-бирини белгилайди.

Аммо ахлоқнинг барча томонларидаги мустаҳкам боғланиш улардаги фарқларни, хатто зиддиятларни ҳам йўққа чиқармайди. Масалан, ахлоқий муносабатлар ахлоқий онг синовдан ўтказган хулқ меъёрларининг амалиётда мустаҳкамланиш шакли бўлиб, мавжуд ҳодиса тариқасида намоён бўлади. Ахлоқий онг эса фақатгина мавжуд ахлоқий ходисаларгина эмас, шу билан бирга лузумий ходисаларни ҳам ифодалайди. Худди шу сабабли улар бир-бирга мос келмайди. Улар ўртасидаги зиддиятга келганда эса, бу зиддиятлар қадимдаёқ сезилган эди. Файсасуфлар эса уларни ҳаётнинг ҳамда киши хулқининг такомиллашмаганлиги деб тушунтиришга уринган эдилар. Уларнинг баъзилари эса (**Платон, Кант, Гегель**) ахлоқнинг турли томонларидаги зиддиятларни бартараф қилиш учун истак-орзулар такомиллаштиришни, баъзилари эса (Спиноза, Гельвеций, Чернишевский)

умумий бахт-саодатга эришув учун шахсий манфаатларни ақл талаблари билан мувофиқлаштириш ва ҳ.к. ни таклиф этган эдилар. Амалда мавжуд ахлоқий муносабатлар билан расман талаб қилинадиган ахлоқ меъёрлари ўртасидаги зиддиятларнинг объектив асоси хусусий мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш муносабатларидир. Бундан ташқари, ахлоқий онгнинг ўзи ахлоқдаги ўзгарувчан ва нисбатан барқарор томонларни, умуминсоний ва ахлоқдаги ўзгарувчан ва нисбатан барқарор томонларни, умуминсоний ва ижтимоий ва шахсий томонларни акс эттирганлиги сабабли ичидан зиддиятлидир.

Ахлоқ тизимини ва таркибий қисмларининг таҳлилидан сўнг унга қуйидагича **таъриф** бериш мумкин: *Ахлоқ – тарихан вужудга келган ижтимоий ходиса бўлиб, киши хулқини бошқариш вазифасини бажарадиган, бир-биринини талаб этадиган ва белгилайдиган элементлар – ахлоқий онг, ахлоқий амалиёт ва ахлоқий муносабатларнинг мураккаб бирлигидир.* Ахлоқнинг бундай таърифи уни фақатгина маънавий соҳага оид ходиса тарзида эмас, балки ижтимоий онгнинг алоҳида шакли сифатида ва айни пайтда ижтимоий амалиётнинг жуда муҳим томонларини қамраб оладиган ходиса тарзида қараш имкониятини беради. Ахлоқ ахлоқий онг соҳаси билангина чекланганда эди, у қандайдир “нарса ўзида” бўлиб қолган бўларди. Ахлоқни ташкил этадиган компонентлар – меъёрлар, муносабатлар, ахлоқий амалиёт муайян тарихий базисни, яъни жамият ҳаётининг иқтисодий асосида вужудга келадиган ижтимоий устқурманинг таркибий қисмини ташкил этади.

Ахлоқнинг асосий қонуни.

Ахлоқни асосий қонунини таҳлил этишдан олдин “қонун” деган тушунчани таърифини келтирайлик. **Фалсафа. қомусий луғатнинг 479-бетида қонун тўғрисида қуйидаги сатрлар битилган: “қонун объектив олам нарса ва ходисалари ўртасидаги алоқадорликнинг шакли, бирор бир нарсанинг зарурий равишда пайдо бўлишини ифодаловчи Тушунчанинг “зарурий мавжудлик қондаси:, шунингдек инсоннинг жамиятдаги Хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи йўл-йўриқ, қоидалар йиғиндиси (ахлоқий ва ҳуқуқий қоидалар).**

Ахлоқнинг асосий қонунига биз ҳеч иккиланмасдан яхшилик ва ёмонлик тушунчасини киритишимиз мумкин. Фикримизни исботлашга ҳаракат қиламиз: Яхшилик ахлоқий хатти-ҳаракат ёки унинг белгисини биз ахлоқнинг белгисини, ахлоқнинг барча тушунчаларида кўрамиз: Масалан, эзгуликда, адолатда, виждонда, ор-номус, шаън-шанвакат, кадр-қимматда, бурчда, ҳаётни маъносида, муҳаббатда, инсоннинг ахлоқий масъулиятида, яхшилик ахлоқий белгиси на фақат тушунчаларда, шу билан бирга тамойилларда (принципларда) ҳамда намоён бўлади: Масалан, Ватанпарварликда, байналминалликда, миллатпарварликда, тинчликсеварликда, жўмардликда ҳамда яхшиликни кўрамиз.

Яхшилик 400 га яқин ҳам ижобий ҳам салбий ахлоқий меъёрларнинг ижобийларида: одамийлик, ростгўйлик, ҳалоллик, ҳушмуомалаликда, камтарликда ва ҳоказоларда кўришимиз мумкин. Яхшилик ахлоқни

англашда, муносабатларда, амалиётда ҳам намоён бўлади. Биз бу ҳақда алоҳида тадқиқот ва ўз фикрларимизни баён этамиз.

Ахлоқнинг асосий категориялари (тушунчалари).

Ҳар бир фан ўз категориялар тизимига эга; категорияларнинг мазмуни инсон онгининг ўрганилаётган нарса моҳиятига қай даражада кириб борганлигини кўрсатади. Категория (лотинча) – таъриф, хулқ, тушунча. Фалсафий фикр тарихида категорияларни жамлаб ўрганишга биринчи марта киришган олим Арастудир. Ахлоқ категориялари, унинг турли маъноли томонларини ва функцияларини ифода этган ҳолда, структурали ҳамда субстанционал бўлиши мумкин. Структурали категориялар ахлоқни ташкил этувчи компонентларнинг ички алоқадорлиги жиҳатдан характерлайди. Улар: ахлоқий меъёр, тамойил, баҳо, идеал, қарашлар, эътиқодлар, хиссиёт, одатлар, феъл-атвор, хатти-ҳаракат хулқ муносабат ва шунга ўхшашлардир.

Улар ахлоқни жамият билан шахс ўртасидаги муносабатлар мазмунининг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан характерлайди. Бундай категорияларга муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, ор-номус, шаън-шавкат, қадр-қиммат, бахт, ҳаётнинг маъноси кабилар киради.

Муҳаббат ва Нафрат.

Муҳаббат бош мезоний тушунча сифатида деярли барча асосий тушунчаларда ва тамойилларда ўз “ҳисса” сига эга. На эзгуликни, на яхшиликни, на ватанпарварликни, на инсонпарварликни муҳаббатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўтган маърузаларнинг баъзиларида биз бу тушунчанинг моҳияти, турлари ҳақидаги Илоҳий Огустин, Имом Ғаззолий, Эрих Фромм сингари мутафаккирлар фикрларини келтирган эдик. кўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, у – инсонни ташқи ва трансцендентраль олам билан боғловчи, уни ёлғизликдан олиб чиқадиган буюк куч. Муҳаббат объекти доимо гўзаллик, манфаатсиз гўзаллик. У-Оллоҳми, Ватанми, ёрми – муҳаббат эгасига унданда гўзалроқ нарса йўқ. айна пайтда бир объектни севган киши бошқа объектларни ҳам севмаслиги мумкин эмас. Дейлик. Ёрга бўлган ҳақиқий муҳаббатни инкор этмайди, аксинча, барқарор қилади. Зеро “ўз-ичига”, якка, “худбин” муҳаббатнинг бўлиши мумкин эмас. Инсон ўзи ўзгага айланганида, ўзгани-ўзига айлантира олганида ҳақиқий муҳаббат эгаси ҳисобланади. Мана шу объект билан субъект орасидаги фарқнинг йўқолиши энг буюк, энг мукаммал лаззатдир. Буни мавлоно Фузулий ниҳоятда гўзал қилиб, бир байтда шундай ифодалайди:

Ишқдир ул, нашаъи комилким, андандир мудом

Майда ташвири ҳарорат, найда таъсири садо.

Комил нашаъи комил лаззатга фақат комил инсонгина эриша олади. Демак, муҳаббат инсон ахлоқий ҳаётининг чўққиси, комиллик белгисидир. Шу боис ҳақиқий муҳаббат эгалари ёшлар томонидан доимо ахлоқий идеал тарзида қабул қилинади : Фарҳод ва Ширин, Ромео ва Жульетта, Отабек ва Кумуш в.х.

Шуни таъкидлаш лозимки, муҳаббат – олий туйғу, шу маънода у олий тушунча.

Муҳаббат ҳам, ахлоқшуносикнинг кўпгина тушунчаларидек, “жуфтлик” хусусиятига эга, унинг зидди – нафрат. Нафрат тушунчаси, албатта, муҳаббат сингари кенг қамровли эмас. У аксил муҳаббат тарзида намоён бўлган объективдан четлашиш, ундан бегоналашишини тақозо этади. Ҳазар, жирканч ҳисси нафратнинг кундалик турмушдаги тор, „майда“ кўринишдир. Нафратнинг уларга нисбатан “йириклиги” унинг ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлишидир. Айни пайтда, бу тушунча ғазабдан кескин фарқ қилади. У, ғазабга ўхшаб, ўз объектини йўқотишга интилмайди, ундан фақат юз буради. Кўринишдан, нафрат қилишида ёқимсиз таассурот уйғотса-да, аслида у асосан иллат эмас, ахлоқий фазилат сифатида инсоннинг виждонлилигидан, ботиний жасоратидан далолатдир.

Нафратдан ташқари яна рашк тушунчаси борки, у – ижтимоий ҳодиса эмас, фақат жинсий муҳаббат билан ёнма-ён келади. Маълумки, муҳаббат эгаси ўз севгилисини қизғаниб, асраб қолишга ҳаракат қилади. Ана шу қизғаниш ҳисси меъеридан ошиб кетганда рашкка айланади. Рашк эса, уни қанчалик таъриф-тавсиф қилмайлик – меъернинг бузилиши, иллат.

Эзгулик ва Ёвузлик категорияси

Мезоний тушунчалар орасидаги яна бир жуфтлик – эзгулик ва ёвузлик, эзгулик ахлоқшуносикдаги энг асосий категориялардан. У инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатади – Тангри иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоён бўлади. “Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу аъмол” учлиги “Авесто” дан тортиб, барча муқаддас китобларда етакчи воситадир. У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади. Уни синфийлик ёхуд партиявийлик қобиғига ўраш мумкин эмас. Чунончи “синфий душманни”, яъни бирор бир шахсни ёки гуруҳни бошқа синфга мансуб бўлгани учун жисман йўқотиш, қанчалик бўяб-бўжалмасин, эзгулик бўлолмайди. У том маънодаги ёвузликдир. Шу боис тоталитар тузумларда эзгуликни бундай талқин этишнинг ноилмийлиги, соҳталиги ҳозирги кунда ҳамма аён.

Эзгулик ва унинг зидди ёвузлик одатий, кундалик ҳаёт мезонлари билан ўлчанмайди, улар ҳам муҳаббат сингари қамровли ва ижтимоийлик хусусиятига эга. Эзгуликнинг ахлоқий идеал билан боғлиқлиги ҳам шундан. Шу туфайли у амалиётда қахрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик сингари тамойилларни ўз ичига олади.

Шуни ҳам айтиш керакки, муҳаббат ва нафрат жуфтлик тушунчасида нафрат муҳаббатни инкор этмай, аксинча, унинг барқарорлигидан далолат берса, эзгулик ва ёвузлик жуфтлигида ҳар икки тушунча бир-бирини тамомила инкор этади. На фақат инкор этади, балки улар орасида ҳаёт-мамот кураши кетади ва бу кураш тарзида абадий кураш сифатида, оламни ҳаракатга келтирувчи куч тарзида намоён бўлади.

Эзгулик ва ёвузлик яна бир ўзига хос томони шунчаки, бу жуфтлик тушунча инсон фаолиятини баҳолаш хусусиятига эга. Уни одам боласининг улуғлиги ва тубанлигини ўлчайдиган муқаддас торозуга ўхшатиш мумкин. Инсоннинг комиллиги, жамиятнинг такомилга эришган-эришмагани шу мезон билан ўлчанади.

Эзгулик ва ёвузлик ҳақида гап борганида, яхшилик ва ёмонлик нима, бу икки жуфтлик мазмунан бир эмасми, деган савол туғилади. Бу табиий. Чунки ҳозиргача бизга маълум ўзбек тилидаги барча ахлоқшуносликка доир адабиётларда эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчалар сирасига киритилмаган у бор йўғи яхшилик ва ёмонликнинг синоними тарзида тақдим этиб келинган. Тўғри, яхшилик тушунчаси кўпгина унсурлари эзгуликдан, эзгуликнинг баъзи унсурлари яхшиликдан жой олишини инкор қилиш мумкин эмас. Уларнинг зиддида ҳам шундай “сингишиб кетиш” мавжуд. Лекин бундай далиллар асло мазкур икки жуфтликни айнанлаштиришга асос бўла олмайди. Улар орасида ижтимоий қатъий фарқ мавжуд: эзгулик, юқорида айтганимиздек, ижтимоий хусусиятига эга, яхшилик эса ундай эмас у асосан шахсий одобига, хулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса. Зеро унда, мардлик, очикқўнгиллик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар тажассум топади. Бироқ у қахрамонлик, жасорат, ватанпарварлик каби тамойиллар даражасига кўтарила олмайди. Мисол тариқасида буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг фаолиятини олайлик. У сурункасига ижодий меҳнатга умрини бағишлади, халқи учун, халқлар учун “Ҳазойин-ул-маоний”дек, “Ҳамса”дек буюк асарлар яратди. Бу эзгулик – абадий, зеро Навоий асарлари миллионлаб одамларга юзлаб йиллар мобайнида завқ – шавқ улашиб, комилликка чорлаб келмоқда. Айни пайтда, у кўплаб яхшиликлар қилди – муҳтож одамлага қарз берди, берган қарздан кечиб юборди в.х. Унинг бу яхшиликлари, ажойиб ижобий ҳодиса бўлгани ҳолда, ўткинчилик хусусиятига эга, ажойиб ижобий ҳодиса бўлгани ҳолда, ўткинчилик хусусиятига эга, шунингдек, қахрамонлик ҳам, буюк жасорат ҳам, ватанпарварлик ҳам эмас. Демак, яхшиликни йирик ижтимоий ҳодиса – эзгулик билан айнанлаштириш тўғри эмас.

Бу икки жуфтликни яна бир фарқли томони шундаки, эзгулик ҳеч қачон ёвузликка айланмайди, ҳар қандай замонда, ҳар қандай шароитда ҳам ёвузлик бўлиб қолаверади. Яхшилик ва ёмонлик эса бундай эмас: бирор объектга қилинган яхшилик бошқа ҳар бир объект учун ёки яхшилик қилган субъект учун ёмонликка айланиши мумкин. Машҳур ўзбек халқ эртақларидан биридаги овчилар қувиб келаётган бўрини қопга яшириб, қутқариб қолган деҳқоннинг ҳолатини бунга мисол сифатида келтириш мумкин: бўри ўзига яхшилик қилиб ўлимдан қутқарган одамни емоқчи бўлади, ҳайриятки тулки деҳқоннинг жонига оро киради.

Адолат категорияси

Адолат бу – тенгсизликнинг ҳаққоний ва тақдирлашнинг зарурий ўлчовидир. Мазур категорияни назарий таҳлил қилишг, унинг моҳиятини тушунтиришга, келиб чиқишини очиб бериб, жамият ҳаёти билан боғлашга уринган биринчи мутафаккир Сократдир. У адолатни “қонун га мувофиқ хулқ” деб талқин қилган эди. Бошқа этика категориялари сингари у ҳам ўзининг йиғиндиси билан ахлоқни ҳосил қиладиган энг муҳим алоқа ва муносабатларни акс эттириш воситаси бўлиб хизмат қиладди. Лекин адолат кишиларнинг ўзаро муносабатларини шунчаки қамраб олавермайди, балки

шахс ва ижтимоий бирликнинг реал иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ҳолатини қайд қилади. Адолат яхшилик категорияси каби, ижтимоий муносабатларнинг ҳамма томонларига даҳлдордир. Яъни айрим кишилар, синфлар, гуруҳларнинг жамият ҳаётида ўйнаётган роли билан уларнинг ижтимоий аҳволи ўртасидаги, қилмиш қидирмиш (жиноят ва жазо) ўртасидаги, кишининг кадр – қиммати билан унинг тақдирланиши ўртасидаги, ҳуқуқ билан мажбурият ўртасида ўзаро муносабатларнинг диққат-марказига олади. Бу муносабатлардаги мутаносибликнинг бузилишини ахлоқий онг адолатсизлик деб баҳолайди.

Адолатнинг бошқа категориядан фарқли суратда, кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий ўзаро муносабатларининг бошқарувчиси сифатида ўзига хос хусусияти қуйидагиларда кўринади: у тақдирлаш ва талаб қилишнинг миқдорий ўлчовидир, у асосан баҳо категорияси ҳисобланади, яъни ундаги объективлик мезонига риоя қилиш билан чамбарчас боғланган баҳоловчи ҳолат унинг бошқа акс этишидан устун келади; адолат бошқа этика категорияларидан фарқли ўларок, ижтимоий онгнинг икки шакли: ҳуқуқ билан ахлоқни боғловчи муҳим тушунчадир. Этика ва ҳуқуққа оид таълимотлар тарихида адолат мутлақ ҳуқуқий категория деб қаралганлиги (Спиноза, Гоббс, Гегель) бежиз эмас. Лекин адолат, гарчи унинг ижтимоий ҳуқуқий томони бўлса ҳам, аввало этика категорияси бўлиб қолади, чунки халқ оммаси томонидан ижтимоий ва ахлоқий зулмга қарши-курашда ҳосил бўлган элементар умуминсоний талаблар: ҳаёт ва шахсий дахлсизлик, қариликда муҳофазаланиш, инсоний кадр-қимматни сақлаш ҳуқуқи ва бошқалар биринчи навбатда мана шу адолат категориясидан ўрин олган. Худди шу категория тақдирлаш ва шахсий бахт-саодатнинг ҳаққоний мезони сифатида майдонга чиқади. “Адолат бу – инсон табиий ҳуқуқларининг мезонидир”, деб таъкидлаган эди, файсуфлардан бири. Адолат тушунчаси ҳуқуқ вужудга келишидан анча олдин пайдо пайдо бўлган ва ижтимоий бебошлиқдан шахснинг ахлоқий қафолати сифатида майдонга чиққан. Кейинчалик юзага келиб давлат тасдиқлаган ҳуқуқ адолатнинг энг оддий талабларини ёқлаб чиқишга мажбур бўлган, чунки адолат қонунларга ҳеч бўлмаса маълум даражада амал қилинмаса жамиятнинг яшаши мумкин эмас эди. Адолат ҳуқуқий муносабатлар соҳасида (ҳуқуқ яратиш ва ҳуқуқни жорий қилиш фаолиятида) катта аҳамият касб этади. Бу категория ҳуқуқ меъёрсининг муҳим ижтимоий-этикавий мезони сифатида майдонга чиқади. Адолат ва ҳуқуқ бир-бирларига ўзаро таъсир кўрсатади, кўпинча адолатнинг этикавий ва ахлоқий аспектлари шу даражада чамбарчас қўшилиб кетадики, баъзи ҳолларда бу категориянинг соф этикавий аломатлари йўқолиб кетгандай бўлади. Лекин бу нарса адолатни ҳуқуқий категория дейишга асос бўлмайди. Муайян ахлоқ тизимида қабул қилинган кишининг ахлоқий бурч ва мажбуриятлари тушунчасига мос келадиган хатти-харакатлар адолатли ҳисобланади.

Бурч категорияси.

Бурч. Бурч тушунчасини этикага Демокрит олиб кирган деб ҳисобланади. У мазкур тушунчани инсон ҳаракатининг ички мотиви билан

боғлайди ва эътиқод билан қилинган хатти-ҳаракатларни бирмунча ахлоқий ҳисоблаб, киши ўзини “қўрқиш туфайли эмас, балки бурч иси туфайли ножўя ҳаракатлар қилишдан тийиши” кераклигини уқтиради. Бурч категорияси шахснинг жамиятга ёки кишиларга бўлган ахлоқий мажбуриятини ифодалайди; бу объектив мавжуд жамият талабларини бажаришнинг ички маънавий зарурати, ижтимоий бахт-саодат эҳтиёжлари тақазо қиладиган муайян хулқ-одоб заруратидир. Бурч категориясида инсон ахлоқий борлигининг ижтимоий характери тўла намоён бўлади, унда ахлоқнинг жамият ўз аъзоларининг ҳар бирига маълум талаблар қўйишини ифодаловчи буюрувчи характер касб этади, асосий ҳаракатга ундовчи, хатти-ҳаракатни танлашдаги ҳал қилувчи мотив бўлиб майдонга чиқади. Бироқ шахс бурчни автоматик равишда бажармайди. Бурч ҳамиша хатти-ҳаракатнинг сабабларидан бири сифатида намоён бўлади, лекин бошқа категориялардан фарқ қилароқ у хатти-ҳаракатга ундовчи энг кучли рағбат тарзида юзага чиқади.

Инсоннинг бурчини англаши, уни ҳис қилиши жуда қадимдаёқ вужудга келган бўлса-да, лекин у кейинчалик этика тизимларида ифода этилган назарий умумлашмалардан хийла фарқ қилади. У даврлардаги бурч ҳисси чуқур англолмаган, инстинктив равишдагина англолган бўлиб, инсонни табиат билан яккама-якка курашида ожизлигини ифодалар эди. Жамоага нисбатан бурчдорликни бурчга онгли хизмат қилиш деб ҳисоблаб бўлмас эди, мажбуриятларни бажариш ўз-ўзини англаш туфайли эмас, балки одат кучи орқали амалга оширилди. Бурч ҳақидаги озми – кўпми шаклланган тасаввурлар уруғчилик тузуми ва шахс қарор топиши жараёнинг ниҳоясига етиши даврида пайдо бўлади. Инсон ибтидоий жамият билан алоқасини узар экан, айна вақтда бурчни англай боради, бу эса ахлоқий тушунчаларда ўзгариш бўлишига олиб келади, ахлоқий тараққиётнинг янги босқичига пойдевор қўяди. Кишилар ўз ихтиёрлари билан, онгли суратда жамоа олдидаги бурчга риоя қила бошлайди. Жазодан қўрқиш, жамоа обрўсини тан олиш сари ўсиб боради. Жамоа билан биргалик ҳисси, ўз муваффақиятлари жамоанинг қўллаб қувватлашига боғлиқ эканлиги англаш хатти-ҳаракатларини жамиятда қарор топган тамойил ва меъёрларга мослаш ва меъёрларга мослаш учун ички эҳтиёжни туғдиради. Жамият талабларини маъқуллаш, уларни тан олиш шу тарзда ҳосил бўлади. Бурч категориясининг асосий хусусияти ва айрим белгиси мажбуриятни англаш ҳисобланади.

Ор-номус (шаън-шавкат)

ва кадр – қиммат категорияси.

Биринчи марта ор-номус ва кадр-қиммат категориялари Рим мутафаккирлари-Сенека, Эпиктет ва Марк Аврелий томонидан ишлаб чиқилган. Улар ор-номус ва кадр-қиммат энг юқори инсоний фазилатлардир, уларсиз ҳаёт маъносини йўқотади деб ҳисоблаганлар. Стоиклар учун ўз-ўзини ўлдириш ор-номус ва кадр-қимматсиз яшашдан афзалроқдир. “Инсон туғилса ёки ўлса, ўз пулларида, уйдан махрум бўлса, - дейди Эпиктет, - бу аянчли эмас, чунки буларни ҳаммаси инсонга хос эмасдир. Агар инсон

Ўзининг хақиқий мулкини – ўз инсоний кадр-қимматини йўқотса, ана бу ачинарли ва аянчлидир”.

Ор-номус ва кадр-қиммат бошқа ахлоқий категориялар билан бир қаторда шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, кишиларнинг хулқига таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мазкур категорияларнинг моҳиятини тўғри тушунишнинг калити асосий ахлоқий масалани – шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабати масаласини илмий асосда ҳал этишдадир.

Ор-номус категорияси инсоннинг жамиятдаги ўз қимматини англашнинг ҳамда бу қимматнинг жамият томонидан тан олиншини ифодалайди. Ор-номус ахлоқий тушунча сифатида инсонда шахснинг ижтимоий аҳамияти ва ахлоқ қиммати ҳосил бўладиган фазилатларнинг, яъни жамият бахт-саодати ва унинг тараққиёти учун зарур бўлган фазилатларнинг мавжудлигини кўрсатади. “Ор-номус” тушунчасида шахснинг қиммати инсоннинг жамиятдаги конкрет аҳволи билан, фаолият тури, жамият ҳаётидаги унинг аҳамияти ва ундаги ахлоқий хизматларнинг тан олинishi билан боғлиқдир. Жамиятнинг бир зарраси бўлган ҳар қандай одам ижтимоий баҳодан четда қолиши мумкин эмас. Ор-номус категорияси инсонни муайян кишилар бирлиги билан алоқасини кўрсатади ва уни фуқаро сифатида характерлаб берди.

Ор-номус тушунчаси шахсий кадр-қимматни англашнинг ўз ичига олади. Бу ахлоқий тушунчалар бир-бири билан узвий алоқада ва кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшайди. Ор-номус сингари кадр-қиммат ҳам инсоннинг ўз-ўзига муносабатини ва унга жамият томонидан бўладиган муносабатни очиқ берадики, уларда ахлоқий баҳо ва инсоннинг ўз-ўзига баҳо бериши ифодаланadi. Кадр-қиммат инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатда ва шахснинг ўз хулқини тартибга солишида ор-номус сингари ижобий роль ўйнайди. Лекин ор-номусдан фарқли ўлароқ кадр-қиммат индивидуал ўз-ўзига баҳо бериш сифатида асосан ахлоқли инсонни ўз ахлоқий қимматини англаш эҳтиёжи билан боғлиқдир (кадр-қиммат инсоннинг ижтимоий хизматларини инкор этмайди, албатта). Ор-номус бўлса энг аввало, гарчи инсондаги ўз ахлоқий қимматини англаш эҳтиёжини инкор этмасда шахснинг ижтимоий аҳамияти ва жамиятдаги хизматларига бериладиган баҳога таянади. Мазкур категориялар объектив-субъектив тартиб сифатида бирлашган ҳолда ижтимоий гуруҳ, бутун инсониятнинг вакили бўлган инсоннинг ахлоқий қимматини белгиладиган эталон тарзида намоён бўлади. Ор-номус ва кадр-қиммат шундай юксак фазилатлардирки, уларни эгаллаш учун ҳар бир инсон ҳаракат қилади, лекин киши ўзида фақат ижобий хусусиятларни онгли равишда ривожлантириши ва тарбиялашигина унга нисбатан атрофдагиларнинг ҳурматини уйғотади. Инсоннинг ўзи мазкур хусусиятларнинг аҳамиятини англаб етиши эса унда ўз-ўзига ҳурматни туғдиради. Ўз-ўзини ҳурмат қилиш, кадр-қимматни сақлаш, атрофдагиларнинг ҳурматини йўқотмаслик, ўз шаънига доғ туширмаслик учун ўз-ўзини назорат воситаси сифатида майдонга чиқади. Ор-номус ва шахсий кадр-қиммат фақат ҳурмат, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, фахр, шуҳрат

хисси сифатидагина эмас, балки хулқ характери сифатида ҳам намоён бўлади. кадр-қиммат ҳақиқий, яъни муносиб ва сохта, яъни номуносиб бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда жамоатчилик фикри киши (унинг бошқаларга қилган яхшилиги учун, жамиятга сарфланадиган кучи учун) ҳаққоний ҳурмат билдиради, иккинчи ҳолда эса бундай ҳурмат (масалан, киши жамоатчиликини алдаб, ижтимоий-фойдали ишда жуда кам иштирик қилгани ҳолда, ўзида бурч ва виждон ҳисси бўш бўлса-да, ўз ҳаракатларини бўяб кўрсатгани учун) ноҳаққоний, сохта бўлади.

Виждон категорияси

Виждон термини дастлаб стоикларда вужудга келган.

Виждон – инсоннинг ўз хулқини муайян ахлоқ меъёрлари нуқтаи назардан туриб ахлоқий баҳолаши ва назорат қилиши, ўз хатти-ҳаракатларини ва бу хатти-ҳаракатларга боғлиқ бўлган хис-туйғуларни, кечинмаларни ўзи таҳлил қилишидир. Виждонга қисқача қилиб лузумий нарса олдидаги масулият хисси деб таъриф бериш мумкин.

Виждон ҳар бир инсоннинг ичкий, қалбий, ҳаками деб ҳам юритилади.

Виждоннинг табиати ҳақидаги масала азалдан мутафаккирларни қизиқтириб келади. Виждон нима, у ҳамиша ҳам мавжуд эдимиз, бу тушунча фақат инсонгагина хосми, ҳамма кишиларда ҳам виждон бир хилми, виждонни тарбиялаш лозимми, бу ҳодиса абадий яшайдими? Бу саволларга философлар турлича жавоб бердилар. Платондан бошлаб, виждонни ғоялар дунёсига мансуб дейдилар. Уларнинг фикрича, виждоннинг манбаи реал оламга боғлиқ бўлмаган абсолют руҳда, ғоялар дунёсида бўлиши мумкин. Бошқа ахлоқий категориялар сингари виждон ҳам барча давр мутафаккирлари томонидан нимаси биландир “абадий”, “ўзгармас” деб эълон қилинди. Кант виждон ўз ҳолича вужудга келмаган сергаклантирувчи туғма руҳий кучдир, деб ҳисоблайди. “Бизнинг руҳимизда яшовчи қонун виждон деб аталади, - деган эди Кант. - Шахс яшаш шароитидан қатъий назар ўзида виждон хиссини қандайдир ҳосил қилинадиган, эгаллаб олинадиган нарса эмас, ахлоқий мавжудот бўлган ҳар бир инсонда худонинг вакили сифатида виждон туғма мавжуд бўлади ва у бизнинг ичимизда туриб ҳукм чиқаради”. Кант назарида виждон туйғуси келиб чиқиши жиҳатдан априор характерга эга.

Виждон категориясига катта аҳамият берган Гегель Кантдан фарқли ўлароқ, уни объектив руҳнинг маҳсули дейди. У биринчи марта виждонни муайян жамиятда мавжуд ахлоққа боғлиқ эканлиги нуқтаи назаридан ўрганишга ҳаракат қилди, бунда у инсоннинг ҳақиқий ва формал виждонини бир-биридан фарқлади. Ҳақиқий виждон жамият ахлоқига тўла мос келади ва унинг моҳиятини ўзида ифода этади, формал виждон эса ўта индивидуал бўлганлигидан жамият ахлоқига мос келмаслиги ва қарама-қарши келиши ҳам мумкин; фақат ҳақиқий виждонгина ахлоқийдир, деган эди Гегель. Гегелнинг виждон проблемасига ёндашишини, унинг бу масала юзасидан Кант ва Фихтелардан кескин танқид қилганлигига юксак баҳо бердилар. Лекин Гегель бундан нари бормади. У умуман ахлоқни ғоя сифатида талқин

этиб реал муносабатларни сохталштирган холга, муносабатларни сохталаштиришган холда виждон категориясини ўзича тушунтирди.

Ахлоқий идеал категорияси

Ахлоқий идеалда мавжуд ҳаётдаги инсонга, воқеликка реал, мавжуд, ҳаётдаги ходисалар қиёсланади, яъни бор нарса йўқ нарса билан ўлчанади. Зеро идеал ҳаётда мавжуд бўлиши мумкин эмас – бу ҳаммага аён гап. Бунинг устига, идеал ҳозирги замонда ҳам, келажакда ҳам бўлмайди, унинг мавжудлик шартини ўтган замон. Лекин, шунга қарамай, инсон идеал сари интилади, ўз ҳаётини унга қиёслаб унга тақлид қилади. У инсон ҳаётидаги энг олий ахлоқий талабки, унинг бажарилиши шахсни комилликка етказди. Албатта, ҳаётда бундай бўлмайди, лекин инсон ана шу комилликни ўзига намуна билиб, идеалга интилиб яшаши жараёнида нисбий комилликка эришади.

Дунёвий идеал билан, тўғрироғи, ижтимоий-ахлоқий идеал билан диний идеал, бир қараганда, ўхшашдек кўринса-да, аслида кескин фарқ қилади. Чунончи, мусулмонлар учун Муҳаммад Алайҳиссалом, насронийлар учун – ҳазрати Исо, яхудо динидагилар учун – ҳазрати Мусо идеал ҳисобланади. Улар идеал сифатида ҳеч қачон ўзгармайди, боқий. Ижтимоий-ахлоқий идеаллар эса ўзгариши мумкин ва кўп ҳолларда ўзгариб туради. Масалан, шўролар даврида ўша тузум асосчиси Ленин – энг юксак ахлоқий идеал сифатида талқин этиларди ва кўпчилик томонидан шундай қабул қилинарди. Ҳозир эса “Куч – адолатда!” деган шиорни ҳаётининг маъноси деб билган буюк аждодимиз Амир Темур кўпчилик томонидан ижтимоий-ахлоқий идеал, адолатли давлат раҳбарининг идеал тимсоли тарзида қабул қилинади. Демак, муайян тузум талабларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-ахлоқий идеаллар ўзгариши мумкин. Идеал умуман, инсоният жамиятида, шахс ҳаётида ижобий, ёруғ маёқ вазифасини ўтаб келмоқда, бундан кейин ҳам унинг асосий вазифаси шундай бўлиб қолажак. Чунки идеал ҳар бир инсон ўз бахтининг ҳиссиётли ирфодасини кўради, ҳаётнинг маъносини унга қараб интилишда деб билади.

Бахт категорияси.

Этика ҳаётнинг маъноси муаммосини муҳим ахлоқий категория бўлган бахт категорияси билан боғлайди; ҳаётнинг катта маъноси бўлмаса, ҳақиқий бахтнинг бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Кенг маънодаги бахт инсон ҳаётининг умумий баҳосидир. Бахт категорияси бошқа этикавий категорияларда фарқли ўлароқ, у энг бой конкрет мазмун билан тўладир. Унда, яхшилик категориясига қарама-қарши равишда, бирмунча кенг умумийликни акс эттирувчи алоҳидалик энг ёрқин ифодасини топган.

Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Грециянинг кўпгина файласуфлари бахтни хузур-ҳаловатнинг ўзига хос ҳолати, бузилишни билмайдиган мутлақ осойишталик деб қараганлар. Улар роҳатга ҳам, азобга ҳам бефарқ муносабатда бўлишгина кишини бундай ҳолатга олиб келади, деб таълим берганлар. Арасту қуллик кўпчилик кишиларнинг табиий ҳолати деб ҳисоблаб, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўз бахт мезонига эга бўлади деган.

Бахтнинг ўзи эса, мутафаккирнинг фикрича, оқилона фаолиятдан, ақлга мувофиқ келадиган фазилатлардан иборат. Файласуфлар орасида скептиклар ўта кетган нуқтаи назарни ёқлаб чиқадилар. Улар “атараксия” – батамом хотиржамлик тарафдори эдилар. Скептикларнинг идеали – “апатия” (лоқайдлик) эди.

Қадимги замон файласуфлари аскетизмни ҳаётининг неъматлардан воз кечиш сифатида инкор этиб, дунёвий бахтни ёқлаб чиқдилар улар бахтни бузук ҳаётдан эмас, балки оқилона яшашдан баҳра олиш деб қарадилар, ҳар нарсада, шу жумладан овқат ва кийимда ҳам нафсни тийиши ва мўтадилликни талаб қилдилар. “Ақл эҳтирос устидан ҳукмрон бўлиши керак” деган эди Демокрит. Бундай турмуш тарзи саломатликка ёрдам беради, инсонни ижтимоий жараёнларга қизгин муносабатда бўлишга мажбур этади, бахтсиз ҳодисалар бахтсизликнинг асосий сабабчиси, ҳар қандай ижтимоий ёвузликнинг манбаи деб, унга кескин қарши чикди.

Этика фани бахт масаласини ҳал этишга жамият ҳаётининг ҳамма томонлари ва ҳодисаларини ҳисобга олиб туриб, конкрет тарихий нуқтаи назардан ёндошади: ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузум, ҳар бир гуруҳ бахтни ўзича тушунади. “Умумий инсон” бўлмаганидек, “Умумий бахт” ҳам бўлмайди. Бахт тушунчасининг ривожланиши жамият тараққиёти билан узвий боғланган, у жамият ҳаётида содир бўладиган ўзгаришларга мувофиқ равишда янги мазмун билан бойиб боради. Мутлоқ бахтнинг бўлиши мумкин эмас. У ҳам худди эҳтиёжлар сингари доим ўсиб, ривожланиб боради. Агар бахтнинг мазмуни ҳар қандай шароитда ҳам ўзгармай қолганида эди, бу ҳақда ҳеч қачон ва ҳеч ерда мунозара бўлмас эди. Бахт масаласи билан шуғулланган француз утопик-социалисти Ш. Фурье фақат Римнинг ўзида ўша вақтгача бахт нима эканлиги ҳақида 278 та бир-бирига қарама-қарши фикр борлигини ҳисоблаб чиққан. Иккинчи томондан бахт категорияси тарихий тараққиёт давомида сифат жиҳатидан янги маъно ва мазмун билан бойиб боради.

Бахт бу инсоннинг ўз ижодий кучларининг тўлиб-тошиб ётганлигидан, уларнинг ижтимоий ва шахсий мақсадда қўлланилишидан юксак даражада маънавий қониқиши ва бу туйғунинг англаб олинишидир.

Ҳаётнинг маъноси категорияси.

муаммолар

Ахлоқий-этикавий муаммолар орасида яшашдан мақсад ва ҳаётнинг маъноси ҳақидги, инсоннинг тақдири ва вазифаси ҳақидаги, киши ҳаётининг махфий сирлари ва мураккаблиги ҳақидаги масала марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳаётнинг маъноси муаммоси – бу инсон ҳаётининг фаолиятининг умумий йўналиши тўғрисидаги масаладир. Ҳаёт беъмани бўлмаслиги учун нима қилмоқ, қандай яшамоқ керак деган саволга жавоб излаш ҳар бир кишининг диққат марказида бўлиб келган ва туради, ахир киши ниманидир ўзгартириш учун ва шу билан бирликда ўзини бундай ўзгартиришга қобил шахс сифатида қарор топтириш учун дунёга келган. Турли давр ва замонлардаги турлича фалсафий йўналишларнинг тарафдорлари бу муаммони ҳар хил талқин этдилар. Этика тарихида инсон

хаётининг маъноси ҳақидаги, инсоний яшашнинг қувончлари ҳақидаги таълимотнинг яратувчиси Эпикур ҳисобланади. У ҳаётнинг маъносини донишмандликда кўради, донишмандлик кишини ақл-идрок билан билиб олинган табиатга ва беҳуда хоҳишларни рад қилиб ҳосил бўладиган рухий осойишталикка мувофиқ тарзда яшашга ўргатади, деб ҳисоблайди. Ҳаётнинг маъноси муаммосига қадимги файласуфлар катта эътибор бердилар. Хусусан, улар инсон ҳаётининг аҳамияти ва бир томонга йўналтирилганлиги ҳақидаги тасаввурларни кескин танқид қилиб, айрим файласуфларга қарама-қарши ўлароқ, ҳаётнинг маъноси ва инсоннинг заминдаги мақсад ва вазифаси ютуқларига, хузур-ҳаловатга, бахтга, муваффақиятларга эришишдир деб ҳисоблайдилар.

Ҳаётнинг маъноси ва яшашдан мақсад, гарчи бир-бири билан мустаҳкам боғланган бўлса-да, лекин улар бир хил маъноли тушунчалар эмас, чунки инсоннинг ҳаёти қандайдир эзгу мақсад амалга оширилмай қолганлиги билан ўз маъносини йўқотмайди. *Ҳаётнинг маъноси – бу ҳаётнинг бутун бош йўлидирки, конкрет мақсадлар ана шунга боғлиқ бўлади, яъни мақсадларни белгилаб берадиган йўналишидир. Мақсад инсон онгида объектив дунёнинг, унинг риволаниш тенденцияси ва қонуниятларининг инъикосидир. У объектив воқеликни инсон амалий фаолияти натижасида унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондира олувчи бўлажак ҳолати образидан иборатдир.* Инсон ўз олдига ўзи мақсад кўяди, лекин мақсадлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки уларни инсоннинг турмуш тарзи тақазо қилади. Ҳаётнинг маъноси – унинг инсон онгидан қатъий назар мавжуд бўладиган объектив мазмундир. Агар мақсад инсон интиладиган нарсани кўрсатса, ҳаётнинг маъноси унинг буни нима учун қилишини айтади. Ҳаётининг маъноси ва ҳаётдан мақсад ё бир-бирига уйғунлашиб кетиши ёки бир-бирига зид келиши мумкин. Лекин қандай бўлишидан қатъий назар улар диалектик бирликда мавжуддир.

Агар киши ўз олдига “мен бу дунёда кимман ва унга нима янгилик киритаман, уни нима билан бойитаман, менга ўтмишдаги ва ҳозирги барча авлодлар томонидан муҳайё қилинган ҳаёт шодликларини нима билан қайтараман” деган савол қўймаган бўлса, унинг ҳаётини беъмани ҳаёт деб бўлмайди. Инсон ўзининг ижтимоий табиатига кўра амалий мавжудотдир, демакки, у ўз олдига мақсад ва вазифаларни кўяди, аммо бусиз у ҳайвонга айланади. Инсон ўз ҳаётининг оқилона асосини ва вазифасини, ўз камолотини истиқболларини, бутун фаолиятини кўра билиши, англаши ва тушуниши керак. Агар мақсадни ошириш йўлида инсон бирон-бир ўтиб бўлмас тўсиққа учраса, у ўз ҳаётини маънодан маҳрум бўлмаслиги учун умумий ҳаётга йўлига мувофиқ келадиган бошқа олижаноб мақсадларини кўяди. Бунда кўзланган мақсадлар қанчалик олижаноб, юксак бўлса, ҳаётнинг маъноси шунчалик теран ва аҳамиятлироқ бўлади.

Ахлоқнинг асосий тамойилари.

Улар жамият томонидан шахсга қўйиладиган талаб тарзида намоён бўлиб, инсоннинг ахлоқий моҳиятини унинг ҳаёти мазмуни, одамлар билан ўзаро алоқаларидаги асосий жиҳатларини белгилаб беради. Натижада

тамойиллар, инсон ҳатти-ҳаракатининг умумий йўналишини кўрсатган ҳолда, кўпгина ахлоқий меъёрлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқий тамойиллар энг қадимий ва энг муҳимлардан бири – **инсонпарварлик**. У – инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини белгилайдиган ва барқарор этадиган ғоялар, қарашлар ва эътиқодлар мажмуи, шахс эрки, кадр-қиммати, унинг бахтли бўлиш ҳуқуқини талаб этиш имконияти мавжудлигини енгилмас ишонч. Инсонпарварларлик тамойилини, Оврўпа Уйғониш мутафаккирлари дастлаб илгари сурганлар, деган фикр мавжуд. Аслида, инсонпарварлик даставвал Шарқда ўртага ташланган, инсонийлик инсонпарварлик деган маънони билдирувчи “намлулу” сўзи бундан 3-4 минг йиллар аввалги қадимги Сомирмих хатларида учрайди.

Инсонпарварлик – умумийсоний қадриятлар сирасига киради. Уни шўролар давридаги синфийлик нуқтаи назаридан сохталаштириш пролетар диктатураси ва тоталитар социалистик тузум ҳамда улар ижодкорларининг инсонпарварлиги ҳақидаги афсоналар жуда қисқа умр кўрди. Социализм мафкурачиларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ўша даврлардаёқ ноилмомийлиги, ёлғонга суғорилганлиги билан кишиларнинг ғашини келтирган эди. Ҳар бир шахс инсоний ҳуқуқларини таъминлаш учун курашиш – мана, инсонпарварликнинг асосий вазифаси. Бу борада умумбашарий маънавий қадриятларни устувор деб билган бизнинг давлатимиз ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам дунё микёсида кўзга кўринарли ишлар қилмоқда.

Агар инсонпарварлик тамойили шахснинг барча инсоний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясида турса, яъни анча кенг қамровли ва умумий интилиш бўлса, эрқпарварлик тамойили унинг маълум маънода муайянлашган бир қисми ҳисобланади. эрқпарварлик инсоннинг энг олий ҳуқуқи – эркин, озод яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиши билан муҳимдир. Зеро эрксиз инсон – асир, эрксиз миллат – қул, эрксиз мамлакат – мустамлака. Эрқпарварлик, аввало, ўз миллати ўз Ватани эрки учун, қолаверса, бошқа миллатлар ва ватанлар эрки учун курашни ҳаётининг мақсади қилиб кўйган инсонлар тамойилидир. Айни пайтда, бу тамойил кенг ижтимоий сиёсий маънода ҳам қўлланилади. Буни эрқпарвар давлатлар фаолиятида кўриш мумкин.

Одатда, эрқпарвар шахслар муайян даврнинг қаҳрамонларига айландилар. Зеро улар ўзгалар учун ўз эркини, ўз ҳаётини қурбон қилишдан ҳам чўчимайдилар. Бунинг ёрқин мисоли инглиз мумтоз шоири Жорж Байрон сиймосидир. У инглиз бўлатуриб ўз Ватани Англияда Ирландия озодлиги, ирландлар эрки учун курашга отланди, Италияни Австрия истибдодидан озод қилиш ҳаракатининг раҳбатларидан бирига айланди.

Италиядаги озодлик ҳаракати мағлубиятга учрагач, у қадим Юнонистонни Туркия зулмидан озод қилиш учун курашди. У Юнонистондада, ботқоқлик ёнидаги Миссолунги шахрида оғир безгақдан вафот этди. Унинг ўлими ҳам истибдодга қарши шиорга айланди: „Байрон учун“ деган жангавор ҳайқириқ билан жангга отилдилар. Беназир, Юнонистоннинг озод қилинган қисми генерал-губернатори, эрксевар кўмондон ва улуғ инсон хотирасига юнон халқи йигирма бир кун қора кийиб,

мотам тутди. Ҳамма черковларда Байрон ҳаққига ибодат қилинди. Дарҳақиқат, эркпарварлик тамойилини ҳаётининг маъноси деб билган инсонпарварнинг маънавий умри боқий, улар келажак авлодлар учун идеал бўлиб қоладилар.

Энг маълум ва машҳур тамойил, бу – ватанпарварлик. У инсоннинг ўз Ватанига муҳаббатини, уни асраб-авайлашга бўлган иштиёқини англатувчи ахлоқий тушунча. Уни кўпинча Ватан душманларига қарши маънавий-мафкуравий курул сифатидагина талқин этадилар.

Аслида эса, бу тамойилнинг қамрови анча кенг – у инсонпарварликнинг нисбатан муайянлашаган шакли. У, энг аввало, ўз ватандошлари эркини асраш учун кураш, инсон озодлиги йўлидаги хатти-ҳаракатлардир. Ватан ҳимояси, бу – инсон ҳимояси, миллат ҳимояси. Лекин бу ҳимоя, юқорида айтганимиздек, фақат жанг майдонида эмас, балки барча соҳаларда намоён бўлади. Ҳар бир соҳада Ватан эришган муваффақиятлардан қувонч, муваффақиятсизликлардан қайғу ҳиссини туюш, Ватан билан ғурурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, биносининг ҳар бир ғиштига, қадимий обидаларига, илм-фан ва санъатдаги ютуқларига меҳр билан қараш, уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш – булар ҳаммаси ватанпарварликдир.

Ҳозирги пайтда ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, уларни Ватан маъносини теран англаб етишга ўргатиш, ватанпарварлик – юксак ахлоқий тамойил, бу – миллатпарварлик. У маълум маънода, ватанпарварлик тамойилининг янада муайянлашган шакли. Зеро миллатни севиш кенг маънода Ватанни севиш дегани. Ватансиз миллатнинг бўлиши ёки расмона эркин ва бахтли яшаши мимкин эмас.

Лекин миллатпарварликни миллатчилик билан қориштириб юбормаслик лозим. Миллатчилик ўз миллатини ажратиб олиб, унга буюклик мақомини беришга интилиш бўлса, миллатпарварлик, бошқаларни камситмаган ҳолда, ўз миллати равнақи учун кураши, бу йўлда, лозим бўлса, ўз ҳаётини ҳам фидо қилиш демакдир. У инсонпарварлик билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки ўз миллатини чин дилдан севмаган одам ҳеч қачон бошқа миллатларни сева олмайди.

Асл миллатпарвар – миллий ўзлигини англаб етган инсон. У ўз миллати билан фахрланади, ўз миллати билан бутун жаҳоннинг фахрланишини истайди. Чунончи, Навоий дўппи билан тўн кийган ўзбекни ҳар қандай шоҳ жамолидан афзал кўради :

Шоҳу тожу хилъатеким, мен томоша қилғали

Ўзбеким бошида қалпоқ, эгнида шардоғи бас

Лекин Навоий шу фахрланиши, ғурурланиши баробарида ўзгаларга кибр билан қараган эмас, аксинча, ўзга тил вакили бўлмиш Жомийга бағоят ҳурмат-иззат кўрсатиб, унга, пирим деб қўл берган.

Аслида миллатпарвар инсонларнинг умри миллатнинг умри каби мангудир. Миллат йўлида ўз жонини тиккан Мунаввар қори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон сингари минглаб фидоийларни ҳам ҳалқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Шунингдек, тинчликпарварлик, жўмардлик сингари ахлоқий тамойиллар ҳам инсоният ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, тинчликпарварлик урушнинг, қон тўкишнинг ҳар қандай кўринишини инкор этади. Баъзи улуғдавлатчилик ва буюкмиллатчилик руҳи ҳукмрон бўлган жамиятларда тинчликпарварлар қувғин қилинади, турмаларга ташланади. Лекин улар ўз тамойилларидан ҳеч қачон қайтмайдилар. Улар инсониятни барча бахсли масалаларини тинч йўл билан ҳал қилишга чақирадилар, Ер юзида тинчлик ўрнатиш учун тинимсиз кураш олиб борадилар. Жўмарлик тамойили эса Шарқда қадимдан мавжуд. Оврўпада уни альтруизм номи билан Огюст Конт илмий муомалага киритган. У кишида ўз қавмдошига ачиниш ҳиссидан, унга бахт ва фаровонлик тилаш туйғусидан келиб чиқади, моҳиятан беминнат ҳайрияга асосланади. Бундан ташқари, бизнинг миллий ахлоқшунослигимизда ўзбекчилик, меҳмондўстлик каби тамойиллар мавжуд. Улар миллатимизнинг энг яхши анъаналарига садоқат туйғусидан келиб чиқади ва ўзбек кишисига хос бағри кенглик, дўстга, меҳмонга борини бағишлангандек фидоийлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Айни пайтда, бу тамойилларни суистеъмол қилиш ҳоллари ҳам ҳозирги пайтда тез-тез учраб туради. Шунга қарамай, ўзбекчилик ва меҳмондўстлик тамойиллари халқимизнинг ўзига хослигини таъкидлайди. Жаҳоннинг жуда кўп халқлари бу тамойиллар эгаси бўлмиш ўзбек миллатига доимо эҳтиром, ҳавас ва ҳайрат билан миннатдорчилик билдиради.

Инсон ҳаётида ахлоқий меъёрлар ҳам катта аҳамиятга эга. Улар тамойилларга нисбатан анча содда, умумлашган, тор қамровли. Уларни кундалик ҳаётимизда маълум ахлоқий тамойилларнинг амалга ошиш мурватлари ҳам дейиш мумкин, улар ҳалоллик, ростгўйлик, ҳушмуомалалик, боодоблик, камтарлик сингари меъёрлар айниқса, диққатга сазовор. Шунинг ҳам айтиш керакки, ҳалолликни унинг дастлабки тор диний мазмунида-қайси таом ҳаром-у, қайсини ҳалол, деган маънода тушунмаслик лозим. У аллақачон умуминсоний маъно касб этган меъёрга айланган. Ҳалоллик, ростгўйлик виждон тушунчаси билан боғлиқ, инсоннинг ўзига муносабатини ўзига муносабатидек соф бўлишини талаб этувчи меъёрлардир.

Ҳушмуомалалик ва одоблилик кўполликнинг, кибр-ҳаво, мақтанчоқлик, кеккайиш ва атрофдагиларни менсимасликнинг тескариси сифатида майдонга чиқади. Ҳушмуомалалик – бу кишиларга бўлган ички ҳурматнинг ташқи аломатларидир. Ҳушмуомалалик сиполик ва мулойимлик билан ҳамоҳанг бўлиши, деярли сезилмаслиги керак. Бу эса одоблилик ҳисобланади. Ҳушмуомалалик ва одоблиликнинг кўринишларидан бири яхши манерага эга бўлишдир. Манералар – (манера французча-усул, ҳаракат тарзи) – ўзини тутиш усули, хулқнинг бошқа кишиларга муомала қилишнинг ташқи шакли, шахснинг ўзини муносиб равишда тута билишида, яъни конкрет вазият (ишда, жамоат жам жойларда, уйда меҳмондорчилик ва ҳоказо) га мос тарзда ҳайрихоҳлик, боодоблик ва эҳтиром кўрсатишида намоён бўлувчи этикет элементларидир. Агар манера инсон ички маданиятининг ташқи кўриниши бўлса, одоблилик – тарбия кўрганлик ёки

кўрмаганликнинг конкрет шаклда намоён бўлиши, меъёрни, чегарани, мувофиқлик ва номувофиқликни билишдир. Инсоний муносабатларнинг серқирралиги ва мураккаблиги туфайли ҳушмуомалалик ва одоблилик баъзан самимий очик чехралилик, баъзан эса зарурий вазминлик, баъзида бирмунча совуққон муомала тарзида кўриниб ранг-баранг эмоционал бўёққа эга бўлади. Лекин ҳушмуомалалик ва одоблиликнинг турлича эмоционал кўриниши киши кадр-қимматини ерга уришга қаратилмайди.

Ҳушмуоамалалик ва одоблилик хулқ меъёрлари сифатида ҳушмадгўйлик ва тилғламачиликка ҳеч бир алоқаси йўқ, ҳушмуомалалик ва одоблилик кишининг маънавий маданиятини акс эттиради: “Бизда ҳушмуомалаликдан ҳам кўра қимматга тушадиган ва кадр-қиммати баланд бошқа нарса йўқ”, - деб ёзган эди Сервантес. Ҳушмуомалалик аломатларидан аввало жамият турмуши қодаларига ва интизомга риоя қилишни таъкидлаш керак. Интизомсиз киши камдан-кам ҳушмуомала бўлади. Ҳушмуомалалик ва одоблилик, бошқа кўп нарсаларда ҳам, хусусан, танишлар билан саломлашиш одатида, эзгу иш қилишда, сипогарчиликда, нутқ маъданияти, камтаринликда, бошқанинг шаъни ва кадр-қимматини эъозлай билишда, яқин кишиларгагина эмас, балки унча таниш бўлмаган, ҳаттоки бутунлай бегона кишиларга ҳам ёрдам беришга шайликда ва ҳоказоларда намоён бўлади. Ҳушмуомалалик, ҳушниятлиликда бошқа кишиларга нисбатан ҳурматда намоён бўладиган инсонийликнинг ўзгинасидир. Шунинг учун ҳам ҳақиқий ҳушмуомала, сипо, боодоб киши ҳамма одамлар билан бўладиган муомалаларда боодоб киши ҳамма одамлар билан бўладиган муомалаларда уларнинг ижтимоий мавқеи ёки бошқа устунликларидан қатъий назар (ахлоқ меъёрларини атайлаб бузувчи кишилар бундан мустасно) тенг ва илтифотли бўлади. Ҳушмуомалаликка амал қилган киши ҳаммаша ва ҳар қандай ҳолатда кишилар билан одоб доирасидан чиқмасдан мулоқатда бўлади, ўзидан ёши катталардан огоҳ ва уларга нисбатан эътиборли бўлади, жисмоний куч талаб қиладиган ишда хотин-қизларга самимий ёрдам кўрсатади, уларни ҳимоя қилади, уларга жой бўшатиб беради ва ҳоказо. Ҳушмуомалалик ва одоблилик хотин-қизлар ва кексалар бор жойда ялпайиб ўтиришга имкон бермайди, чунки у доим цивилизация хотин-қизлар билан муомала қилиш гўзаллигидан бошланишини солиб туради.

Ҳушмуомала одам ҳеч қачон бошқа кишини ноқулай аҳволга солиб қўймайди, унинг мулоҳазаларига баҳо беришда одобсизлик қилмайди, ундан ўзининг устунлигини асло пеш қилмайди, агар у кимнингдир айтган гапига қўшилмаса, ўша кишини фикри нотўғрилигига боодоблик билан ишонтиришга, буни исботлашга ҳаракат қилади, лекин қўполлик кўрсатмайди, чунки қўполлик, дағаллик ҳушмуомала кишига асло мувофиқ эмас.

Факатгина табиий ҳушмуомалалик, одоблилик, киши ташқи маданиятининг, одобининг муҳим жиҳатларидан бири бўлган яхши манералар ва уларнинг амалда кўриниши яхши муомала йўсинининг, оҳангининг белгилари ҳисобланади.

Жамият ҳаётида ҳалоллик ва ростгўйлик сингари ахлоқ меъёрлари

ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳалоллик ва ростгўйлик шахс ахлоқий софлигининг кўзгусидир. Унда кишининг ахлоқий эътиқоди ҳам, мотивлари ҳам, хатти-ҳаракатлари ҳам, худди ойнадагидек акс этиб туради. Ҳалоллик шахс фикри ва хатти –ҳаракатларидаги ахлоқий барқарорлигининг синтези бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг кўпгина қатламларида кишининг ижобий сифатлари, яъни ростгўйлик, содиқлик, самимийлик, кўнгли очиклик, дангаллик, принципиаллик ва шу кабилар орқали намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳалоллик – бу хатти-ҳаракат ва хулқнинг тўғрилиги, сўзида қатъий принципиал туриш ва унга содиқ қолишдирки, бу хислатлар инсоннинг чуқур ғоявий эътиқодидан келиб чиқади.

Инсонни кўп ахлоқий жафога дучор қилувчи, икки юзламачилик, адолатсизликнинг туғдирувчи ҳар қандай ёлғонга, алдоқчиликка, ноҳақликка, бўҳтонга нафрат ҳалолликнинг муҳим аломатидир. Халқ ичида қадимдан “Ёлғон қалбни кемиради”, деган гап бор. Ҳалоллик, аксинча, кишига улкан ахлоқий қониқиш бахш этади. Шунинг учун энг зарур хулқ меъёрларидан ҳисобланади. Ҳалоллик ажралмас мотив бўлиб хизмат қилмаган ҳақиқий ахлоқий хатти-ҳаракатнинг бўлиши мумкин эмас. Ростгўйлик ҳалолликнинг муҳим шаклларида бири сифатида ҳақиқатни гапиришга, ўзининг ҳам ўзгаларнинг ҳам кадр-қимматини тўғри баҳолашга, нуқсонларини чин дилдан очик-ойдин тан олиш ва қоралашга, яъни ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам ҳақиқий аҳволни яширмасликка бўлган ахлоқий эҳтиёж тарзида юзага чиқади. Ёлғон билан очикчалик ҳам бир хил маъно англатмаганидек ростгўйлик билан очикчалик ҳам бир хил тушунча эмас. Очикчалик – бу кўргазмали ростгўйликдир, чунки унинг учун ҳақиқатнинг моҳияти эмас, балки унинг кўриниши муҳим. Сурбетлар ҳам, вайсақилар ҳам, ёлғончилар ҳам очик бўлиши, очикча гапириши мумкин, лекин улар бу билан ҳеч қачон ҳалол бўла олмайдилар.

Ҳалоллик ва ростгўйлик ижтимоий зарурият тақозоси бўлиб, жамиятнинг ахлоқий меъёрларига ҳамда ижтимоий турмуш қоидаларига онгли ва ихтиёрий амал қилиш талабини қондиришга кишиларнинг кундалик алоқалари ва ҳамкорлигида бир-бирларининг эҳтиёж, талаб ва истакларини тушунишига, ўзаро ишонч ва ўзаро ёрдамларига хизмат қилади. Ҳалоллик ва ростгўйлик, жамият ва шахсларнинг ижобий тараққиётида биринчи даражали ахлоқий омилдир.

Улардан ташқари яна ахлоқнинг содда табиатлилиқ, камтарлик, одамийлик, вазминлилиқ, сабр-тоқат, вафодорлик ва шунга ўхшаш ҳозиргача ахлоқ фанига таснифлаштирилмаган 200 дан ортиқ ижобий, 200 дан ортиқ салбий меъёрлар мавжуд. Инсонлар ҳаётида, жамиятда ахлоқий меъёрларнинг роли беқиёсдир.

Таянч иборалар :

Ахлоқий онг, ахлоқий муносабат, ахлоқий фаолият, яхшилиқ ва ёмонлик, ахлоқ идеал, бахт, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, ҳаётнинг маъноси, адолат, виждон, бурч, ор-номус (шаън), кадр-қиммат ватанпарвалиқ, фидоийлик, эркпарварлик, тинчликпарварлик, муомалалилик,

жўмардлик, хушмуомалалилик, одоблилик, соддалилик, сабр-тоқат, ростгўйлик, ҳалоллик, поклик.

Адабиётлар :

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т. 1994
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., Ўзбекистон 1999.
3. Абдулла шеър. Ахлоқшунослик Маърузалар матни. Т. 2000.
4. Абдулла шеър. Ахлоқшунослик ўқув қўлланмаси. Т. 2003
5. Фалсафа қомусий луғат . Т. 2004
6. Гусейнов А.А. Апресян ЗГ. Этика – М 1999.
7. Словарь по этике. М. Полит издат. 1989.

3-мавзу: Ахлоқнинг амалиёти

1. Сиёсат ва ахлоқ, ҳуқуқ ва ахлоқ, санъат ва ахлоқ, фан ва ахлоқ, дин ва ахлоқ
2. Оиланинг ахлоқий асослари
3. Фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий моҳияти
4. Касбий одоб муаммоси
5. Ахлоқий тарбия ҳамда унинг йўллари ва воситалари, ахлоқий маданият.

Сиёсат ва ахлоқ.

Кишиларнинг ахлоқий сифатларининг шаклланишига жамиятнинг иқтисодий тузилишни ташкил этадиган ишлаб чиқариш муносабатларигина эмас, балки ускуртма ходисаларининг барчаси, хусусан, иқтисоднинг мажмуалашган ифодасига сиёсат таъсир кўрсатади. Сиёсат, миллатлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради, кишиларнинг барча мафкуравий тасаввур ва тушунчаларига сингиб боради, кишилар амал қиладиган ахлоқ принциплари, меъёр ва қоидаларининг таъсирчанлигини орттиради. Г.В.Пелеханов ҳам худди нарсани назарда тутиб ёзган эди: ахлоқнинг “тартиб-қоидалари, барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуи маъносида сиёсат заминида вужудга келади. Инсон, Аристотель ифодаланидиган, фақат сиёсий мавжудот бўлганлиги учун ҳам ахлоқли мавжудотдир.”

Хамма жамиятда сиёсат воситаси билан ифодаланадиган иқтисодий муносабатлар ахлоқнинг объектив асосидир. Сиёсат ахлоқий қарашларнинг мазмунини маълум бир шаклларга солади, уларнинг ривожланишига йўналиш беради. Ахлоқ эса ижтимоий тараққиётни тезлаштирувчи ёки тўсик бўлувчи ўзига хос куч сифатида таъсир кўрсатади.

Шуни таъкидлаб ўриш лозимки, сиёсат ва ахлоқнинг ўзаро алоқадорлигига антик давр мутафаккирлари ҳам эътибор берганлар. Масалан, Аристотель ахлоқ ижтимоий яхшиликка ёрдам беришга хизмат қилади, ижтимоий яхшиликни илмий ва санъат ва сиёсатдир, деб таъкидлаган эди. Унинг фикрича, барча илм ва санъат жумладан этика, ахлоқ ҳам сиёсатга бўйсинмоғи даркор: “сиёсат ахлоқнинг маъно ва мазмунини белгилайдиган архитектурани фандир” (Аристотел Никомахова этика, кн. 1, М 1908) Гельвеций “Сиёсат ва қонунчилик билан чирмашиб кетмаган этика пуч фандир” деган (Об уме М., 1938, 94-бет)

Ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро таъсири масалалари ўтмишдаги ва ҳозирги этика системаларининг ажралмас қисми бўлиб келган шундай бўлиб қолмоқда. Қадимги философларнинг кўпчилиги (Сукрот, Платон, Аристотель) ҳуқуқий мафкурани ишлаб чиқиш жараёнида этикани қонунчилик билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Ўрта асрлар ҳуқуқи ахлоқдан холи деб эълон қилинади, чунки ахлоқ туғма, инсоннинг яшаш шароитларига боғлиқ эмас, деб қаралар эди. Ҳокимият талаб буржуазия мафкурачилари эса ахлоқни ҳуқуқ билан бевосита боғлиқ деб эълон қиладилар, шу билан улар қонунчиликни жуда мутлақлаштириб ва муқаддас, ахлоқни ҳуқуққа тамомила сингдириб юборади. Дидро, Гельвеций ва Гольбах этика-доно

қонунчилик тўғрисидаги фан деган эдилар. “Этика билан қонуншуносликни-деган эди Гельвеций,-мен бир фан деб биламан” Француз материалистлари томонидан олға сурилган “яхши” қонунлар ва “ақл билан” бошқарув тарзи ҳақидаги ғоялар “бефаросат” жамият билан алмаштиришнинг зарурлигини назарий асослашга хизмат қилади. Немис классик философиясининг намояндаларидан Кант билан Гегель ҳуқуқ билан ахлоқ ўртасидаги боғланишни аниқлашга уриниб кўрдилар. Кант бу боғланишни ахлоқни қонунчиликка бўйсундириш орқали амалга оширишга интилади. Гегель эса ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро таъсири бирлигида, инсон эркининг намоён бўлиш сифатида олиб қаради. У Кант сингари ахлоқ мажбурийликни талаб қилмаслигида, деб билди. Гегель, диалект сифатида ҳуқуқийлик ва ахлоқийлик ўз-ўзига мустақил мавжуд бўла олмайди, деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан Гегель “ҳозирги ахлоқнинг ҳақиқий ўрнини кўрсатиб берди”.

Ахлоқ билан ҳуқуқ бир-биридан фақат таъсир кўлами билангина эмас, шу билан бирга *вужудга келиш усули* билан ҳам фарқ қилади. Агар ҳуқуқий меъёрлар аниқ меъёрий акт ҳужжатлар билан давлат томонидан қонунийлаштирилса ва алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган махсус муассаса фаолияти билан вужудга келтирилса, ахлоқ меъёрлари стихияли оммавий йўл билан, кишиларнинг биргаликдаги тирикчилиги жараёнида шаклланади. Ҳуқуқий меъёрлар давлат томонидан яққол меъёрий актлар билан жорий қилинади, ахлоқ меъёрлари эса бевосита жамиятда юзага келади, улар ишонил йўли билан шаклланади. Кишиларнинг кўпчилиги у ёки бу меъёрнинг тўғрилигига жамоатчилик таъсири остида ишонч ҳосил қилади; бу меъёрлар аста-секин, сезилар-сезилмас ҳолда, кишиларнинг ўзаро муомалалари жараёнида авлоддан-авлодга ўтадиган урф-одатлар шаклида таркиб топади, ривоятларда, санъат асарларида ўз аксини топади, кодексларда жамланади. Юқоридаги фикрлардан, ахлоқий меъёрлар ҳуқуқий меъёрларга қараганда оддийроқ экан, у қадар ривожланмаган, мазмунан тарқоқ, дифференциаллашган экан деган хулоса чиқмайди, албатта. Айрим одатлар ҳақида бундай фикрга келиш мумкин бўлсада, бутун ахлоқ тўғрисида бундай деб бўлмайди. Умуман, қонунлар тўпламида қайд этилган ва системлаштирилган ҳуқуқий меъёрлар давлат ҳокимиятининг бутун қудрати билан қўриқланади; аммо кишиларни маълум хулқ меъёрларига риоя- қилишга мажбур этадиган махсус орган ва муассасалар йўқ. Бу меъёрлар кишиларнинг онгида, у ёки бу синф ва ижтимоий гуруҳнинг ахлоқий тушунчаларида мавжуд ва қарор топади. Ҳуқуқий меъёрлар қонун билан қатъий белгиланган. Ахлоқий регламентация қонунга, фармонга, қарорга ва ҳ. к. га асосланмайди, балки жамоатчилик фикрининг қудратига, расм бўлган урф-одатлар ҳукмига ёки шахснинг ўз-ўзини англашига, кишининг шахсий ишончига асосланади. Ҳуқуқий меъёрларда салбий томон (тақиқ) ижобий томонга қараганда устунлик қилади. Ҳуқуқий талаблар қандай хатти-ҳаракат қилмасликни ва ҳуқуқий тартиботни бузганлик учун кўриладиган чораларни белгилайди. Ахлоқий чоралар эса расмий равишда белгиланиши мумкин эмас, улар фақат маънавий таъсир

чоралари билангина амалга оширилади. Ахлоқ меъёрлари кишини тақидан чеклабгина қолмай, балки қандай хатти-ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатиб, уни яхшилик йўлига солади. Ахлоқ талаблари эса кишиларнинг яхши Ижтимоий онгининг барча соҳалари ичида санъат ахлоққа энг яқин туради. (Г.Белинский санъат ахлоқнинг синглиси деб, Л Н Толстой) эса этика ва эстетикани «бир шахснинг икки елкаси» деб тасодифан айтган эмаслар. Ахлоқда ҳам, санъатда ҳам марказий инъикос объекти инсондир. Ижтимоий онг формалари сифатида уларнинг ҳар иккиси инсонни унинг ижтимоий муносабатлари билан бирга, унинг борлиғи ва фаолияти (ишлаб чиқариш, турмуш, шахсий)ни кенг қамраб акс эттиради. Ахлоқ ва санъатнинг ўзаро боғлиқлиги *яхшилик* ва *гўзаллик* *ғояларининг бирлиги* билан белгиланади: кишиларнинг ижтимоий-иқтисодии ҳаёт шароитларига мувофиқ ахлоқда ва санъатда маълум бир этика ва эстетика идеали шаклланади. Ижтимоий турмуш ва инсон фаолияти ана шу идеал нуктаи назаридан баҳоланади. Халқ билан боғлиқлик, унинг ижтимоий фаолиятини умумлаштириш илғор санъат ва илғор ахлоқнинг умумий қонуниятидир. Ахлоқ ва санъат инсоният тажрибаларини умумлаштириб, кишининг маънавий қиёфасини шакллантиришдаги *функциялари* билан ҳам бир-бирига яқиндир, улар ижтимоий онгининг бошқа формалари билан, айниқса сиёсий устқурма билан чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг объектив баҳолов (ижобий еки салбий) мезонлари ҳам бир хил. Санъат ҳаётдаги ходисалар, воқеаларни уларнинг «ахлоқий пардаси» билан акс эттиради. Санъаткорнинг бошқаларга таълим бериш ҳуқуқини олиш учун амал қилиши керак.

Санъат ва ахлоқнинг бирлиги концепциясини биринчи марта Аристотель изчил ва мунтазам қилиб асослаб берган эди. Кейинчалик бу масалада шу бирлик асосида этика ва эстетиканинг мослигига асосий эътибор берган унинг тарафдорлари ва издошлари пайдо бўлди. Кант эстетика тарихида биринчи бўлиб ахлоқ ва санъат соҳаларининг ўз хусусиятлари ва бир-биридан фарқланишига алоҳида эътибор берган.

Бадиий ижод ва ахлоқ туташ идишларга ўхшайди; Ёмонлик ва адолатсизлик ҳеч қачон ҳақиқий санъат асарини яратган эмас.

Аммо ахлоқ ва санъатнинг бирлиги билан бирга уларнинг бир-биридан фарқ қиладиган томонлари ҳам бор: санъат ҳаётни бутун тулалигича акс эттирса, ахлоқ инсоний муносабатларнинг фақат бир томони - ахлоқий муносабатларнигина ифодалайди. Санъат қамраб оладиган ҳаёт ходисалари доираси ахлоққа қиёс қилиб булмас даражада кенгдир. Чунки табиат ходисалари ҳам ижтимоий ходисалар ҳам гўзал бўлиши мумкин, яхшилик эса фақат ижтимоий муносабатларгагина тааллуқлидир. Санъат ахлоқий муаммоларини ҳар қандай ахлоқ назариясига қараганда жуда бой серқирра ва диалектик тарзда акс эттира олади, агар шундай бўлмаганда эди, ўтмиш даврларда яратилган ўз мазмуни билан эскирган ахлоқ меъёрлари ва ғояларини сақлаб келаётган, лекин шунга қарамай эстетик завқ берадиган асарларнинг аҳамиятини тушунтириш мушкул бўлар эди. Фан ва ахлоқнинг ўзаро таъсири масаласи кўп асрлик тарихга эга. Бу кўникма кун тартибига қўйилган турли тарихий серқирралиги, шу масала билан шуғулланади.

Бу ҳақда биринчи марта кадимги Грецияда Сократ (Сукрот) донолик ва фазилат висбатини этика муаммоларининг асоси деб ҳисоблаган эди. Билим, - яхшилик манбаи деган эди. донишманд, - инсон қанча кўп билса шунча олижаноб бўлади. Платон (Афлотун) эса ўз устозининг бу ғоясини тугал метафизик система даражасига етказиб ривожлантирди. Аристотель (Арасту) ахлоқий негизи бўлмаган одам «хатто у ақл-фаросат эгаси бўлгани ҳолда ҳам энг фосиқ ёввойи» бўлишини таъкидлаган эди. Кейинги даврнинг кўпгина олимлари фан ва ахлоқ ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ, деб исботлашга уриндилар, бунинг устига улар фан билан ахлоқ ўртасига «ўтиб бўлмас девор» қурдилар «Ҳалол ва яхши бўлмоқ, хаттоки доно ва фозил бўлмоқ учун нима қилмоғимиз лозимлигини билмоқ учун бизга фан ҳам, фалсафа ҳам керак эмас», деган эди Кант. Масалани бу тарзда қўйишнинг нотўғрилиги ҳақидаги мунозаралар кўпдан бери давом этмоқда. Философларнинг турли хил қарашлари, бу масалани ҳал қилишда ишлатилган тушунчаларнинг бир хил маънога эга бўлмаганлиги-буларнинг барчаси ушбу масалада турли қарашларни ҳамда бир-бирига мутлақо зид хулосаларни келтириб чиқарди. Бу масалага кўпинча икки нуқтаи назардан қараб келинган. Биринчиси, этикага фан деб қараш тўғрими? Ахлоқий меъёр ва принциплар илмий асосланиши мумкинми, яъни ахлоқда объектив, ҳақиқий бирон нарса борми? Иккинчиси, фан ахлоқийми, илмий ижод жараёни ахлоққа таъсир кўрсата оладими, илмий фаолият характери олимнинг ахлоқий қиёфасига таъсир кўрсатадими? Ҳар хил файласуфлар иккисига ҳам маълум даражада салбий жавоб берадилар. Неопозитивистлар (Витгенштейн, Карнап, Мур, Айер, Рейхенбах, Стивенсон ва, ҳ. к.) ахлоқнинг фан билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини илмий асослашга уринадилар. Улар фан умумий фактлар ва қонунларни изоҳлаш ва қайд этиш билан шуғулланади, ахлоқ эса ахлоқий бойликлар (яхшилик, ёмонлик, адолат, бурч ва ҳ. к.) билан иш кўради дейдилар. Уларнинг билимга ҳеч қандай алоқаси йўқ, фан қоидалари асосида ахлоқий бойликлар табиати тўғрисида хулоса чиқариш мумкин эмас, чунки у бойликлар ҳақиқат соҳасидан ташқаридир, дейдилар. Ахлоқий, баҳоларни- ҳеч нарса билан асослаб, тасдиқлаб бўлмас эмиш. Ахлоқий баҳо, неопозитивистларнинг фикрича, бизнинг истакларимиз, хисларимизни ифодалайди. Шу сабабли этика маънодан маҳрум ва ўзида ҳеч қандай билимларни ифодаламаганлиги учун фан фактларига ҳеч нарса қўша олмас эмиш. Уларда сохталик ҳам, ҳақиқат ҳам йўқ, улар умуман тушуниб бўлмайдиган нарсалар эмиш. Неопозитивистлар фикрича, ахлоқ меъёрлари худди ана шу билан фан қонунларидан фарқ қилади. «Метафизикага, бошқарув ахлоқига, билиш назариясига тааллуқли қоидаларни,— дейди Карнап,— амалда исбот қилиб бўлмайди, шу сабабли улар ноилмийдир» Ахлоқий баҳоларнинг дея унга жўр бўлади Айер,- «уларни келтириб чиқариш мумкин бўладиган табиий ҳақиқат манбалари ҳам, ғайри табиий ҳақиқат манбалари ҳам йўқ».

Дин ва ахлоқ

Дин инсон ҳаётининг ахлоқийлигини тақозо қилади. Шу боис диний-шаръий тамойиллар ва меъёрлар, ҳадиси шарифдаги ўғитлар ахлоқ-одоб

қоидалари билан чамбарчас боғлиқ. Чунончи, инсон энг олий қадрият сифатида қатъий муҳофаза этилади. Одам ўлдириш мумкин эмас, одам ўлдириш энг улкан ахлоқсизлик ҳисобланади. Ўғрилиқ, бировнинг ҳақини ейиш, мунофиқтик, алдаш, ёлғон гапирган ва шу каби бошқа турли иллатлар ҳам диний-шаръий, ҳам ахлоқий нуқтаи назардан ман этилади. Аксинча, инсонни эъзозлаш, одамларнинг бир-бирига кўмақдош бўлиши. тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳалололик, раҳмдиллик, қандай юксак даражада бўлмасин ўнга хушомад қилишдан тийиниш, фақат Яратгангагина сиғиниш сингари фазилатлар диний тақво, ҳам ахлоқий талаб томонидан маъқулланган хатти-харакатлардир. Шу боис ахлоқни диндан мустақил, мухтор маънавий ҳодиса сифатида талқин этувчи марксча-ленинча қарашлар мантиқий ва илмий асосга эмас. Дин, таъкидлаганимиздек, инсонни ахлоқийлаштиришнинг воситаси тарзида иш кўради. Демак, диний тақво билан ахлоқий талабнинг илдизи бир. Ҳар икки ҳолатда ҳам виждон кўзга кўринмайдиган бошқарувчи муруват сифатида намоён бўлади.

Оиланинг ахлоқий асослари.

Оилани фуқаролик жамиятининг, давлатнинг энг муҳим хужайраси дейишади. Чунки ҳар бир жамият аъзосининг, бўлажак фуқаронинг тарбияси оиладан боишанади. Оила уч жиҳатни: ўзининг бевосита кўриниши бўлмиш никоҳни: оилавий мулк ва анжомлар ҳамда улар ҳақидага ғамхўрликни; болалар тарбиясини ўз ичига олади.

Аввало, никоҳ ҳақида тўхталиб ўтайлик. Қонунга биноан никоҳ тузиш шартларида энг муҳимлари - никоҳга кирувчининг ўзаро розилиги ва уларнинг нисоҳ ёшига етганликлари. Бизда йигитлар учун - 18, қизлар учун - 17 никоҳ ёшлари қилиб белгиланган. Бу — масаланинг ҳуқуқий томони. Унинг иккинчи - ахлоқий томони ҳам борки, у севги билан боғлиқ. Никоҳ тузишдан аввал икки ёш орасида гоҳ очик севги — мунгазам учрашувлар, аҳду паймонлар қилиш ёки орқаворотдан бир-бирини ёқтириши ҳоллари бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам розилик ўзгармас шарҳ ҳисобланади.

Баъзан, қадимги Шарқ халқларида, шу жумладан ўзбекларда қизнинг ёки йигитнинг розилигисиз тўй қилиб юбора беришган, ота-оналар келишса бас, деган фикрларни учратади киши. Айниқса, бундай гаплар шўролар даврида тинимсиз такрорланар эди. Ваҳоланки, бундай ҳол кам бўлган, уни мусулмончилик инкор этади. Ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг уйларига совчи келганида, қизлари Фотимадан доимо розилик сўраганлар ва рад жавоби олганлар. Фақат Ҳазрат Али совчи кўйганларида, Биби Фотима розилик берганлар. Демак, фарзандларнинг розилигини олиш бизга пайғамбаримиздан қолган суннат.

Ҳозирги кунда ҳам кўпгина ёшларилиз совчи орқали турмуш курадилар. Одатда совчи келиб кетгач, йигит билан қиз учрашади, иккаласи бир-бирини маъқул кўрсагина, фотиҳа қилиниб, тўй тараддуди кўрилади. Жуда кўп ҳолларда бундай ёшлар ўртасида кейинчалик ҳақиқий муҳаббат шаклланади. Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” романида тасвирлаган Отабек билан Кумуш ўртасидаги севгини буюк мумтоз намунаси деса бўлади. Очикчасига айтиш керакки, муҳаббатнинг ҳам ўз даражаси бор: Лайли билан

Никоҳ ўз моҳиятига кўра ахлоқий ҳодиса. Унда эҳтирослар ахлоққа бўйсундирилади. Оддий бирга яшашда эса табиий эҳтиёжни қондириш биринчи ўринда туради, никоҳда у иккиичи даражали мавқе эгалайди. Оиланинг яна бир жиҳати - унинг ўз мулкига эгаллиги. Агар никоҳ оиланинг ботиний кўриниши бўлса, оилавий мулкни уни ташқи кўриниши дейиш мумкин. Оиланинг мавжуд бўлиши учун ишлаб топиладиган маблағ ҳам зарур. Оила учун топиладиган ана шу маблағ, шубҳасиз ахлоқий табиатга эга: оила бошлиғи оила аъзоларини ҳалол едириб-ичириши, кийдириши лозим. Оилани эркак киши бошқаради. У нафақат «топиб келади», балки оилавий мулкка хўжайинчилик қилиш, уни тақсимлаш ҳуқуқига ҳам эга.

Оилада боланинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ога болада ўз жуфти ҳалолини, она эса севимли эрини кўради: болада зр хотиннинг муҳаббати нарсалашади, жонланади. Бола - оилани тутиб турувчи жонли муҳаббат. Болалар оилада умумий оилавий мулк ҳисобига еб-ичадилар. тарбия оладилар.

Оилада болалар интизомли бўлиб ўсмоқлари, ота-онага бўйсинишлари лозим. Леки бу интизом куллиққа ўргатиш эмас, балки болаларига ҳос эрка-тантқиқлик, ўзбошимчалиқ сингари салбий хусусиятларни йўқотишига хизмат қилиши керак. Ота-онага бўйсунушдан бош тортишга йўл қўйиш боланинг келажакда кўпол бадхулқ нокамтарин бўлиб етишишига олиб келади. Шу боис оила илк ахлоқий тарбия ўчоғи сифатада ҳам катта.

Дастлабки ахлоқ маскани бўлмиш оилалар йиғиндиси фуқаролик жамиятини, миллатни ташкил этади. Фуқаролик жамияти моҳиятан оила билан давлат ўртасидага даража. Гарчанд унинг тараққиёти давлат тараққиётидан кейинроқ рўй берса ҳам, у албатга давлатни тақозо этади, яъни фуқаролик жамиятининг яшаши учун унинг олдида мустақил нимадир бўлиши керак. Фуқаролик жамияти замонавий дунёмизда вужудга келади, зеро, ҳозирги пайтдагана фуқаролар ҳуқуқи ҳақиқтан ҳам инобатга олинади. Фуқаролик жамиятида ҳар бир одам ўзи учун мақсад. Бироқ, у бошқалар билан ўзаро муносабатда бўлмасдан туриб, ўз мақсадига тўла эриша олмайди: бошқалар унинг мақсадга етишиши йўлидага воситадир. Натижада ҳар бир алоҳида мақсад бошқалар билан ўзаро муносабатлар воситасида, уларнинг фаровонлиққа интилишини қаноатлантиргани ҳолда, ўзи ҳам қаноатланади. Бошқачароқ қилиб айгганда, фуқаролик жамиятида яхши, бадавлат, бахтли, ҳуқуқий яшаш учун бўлган ҳар бир фуқаронинг интилиши пировард натижада бутун жамиятнинг ўшандай яшашига олиб келади.

Фуқаролик жамияти, шундай қилиб, бир кишининг эҳтиёжини унинг меҳнати воситасини қондириши баробарида, шу меҳнат воситасида барча қолганларнинг ҳам эҳтиёжини қондиради. У ўз аъзоларининг шахсий эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади, одил суд воситасида улар мулкига дахл қилинишига йўл қўймайди. Фуқаролик жамияти турли табақалардан ташкил топган. Улар орасида табақавий ёки синфий зиддият сингари ҳодисалар рўй бериши мумкин эмас. Чунки бунда шахс — давлат фуқароси, муайян инсон манфаатлари биринчи ўринда туради ва бу манфаатлар, айтганимиздек, ҳам ахлоқий, ҳам қонуний жиҳатдан ҳимоя қилинади.

Мамлакатимизда ҳозир эркин, демократик фуқаролик жамиятини тузишга киришганмиз. Бу жамият, маълум маънода, ғарбликлар тасаввуридаги фуқаролик жамиятларидан фарқ қилади. Ғарбда бу борада эътибор асосан ҳуқуқий йўналишнинг устуворлигига қартилса, бизда ахлоқий-маънавий йўналишнинг устуворлигини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қираганда, биз қураётган фуқаролик жамияти Ғарб дунёси учун ўрнак бўлиши мумкин. Бу фахрланиш ҳиссидан келиб чиққан баландпарвоз гап эмас. Масала шундаки, Ғарб жамиятлари ҳозирги пайтда ахлоқийликни ҳуқуқийликнинг юқори босқичи сифатида қабул қиладилар. Лекин улар учун «ахлоқий ўрин бўшатишдан» кўра «ҳуқуқий ўринни эгаллаб туриш» на фақат қонуний, балки завқлироқ туюлади. Бизнинг менталитетимизда эса, бунинг акси - ҳар бир «ахлоқий ўрин бўшатиш» ўзбек қалбига қувонч, ўз инсонлик бурчини бажарганлик ҳиссини тўлдиради. Бундан ташқари, бизда фуқаролик жамияти қуришни маълум маънода тезлаштирадиган, Ғарб менталитетига хос бўлмаган маҳаллалар бор. Ўзбек маҳаллалари том маънода ахлоқий тарбиянинг маскани; оила катталари болага қанчалик тарбия бера олса, ўша оила яшаётган маҳалланинг тарбия борасидаги ҳиссаси ҳам шунча бўлади, десак хато қилмаймиз. Бунинг устига, маҳаллада халқимизнинг қадимий демократик анъаналари ҳозир ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Маҳаллада яшаётган, ҳукумат аъзоси ҳам, миллионер тижоратчи ҳам, фаррош ҳам, оддий ўқитувчи ҳам бир хилдаги маҳалладошлик ҳуқуқига эга. Чунончи, маҳалланинг оқсоқоли оддий ўқитувчи бўлиши мумкин ва кўп ҳолларла шундай ҳам. Ҳукумат аъзоси ёки миллионер эса, маҳалла фақат маҳалладошлик «лавозимида» бўлади. Уларнинг фарқланиши фақат ахлоқий жиҳатлари билангина белгиланади, Ана шу хусусиятлари билан маҳалла ўз-ўзини бошқариш тузилмаси сифатида оиладан фуқаролик жамиятига ўтиш учун ахлоқий кўприк бўлиб хизмат қилади. Бундай оралик боғловчи тузилма, юқорида айтганимиздек, Ғарб оламида йўқ. Демак, шунга кўра ҳам, бизда фуқаролик жамиятига ўтиш нисбатан осонроқ кечади, деган фикр билдириш мумкин. Бу борада Республикамиз Президенти Ислон Каримовнинг: «Шу маънода маҳаллани ўз-ўзини бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин», деган сўзлари айни ҳақиқатдир.

Буюк олмон файласуфи Гегель давлатни ахлоқий воқе бўлиши деб таърифлайди ва табиий муносабатларни маънавий муносабатаар билан муқояса қилиб, оилани — ҳиссиётга, фуқаролик жамиятини — асабнинг таъсирланнинг қобилиятига, давлатни эса ўзи учун асаб тизимига ўхшатади; у ўз ичида ботинан ташкил топган, бироқ унинг яшаши ўзида икки ҳолатнинг тараққий топиши билан боғлиқ, булар — оила ва фуқаролик жамияти. Давлат ақлнинг рўёбга чиқиши сифатида ҳар бир шахс ихтиёрига мосдир. Одатда давлатнинг мақсади ўз фуқароларини бахтли қилиш деб ҳисобланади. Агар фуқаролар қийналса, уларнинг субъектив эҳтиёж-мақсадлари қондирилмаса, давлатнинг мустаҳкамлиги шубҳа остида қолади. Давлатаинг асоси — сиёсий тузум. Унинг тақдири ҳам ана шу сиёсий тузумга боғлиқ.

Кўпдан-кўп турли-туман бошқарув ва ташкилий институтлардан иборат бўлган давлатнинг энг муҳим ахлоқий вазифаларидан бири-тарбия. Давлат томонидан мактабгача бўлган ташкилотларда, мактабларда ва олий ўқув юртларида таълим билан қўшиб олиб бориладиган тарбия алоҳида аҳамиятга эга. Агар мазкур тарбияда оммабоп усулларнинг тоши босиб кетса, у ҳол мақтарли эмас; ёшларнинг ўзлигини англаган шахс бўлиб етишуви мушкуллашади. Шу боис имкон борича тарбияда индивидуал ёндошувга интилиш мақсадга мувофиқ.

Демократик тамойилларни амалга ошириш жараёнларида давлат, ҳамма фуқаро баравар тенг, деган усулда иш кўрмаслиги лозим; ҳамманинг ҳуқуқий тенглигини тан олган ҳолда, ижтимоий; тенглаштириш тамойилига йўл қўймаслик керак.

Давлатнинг мавжуд бўлиш шарти, энг аввало. унинг суверенитетида. Бунда халқ ташқи оламга нисбатан мустақил бўлади ва ўз давлатини шу мустақиллик асосида тузади. Бу мустақилликка эришганимиздан кейин ўз давлатимизни қадимий давлатчилигимизнинг энг яхши анъаналари билан бирга замонавий демократик тамойиллар асосида қуришга киришдик. Давлатимиз ҳам маънавий-ахлоқий, ҳам жисмоний тарбияга катта аҳамият бериб келмоқда. 2008-йилнинг «Ёшлар йили» деб аталиши бежиз эмас; ёш авлод тарбияси бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мана, кўринишидан жуда оддий бир мисол. Ўзини энг инсонпарвар давлат деб эълон қилган Шўролар Иттифоқи бунёдга келганидан бошлаб, деярли ярим аср мобайнида бола туғилгач, онани уч ой ишдан озод қиларди; она уч ойлик чақалоқни боғчага ташлаб, ишга чиқишга мажбур бўларди, акс ҳолда у буйруқ билан ишдан бўшатиларди. Кейинчатик бу тарбия таътили 1 йил қилиб белгиланди. Бизнинг давлатимиз эса ташкил бўлгани баробаридаёқ бола тарбиясини юксак ижтимоий-ахлоқий ҳодиса сифатида эътироф этиб, янги туғилган бола тарбияси учун онага 3 йилгача муддат берди. Уч йилгача онанинг иш жойи сақланиб туради. Шу биргина мисолнинг ўзиёқ тоталитар тузум билан демократик давлат нақадар катта фарқ қилишини кўрсатиб туради. Тоталитар тузум давлати ёлғон, алдов – ахлоқсизлик институти. Биз танлаган демократик давлатнинг асосида эса юксак ахлоқийлик ётади.

Ахлоқий маданият

Давлат ва фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражасини фуқароларнинг ахлоқий маданияти белгилайди. Ахлоқий маданият шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Қисқаси, у шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади. Зеро ахлоқий маданият ахлоқий тараққиётнинг белгиси ҳисобланади. Зеро ахлоқий маданият ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир. У шахснинг ўзгалар билан ўзаро маносабатларида намоён бўлади.

Ахлоқий маданият-жамият, индивидлар томонидан ахлоқий камолот меъёрларига эришиш даражасидир. Кундалик турмушга, кишилар

фаолиятида амал қиладиган ва ўзлаштириладиган ахлоқий кадриятлар ахлоқий камолот меъёрлари билан боғлиқдир. Ахлоқий маданият таркибига ахлоқий онг, ахлоқий муносабат ва ахлоқий фаолият киради.

Жамиятнинг ахлоқий маданияти индивид ахлоқий маданиятидан фарк қилади. Жамият ахлоқий маданияти ахлоқий кадриятлар тизимидир.

Муомала одоби

Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири муомала одоби.

У моҳиятан ўзаро ҳамкорликнинг шаклларида бири. Инсон зоти бир-бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро гажриба алмашмасдан, бир-бирига таъсир кўрсатмасдан расмона яшаши мумкин эмас. Муомала одам учун эҳтиёж, зарурат, соғлом киши усиз рухан қийналади, кайфияти тушиб боради. Бу ўринда буюк инглиз ёзувчиси Даниэл Дефо қаламига мансуб машҳур «Робинзон Крузонинг саргузаштлари» асарини эслашнинг ўзиёқ кифоя: Жумабойни топиб олган Робинзоннинг нақадар қувонишига ҳам сабаб ана шунда.

Муомала одоби бошқа кишилар кадр-қимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий меъёрий талабларни бажаришни тақазо этади. Шунинг баробарида, у инсондага яхши жиҳатларни намоён этади, кўзга кўрсатиши билан ҳам ажралиб туради. Унинг энг ёрқин, энг сермазмун ва энг ифодали намоён бўлиши сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ўзини, энг аввало. ширинсуханлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфёъллик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қилади.

Муомала одобининг яна бир «кўзгуси» бу -инсоний қараш, нигоҳ. Маълумки, одамнинг қарашидан, юз ифодасида, қўл ҳаракатларда унинг қай сабаблардан тилга чиқмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Чунончи, суҳбатдошининг гапини охиригача эшитмай, қўл силтаб кетиш - муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан қараб қўйишнинг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Дейлик, бир қурувчи уста ўз шогирдининг хатти-ҳаракатларидан норозилигини билдириш учун бош чайқаб, жилмайиб қўйиши мумкин. Иккинчи уста эса, бир лаҳза ўқрайиб қараш билан муносабатини ифодалайди. Биринчи уста юз ифодаси ва хатти-ҳаракати билан- “Оббо шоввоз-ей, сал шошилибсан-да, ҳа, майли, зарари йўқ шунақаси ҳам бўлади”, деган маънони англатса, иккинчи устанинг қарашидан; “Яна ишни расво қилибсан-ку, падар-лаънат, қачон одам бўласан”, деган сўзларни уқиш мумкин. Шубҳасиз, биринчи уста муомалада одобга риоя қилган бўлса, иккинчиси унинг акси - шогирдининг эмас, ўзининг одобсизлигини кўрсатади.

Умуман олганда, муомала одоби кишиларнинг насиҳат ва одоб ўргатишсиз бир-бирига таъсири, тарбия ва ўз-ўзини тарбия воситаси сифатида диққатга сазовор. Шу сабабли ёшларимизда муомала одобини шакллантириш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан. Бунда ота-онани, маҳалла-қўйнинг таъсири катта. Ундан

фойдалана билиш керак. Зеро ахлоқий комилликка эришиш муомала одобини эгаллашдан бошланади.

Этикет нима?

Ахлоқий маданият яққол кўзга ташланадиган муносабатлар кўринишидан бири, бу — этикет. У купроқ шсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзини тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала одобиди инсон ўз муносабатларига ижодий ёндошса, яъни бир ҳолатда бир неча муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти-харакатни тақозо этади.

Этикетнинг қамрови кенг, у, маълум маънода, халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳ.к.этикетга риоя қилишнинг мумтоз намунасини биз тез-тез телевизор экрани орқали кўриб турамыз, Президентимиз Ислам Каримовга ҳорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларини эсланг. Унда фақат бир хил ҳолат, халқаро миқёсда ўрнатилган қоида ҳукмрон. Уни Президентнинг ҳам, элчиларнинг ҳам бузишга ҳаққи йўқ. Ёки жуда оддий, кичкина бир мисол: дастурхонда тановул пайти, пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг катъий қоидаларидан бири саналади - уни бузиш атрофдагиларда ҳайрат ва истехзо уйғотади. Шу боис этикетни одат тусига айлантирилган, катъийлаштирилган муомала одоби дейиш ҳам мумкин..

Этикет — такаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муомала ҳодисаси. Лекин, айна пайтда, у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади: этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз хошиш-ихтиёрига қарши иш кўраётган бўлиши ҳам мумкин. Бу жиҳатдан у мунофиқликнинг бир кўринишига айланади. Масалан, сиз эрталаб ишга шошилиб, дарвозадан чиқдингиз, дейлик. Рўпарангизда танишингиз ёки кўшингиз учрайди. Сиз кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб уни: «Қани уйга кирамыз, чой қиламыз, бир хангомалашамиз», деб ичкарига таклиф қиласиз. Лекин, аслида, сиз унинг уйга киришини асло истамайсиз, вақтингиз йўқ, ҳатто, шу учрашганда кетган вақтингизни ўйлаб, питирлаб турибсиз. Демак, сиз ўз истагингизга кириш, этикет-мулозамат юзасидан ёлгон гапларни айтасиз, хунук эшитилса ҳам начора - мунофиқлик қиласиз. Шунга қарамай, умуман олганда, этикет шахсга муайян тартиб-қоидага, қандай ички рухий шароитда бўлмасин, босиқликка, мулойимликка ва сабр-тоқатга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Касб ахлоқи асослари

Ахлоқий маданият касбий одобда ҳам яққол кўзга ташланади. Чунки инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳамкасабалар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айна

пайтда, касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг юксак шаклларида бири унинг жамият ахлоқий ҳаётидага ўрни юксак. Шу боис касбий одобга бафуржароқ тўхталиш жоиз.

Ҳар бир жамиятда муайян гуруҳлар борки, эгаллаган касблари уларни бошқа жамоадошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жамият аъзоларининг ҳаёт-мамотлари, соғлиғи, маънавий соғломлиги, ҳуқуқий ҳимояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ўшандай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч масъулиятии қай даражада хис этишларига, ҳалоллик ва виждон юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага маълум. Чунончи, табобат ходимини, жарроҳни олайлик. Дейлик, у ҳар бир операция кунда бир неча кишини ҳаётга қайтаради; юзлаб одамлар унинг ёрдамига муҳтож унга умид ва ишонч илинжи билан қарайдилар. Борди-ю, шахсий манфаат йўлида жарроҳ ўз беморига хиёнат қилса-чи, яъни, уни қасддан ҳалок этса-чи? Ким уни шундай қилмаслигини қафолатлайди? Ёки журналистни олайлик. У шахсий манфаати йўлида маънавий азобга камёблигидан фойдаданиб, бегуноҳ кишиларни маънавий азобга қўйиши, атайин жамият олдида шарманда қилишга ва шунинг ҳисобига ўзининг баъзи бир муаммоларини ҳал қилиб олиши мумкин эмасми? Мумкин. Зеро, то ҳақиқат юзага чиққунча, ноҳақ танқидга учраган шахснинг адои тамом бўлиши ҳеч гап эмас. Хўш журналистнинг шундай қилмаслигини ким қафолатлайди? Шу боис бошқаларнинг қўлидан келмайдиган ишларни бажара оладиганлар фаолиятида ўзбошимчалик, манфаатпарастлик, худбинлик ва касбни суистеъмол қилиш сингари иллатларга йўл қўймаслик учун, шунингдек, улар ахлоқий даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида кўп ҳолларда ўзаро қоидалар мажмуи яратилган. Бу қоидалар мажмуи, одатда, қасамёд ёки меъёрлар кўринишини олган. Уни бузиш ўта одобсизлик ва ахлоқсизлик, ҳатто жамиятга хиёнаг тарзида баҳоланали. Бундай қасамёдлар жуда узоқ тарихга эга. Мисол тариқасида ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятии йўқотмаган Қадимги Юнон Ҳакими Гиппократ (милодгача V-IV асрлар) томонидан қисқа ва лўнда шаклда тузилган, табобат ходимлари касбий одоби, қонун-қоидалари жамланган машҳур «Гиппократ қасами»ни келтириш мумкин.

Тарихда ўз душманини даволаган табиблар ҳам кўп ўчрайди. Чунончи, қадимги ҳинд эпоси «Рамайна»да (II-аср) бехуш ёггаи Лакшман бошида турган девлар шоҳининг хос табиби кечинмалари шу жиҳатдан муҳим. Табиб олдида икки йўл бор эди: бири - салтанат душманини муҳтож бемор сифатида даволаш, иккинчи йўл даволашдан бош тортиш билан уни ўлимга маҳкум этиш. Табиб узоқ мулоҳазадан сўнг, табиблик одоби -қоидаларига бўйсунуши — Лакшманни даволашни афзал кўради. Зеро касбий одоб қонун-қоидалари талабига кўра, бемор тўшаги устидаги табиб учун дўст ёки душман деган тушунчалар ўз маъносини йўқотади, ҳаётга қайтган Лакшман девлар мамлакатининг тенгсиз буюк жангчиси ва салтанат валиаҳди Индиржидни жангда ҳалок этади ҳамда табиб фуқаро бўлган Ланка давлатининг таназзулига йўл очади. Лекин, китобхон табибни хиёнаткор ёки

сотқин демайди, аксинча, унинг маънавий жасоратига. ҳалоллигига, касбий бурчига содиклигига ҳайрат билан тасаннолар ўқийди.

Булардан гашқари. муаллимлик одоби, ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари одоби, муҳандис одоби сингари бирқанча касбий одоб турлари борки, улар ҳам жамиятда ахлоқий муносабатлар системасида муҳим аҳамиятга эга. Шунини ҳам айтиш керакки, барча касбий одоб қонун-қоидаларининг таъсир доираси, миқёси бир хил эмас. Баъзи бир касбий одобнинг бузилши оддий одобсизлик доирасидан чиқиб, ахлоқсизликка айланиб кетади. Масалан, раҳбарлик одобидаги баъзи нуқталарга тўхтатайлик. Раҳбар қуйи лавозимдагиларга менсимай, қўпол муносабатда бўлиши, ўзига ишониб топширилган ҳудуд ёки ташкилотларда оддий одамлар арз-додига. орзу-истакларига тўраларча совуққон қараши одобсизликка кирса, унинг шахсий бойлик орттириши йўлида порахўрлик воситасида мамлакат, вилоят ёки ташкилот манфаатларини қурбон қилиши ахлоқсизлик, на нафақат раҳбарлик касбига балки Ватанга ҳам хиёнат тарзида баҳоланиши мумкин. Баъзан касбий одобни касбий ахлоқ деб аталиши ҳам шундан.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, касбий одоб муаммоси, баъзилар ўйлаганидек, ахлоқшуносликнинг майда масалаларидан эмас. Уни ҳар томонлама ўрганиш касбий эркинлик ва касбий бурч муносабатини тадқиқ этиш XXI аср ахлоқшунослигида муҳим ўрин эгаллажак. Зеро касбий одоб шахс ва жамият ахлоқий ҳаётида ўзини амалий ахлоқ тарзида намоён этувчи маънавий ҳодиса сифатида баҳоланиши лозим.

Ахлоқий тарбия

Инсоннинг ахлоқий ҳаёти унинг ахлоқий тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Зеро ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб етишивини таъминлайдиган узлуксиз жараёнлардан бири. Унда индивид ахлоқий кадриятларни англаб етади, ўзида ахлоқий фазилатларни барқарор этади, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар асосида яшашга ўрганади. Ахлоқий тарбия инсоният тарихи мобайнида икки муҳим масалага жавоб излайди: булардан бири – қандай яшамок керак, иккинчиси: - нима қилмоғу, нима қилмаслик лозим. Ана шу саволларга жавоб излаш ахлоқий тарбиянинг амалий кўринишидир.

Ахлоқий тарбия инсон фарзандини такомилга, комилликка етказиш йўлларида бири. Унинг воситалари кўп. Уларнинг бир қисми анъанавий тарбия воситалари бўлса, яна бир қисми замонавий воситалар. Одатда, ҳар икки турдаги воситаларда фойдаланилади. Чунончи, мактабгача бўлган ахлоқий тарбияда эртақ ва ривоятлар воситасидаги анъанавий тарбия билан ўйинчоқтар ва ўйинлар воситасидаги замонавий тарбия муваффақиятли қўлланилади; бунда боланинг қизғанчиқлик, фирромлик қилмасликка, ҳалол бўлишга ўйинлар ёрдамида даъват этилади. Болалар ахлоқий тарбиясида телевидения, радио, қўғирчоқ театри, кино санъати катта роль ўйнайди.

Умуман, ахлоқий тарбиянинг энг кучли воситаси— санъат. Бу восита аҳолининг барча табақасини, турли ёшдаги шахсларни қамраб олади. Айниқса, санъатнинг бадиий адабиёт тури кенг қамровли. Эртақдан тортиб, романгача бўлган жанрларда чоп этилган асарлар шахснинг ахлоқий

шаклланишида улкан хизмат кўрсатадилар. Улар орқали китобхон тарбияланувчи сифатида эзгулик ва ёвузлик нималигани бадий идрок этади; идеал танлашда ҳам уларнинг ахамияги катта. Бундан ташқари, бадий адабиётнинг бевосита ахлоқий тарбияга мўлжалланган хикоятлар, ривоятлар ва насихатлар мажмуалари борки, биз уларни, юқорида кўрганимиздек, пандномалар деб атаймиз: «Калила ва Димна». «Қобуснома», «Гулистон». «Зарбулмасал» сингари бундай мумтоз асарлар анъанавий ахлоқий тарбия воситаси сифатада неча асрлардан буён қанчадан-қанча авлодларга хизмат қилиб келди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолажак.

Ахлоқий тарбиянинг барча замонлар учун долзарб бўлган йўли бу - намунавийлик тамойили. Оилада, аввато, юқорида айтганимиздек, ота-она болага ахлоқий намуна бўлиши керак. Мактабда ва олий ўқув юртида муаллимларнинг таълим бериш усулларида тортиб, то «майда-чуйда» хатти-харакатларигача ўз шогирдлари томонидан шахсий юмуш тарзида қабул қилинишини назардан қочирмаслик лозим. Устоз-шогирдлик муносабатларидаги муомала одоби. халоллик, ростгўйлик ёшлар ахлоқий тарбиясининг шаклланишини таъминловчи омиллардандир.

Ҳозирги пайтда ахлоқий тарбиянинг энг кучли замонавий воситаси сифатида телевидениени келтириш мумкин. У деярли барча санъат турларида яратилган асарларни экранлаштириш ва экранда кўрсатиш имконига эга. Бундан ташқари, унинг махсус ахлоқий тарбияга бағишланган мунтазам узатувлар ҳам бериб борилади. Ўзбек Тилидаги «Оталар сўзи- ақлнинг кўзи», «Ривоят». «Оқшом эртақлари» сингари кўрсатувлар бунга мисол бўла олади. Шу боис телевидение ҳеч қачон енгилтакликни тарғиб этувчи кўшиқлар, порнографик рекламалар, инсон қалбини қаттиқлаштирадиган “ўлдир-ўлдир”лардан иборат видеофилмлар корхонаси бўлиб қолмаслиги керак.

Ахлоқий тарбиянинг ақлий маънавий ва жисмоний тарбия билан қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Ўшанда жамиятимиз ҳар жиҳатдан камол топган фуқаролик жамиятига айланади. Мамлакатимиздаги бунинг учун барча ҳуқуқий-ижтимоий шарт-шароитлар яратилган.

Таянч иборалар:

1. Оила, Никоҳ, ахлоқий маданият, ахлоқий тарбия, касб ахлоқи, ўқитувчининг ахлоқий қиёфаси, этикет, муомала одоби, фуқаролик жамияти давлатнинг ахлоқий асослари.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Тошкент “Ўзбекистон” 1995.

2. Каримов.И.А. Ҳалоллик ва фидоийлик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Тошкент “Ўзбекистон” 1994.

3. 4. Алдулла шеър. Ахлоқшунослик. Ўқув қўлланмаси. Тошкент. 2003

5. Гусейнов А.А. Апрусян В.Г. Этика М. 1999.

6. Фалсафа. Қомусий луғат Тошкент “Шарқ” 2004 йил.

7. Педагогика тарихи. Тошкент. 2000.

8. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Т. 1976